

З.М. Исломов

ЎЗБЕКИСТОН
модернизациялаш
ва демократик
тараққиёт сари

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
2005

65.6(5Ў)

И80

Тақризчилар:

М. АҲМАДШОЕВА, юридик фанлари номзоди, доцент
М. НАЖИМОВ, юридик фанлари номзоди

Исломов З.М.

И80 Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. / З.М. Исломов. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — 264 б.

ISBN 5-640-03231-6

Мазкур китоб муаллифи Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларига мурожаат этар экан, мамлакатимиз раҳбари давлат ва жамият қурилиши муаммоларига алоҳида эътибор қаратганигини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Зоро, Президент асарларида мамлакатимизда рўй берабётган туб янгиланишлар, бундкор халқимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар чукур таҳлил қилинади, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўли фоят мураккаб ва машаққатли эканлиги рўй-рост кўрсатиб ўтилади, давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммоларига алоҳида эътибор қаратиласди.

Китоб Президент Ислом Каримов асарларини, шунингдек, давлат ва ҳуқуқ назариясини ўрганувчиларга ёрдам тариқасида ҳавола этилади.

ББК 65.6 (5Ў)+66.4(5Ў)

№ 515—2005

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Ў 0804000000-117 2005
M351(04) 2005

СЎЗ БОШИ



Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилиб, эркин демократик тараққиёт йўлига ўтганига ҳам ўн тўрт йил бўлди. Мустақилликдан кейин ўтган йиллар тарих учун бир лаҳза холос. Бироқ бу йиллар Ўзбекистон учун асрларга татигулик йиллардир. Мустақиллик йиллари, авваламбор, ўз ўтмишимизни, ўз маданиятилизни холисона билиб олиш, жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидағи ўз вазифамизни англаб етиш, ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш даври бўлди. Тўғри, бизнинг замонавий демократик ривожланиш соҳасидаги тажрибамиз унчалик катта эмасди. Шунинг учун ҳам биз демократияни ўз кучимиз ва имкониятимизга таяниб барпо этишга киришдик. Эндиликда бу йўналишда анча-мунча иш қилишга улгурдик. Бугун ортга назар ташлар эканмиз, ҳалқимиз буюк ишларни амалга оширишга қодир эканлигини англаб, қалбларимиз фуурурга тўлади.

Мамлакатнинг муваффақият билан ривожланиши ҳамда равнақ топниши қўп жиҳатдан давлат тепасида турган раҳбарга боғлиқ бўлади. «Ҳар қандай ҳалқ ҳаётининг талотўмларида, тарихининг кескин бурилиш босқичларида ҳалқ ўз тақдирини шахсий фазилатлари бўртиб турган, миллатни бирлаштиришга қодир, унда тараққиёт ва тикланиш муваффақиятларига ишонч уйғота оладиган етакчига топшириши жамият ҳаётида қўп бор исботланган»¹. Ўзбекистон учун унинг би-

¹ Л. Левитин, Дональд С. Карлаил. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. Т., «Ўзбекистон», 1996, 1-бет.

ринчи Президенти — Ислом Абдуганиевич Каримов худди шундай етакчи бўлиб чиқди.

Президентимиз ҳақида кўплаб яхши гаплар айтиш мумкин. Ҳатто унинг хизматлари шунчаки санаб чиқилса ҳам, кўплаб саҳифаларни ташкил этган бўларди. Бу ҳақда мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам кўп ёзилган. Бироқ мустақил Ўзбекистоннинг демократик давлат сифатида шаклланишида Ислом Каримовнинг роли ва аҳамиятини чуқурроқ англаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади.

Бу маънода Ислом Абдуганиевич Каримовнинг давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммоларини ишлаб чиқиш бўйича илмий фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш улкан аҳамият касб этади. Айнан И.Каримов мустақиллигимиз тонгида, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маъруzasида давлат ва ҳуқуқнинг ҳамда уларнинг ижтимоий ривожланишдаги ролининг мутлақо янгича тушунчасини аниқ белгилаш ва таърифлашни зарур деб топди.

Ислом Каримов давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолига бағишлиланган кўплаб асарлар яратди. Кўплаб нутқ ва маърузаларида ушбу масалаларга мурожаат қилиб, уларни аниқ ва илмий тавсифлаб берди.

Қўлингиздаги китоб муаллифи томонидан Президентнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир», «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» ҳамда «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» каби асарлари мисолида ривожланишнинг ўзбек моделининг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиласи. Айни пайтда Президент асарларидағи давлат ва ҳуқуқ қурилиши соҳасида ишлаб чиқилган ғоялар ва концепциялар ҳам умум-

лаштирилгани, чуқур таҳдил қилингани дикқатга сазовордир.

Муаллиф Юртбошимизнинг ушбу асарларига алоҳида тўхталгани бежиз эмас. Чунки айнан шу асарларда эркин демократик қадриятларни тан олувчи мустақил демократик давлат сифатида ривожланишимиз ва қарор топишимизнинг энг муҳим муаммолари Президентимиз томонидан тилга олинибгина қолмай, балки ушбу буюк мақсадларга эришиш йўллари ҳам кўрсашиб берилган.

Мазкур китоб — муаллифнинг Президент асарларини ўрганиш бўйича кўп йиллик меҳнати ҳамда тадқиқотлари натижаси. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар муаллиф томонидан бундан бўён ҳам давом эттирилаверади, дея умид билдириб қоламиз.

*М. РУСТАМБОЕВ, профессор,
Ф. МУСАЕВ, доцент*

БУГУН ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАН ВА ЭРТАГА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БҮЛГАН МУАММОЛАР

1991 йили мустақиллик қўлга киритилиши билан мамлакатимиз, ҳалқимиз ва, албатта, Президентимиз олдида ғоят муҳим бўлган кўплаб назарий ва амалий муаммолар кўндаланг бўлганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу боис бу ўринда, аввало, назариянинг мутлақо амалий масалаларни ҳал қилишдаги аҳамиятини Президентимиз чуқур ва теран тушунишини таъкидлашни истардик.

Бу фикрларимизни асослаш учун, республикамизнинг қариyb ўн тўрт йиллик даврдаги сиёсий-ҳуқуқий ҳаёти мисолида ёритишга ҳаракат қиласиз. Шу ўринда гапни мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ умумий назариясини илмий ишлаб чиқиш масалалари билан, яъни тўғри назариясиз ҳеч бир масалада, айниқса, давлат қурилишида муваффақиятли амалиёт бўлмаслигини аъло даражада тушунган мамлакатимиз Президенти бевосита шуғулланганини эътироф этишдан бошламоқчимиз. Зоро, бу борадаги хато жуда қимматга тушиши мумкин эди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, яъни Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида, мамлакатимиз олдида биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб муҳим масалалар қатори кўп йиллар давомида марксча нуқтаи назарга қўра бузиб тавсифлаб келинган давлат ва ҳуқуқ тушунчаларининг мо-

ҳиятини янгича талқинда таърифлаб бериш зарурлигини Президентимиз тушуниб етганди. «Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни дөгмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ, таъбири билан айтганда, муросаю мадора билан бартараф этиш воситасига айланди.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вуждуга келтириш воситаси сифатида ёндашилади»².

Айни пайтда мамлакатимиз раҳбарининг ўша маъруzasida Ўзбекистонда миллий давлат қурилиши бўйича кўп ийллик ғоят шиддатли ва машаққатли ишларнинг якуни, ўй-фикрлар ва далил-исботлар, тавсиялар ва хуносалар баён этилганди. Маъруза Олий Мажлисда ҳам, халқимизда ҳам, шу билан бирга, хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унда демократия мавзусига алоҳида эътибор қаратилганди. Жумладан, маърузанинг асосий боблари «Демократия — бош йўлиниш», «Иқтиёдий муносибатларни демократиялаш — бозор ислоҳотларининг муҳим шарти» деб номланиши бежиз эмас эди. Бу мавзу ва тушунчалар миллий давлатчилигимизнинг ривожланиш тенденциялари, йўналишлари ва тамоиллари мезонини белгилашда, уларни давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтai назаридан тадқиқ этишда ғоят катта аҳамиятга эга эди.

² И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтиёдий истиқболининг асосий тамоиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 26-бет.

Давлатимиз раҳбари асарларида ва нутқларида ўз аксини топган бошқа қатор назарий муаммолар ҳам бор. Булар — ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия; бутун ижтимоий-сиёсий, давлат ва ижтимоий-иқти-садий ҳаётни эркинлаштириш; ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти муаммолари; суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси пред-мети бўлган бошқа кўплаб муаммолардир.

Президентнинг ҳар бир китоби, Олий Мажлис сес-сияларидағи, нуфузли халқаро анжуманлар ва саммит-лардаги ҳар бир маърузаси, нутқи давлат ва ҳуқуқ назарияси масалаларига янгича қарашларга бой. Улар миллий хусусиятларни ва маҳаллий воқеликни ҳисоб-га олган ҳолда билдирилган фикрлардир. Қолаверса, Юртбошимиз асарларида коммунистик империя қула-гандан кейин Ўзбекистон халқи умуминсоний қадри-ятлар ва анъаналарига асосланган, илдизлари тарих-имизга чуқур кириб борувчи мустақил, эркин ва баҳт-ли фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда ҳуқуқий давлат қуриш орзусини амалга ошириш истаги билди-рилар экан, бунда, энг аввало, демократик ғоя сўзда эмас, амалда намоён бўлганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мамлакатимиз Президентининг аҳамияти беқиёс бўлган асарлари орасида 1997 йили нашр этилган «Ўзбе-кистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бар-қарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» кито-би муҳим ўрин тутади. Ушбу китоб нафақат мамлака-тимиизда, балки чет элларда ҳам дарҳол жамоатчилик эътиборини тортди.

Китоб икки бобдан иборат бўлиб, **биринчи бобда хавфсизликка таҳдид тўғрисида** фикр юритилади, **иккинчи бобда** эса тараққиёт учун қандай шароит яратиш ва кафолатларни таъминлаш масалалари кўриб чиқилади. Бошқача айтганда: «Ўзбекистон Рес-

публикасининг ва бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бўсағасидаги тақдири, ривожланиш истиқболлари, ўз эркимизни асрраб-авайлашимиз, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавфхатарлардан саклаш, хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдиidlарга тегишли муносабат, миллий хавфсизлик ва таҳдиid манбалари ҳақида муҳим хуносалар баён этилган»³.

Китобнинг биринчи бобида муаллиф минтақавий можаролар; диний экстремизм ва фундаментализм; буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик; этник ва миллатларaro зиддиятлар; коррупция ва жиноятчилик; маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари; экологик муаммолар хавфсизликка таҳдиid солишини батафсил ва теран ифодалаб беради.

Шуниси ҳам эътиборга моликки, Ислом Каримов ушбу муаммолар таҳлилига киришишдан олдин бу китобни нима учун, қай мақсадда ёзганини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди ва китоб «Муқаддима»-сида бу ҳақда қўйидагиларни қайд этади: «Бугун биз қисқа муддат ичida танлаган мақсадимиз йўлида анча ишлар қилишга муваффақ бўлганлигимиздан қониқигина қолмаймиз. Ҳали яна узоқ вақт мобайнида устувор бўлиб қоладиган муаммоларни аниқ тасаввур этишини ўрганиш лозим. Бу муаммоларнинг қўпчилигини ялпи тамойиллар ва улкан воқеа-ҳодисалар келтириб чиқарган»⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, китоб муаллифи хавфсизлик муаммоларини таҳдил қилишга кири-

³ Президент Ислом Каримов асалари библиографияси. Т.. «Шарқ», 2001, 30-бет.

⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдиid, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 10-бет (Буидап кейинги кўчирмалар қўйидаги манбадан олинади). Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998).

шар экан, авваламбор: «Миллий хавфсизлик нимани англатади, уни қандай тасаввур қиласыз?» — деган асосий саволга китоб «Муқаддима» сидаёк жавоб беріб ўтади.

Биринчидан, хавфсизлик — узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз-худудсиздир.

Иккінчидан, ҳозир ялпи хавфсизликка асосий таҳдидни этник, миңтақавиӣ, маҳаллий можаролар ва жангари сепаратизм солмоқда.

Учинчидан, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Шарқ ва Фарб мамлакатларининг, шунингдек, ислом дүнёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби құдратли мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манбаатлары юзага чиқадиган миңтақада жойлашған Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий ҳолатидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Афғонистон ва Тожикистон сингари мамлакатлар билан чегарадош бўлиб, бу ҳам таҳдидни кучайтиради.

Тўртингиридан, тероризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш хавфли таҳдидлар манбаидир.

Бешинчидан, ҳар бир мустақил мамлакатнинг ўз миллий манбаатларига мувофиқ, ҳалқаро тизимларда ва колектив хавфсизлик шартномаларида қай даражада қатнашишни ўзи белгилаши ҳуқуқини менсимаслик ҳолатлари рўй беріб тургани ҳам таҳдидга сабаб бўлмоқда.

Олтинчидан, экологик ва ядро хавфсизлиги муаммолари ҳам ташвишланарлидир, айниқса, бизга қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга интилаётганлигини яширмаётганлиги хатарлидир.

Китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи боби **миңтақавиӣ можаролар** таҳлили билан бошланади. Муаллиф сўнгги пайтларда «миңтақавиӣ можаро» деган ибора тез-тез эшитилаётганини

таъкидлайди. Бу ибора ортида нима яширинган? Мин-тақавий можаролар — миллионлаб кишиларнинг оҳу зори. БМТ маълумотларига кўра, бутун дунёда қарийб 50 миллион киши қочоқлиқда ҳаёт кечиришига айни шу можаролар сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон истиқолла-га эришгач, дастлабки йилларда, Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош бўлгани учун, беихтиёр фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди.

«Бу ўринда ҳаммага яхши маълум бўлган бир ҳақиқат — кескин муаммолар, шу жумладан теваракатрофимиздаги мавжуд муаммолар ҳам инкор этилмаслиги лозим. Акс ҳолда бу можаролар тангликка олиб келиши, бошқариб бўлмайдиган танглик эса ривожланиш йўлида учраган барча нарсаларни вайрон қиласдиган, давлат чегараларини ва ўзга сиёсий, иктисадий, этник ва бошқа воқеиликларни тан олмайдиган фалокатга айланиб кетиши мумкинлигини ёдга олиш ўринли бўлади»⁵.

Минтақавий можаролар қандай **таҳдидаларни** келтириб чиқаради? **Биринчидан**, Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир давлатнинг этник ранг-баранглиги шароитида ҳар қандай кескинлик қўшни мамлакатлардаги тотувлик ҳамда барқарорликка пуртурсизказади. **Иккинчидан**, афғон можароси этник жиҳатдан ташқари, диний жиҳатга ҳам эга. Исломни сиёсалаштиришга, ҳокимиятга ошкора даъвогарлик ва бунга қуролли йўл билан эришишга кескин уриниш давом этмоқда. **Учинчидан**, Афғонистон чегарасининг икки томонидаги ўзбеклар ёки тожикларни бирлаштириш таклиф этилаётган бир шароитда «халқларни ажратишиш» тўғрисидаги муаммо бўрттириб юборилмоқдаки, бундай қайтадан бўлишнинг ҳалокатли оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас.

⁵ И.А. Каримов. Хавфсиэлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 44-бет.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўз давлат сиёсати доирасида ҳамда халқаро институтлар механизмидан фойдаланган ҳолда, барча мавжуд воситаларни ишга солиб, республикамиз билан чегарадош мамлакатларда можароларни тинч йўл билан бартараф этиш чоралирини кўради.

Хавфсизликка таҳдид солувчи бошқа муаммо диний экстремизм ва фундаментализмдир. Ислом Каримов бу муаммо моҳиятини таҳлил қилишга киришар экан, «олдин эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига зришиш зарурлигига қаратишни истардим»⁶, – дея алоҳида уқтириб ўтади.

Диннинг, шу жумладан ислом динининг минглаб ийллар давомида мавжудлиги ҳолатининг ўзиёқ у инсон табиатида чукур илдиз отганлигидан ва завол топмас қадрият эканлигидан далолатдир. Кўпинча дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, ҳаётининг бир қисми бўлиб, умуминсоний ахлоқ нормаларини акс эттиради, инсоннинг ажralиб, бошқалардан яккаланиб қолишини бартараф этишга кўмаклашади.

Бироқ, диннинг юксак ролини эътироф этган ҳолда, диний дунёқараш ягона фикрлаш усули эмаслиги тўгрисидаги далил-исбот билан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Дунёвий ёндашув, дунёвий турмуш тарзи деб аталадиган ҳодиса ҳам шу каби яшашга ҳақли. Улар орасидаги муносабат доим ҳам осуда деб бўлмайди, албатта. Ҳаётни идрок этишдаги зиддиятни ҳеч ким

⁶ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 52-бет.

инкор этмаслиги тайин. Аммо бу қарама-қарши туриш, зиддиятга киришиш учун баҳона бўла олмайди. Зотан, инсоният «бу сабоқ»ни аллақачон олган ва аччиқ хулоса чиқарган.

Диний фундаментализмнинг Ўзбекистонга таҳди-ди нимада кўринади?

Биринчидан, диний фундаментализмнинг таҳдиidi диндор мусулмонларнинг ўз давлатига бўлган ишончига путур етказишида кўринади. Чунки диний экстремистлар демократия, дунёвий давлат, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришга ҳаракат қилишмоқда.

Иккинчидан, бундай таҳдиид ёшларга, ақидапарастларнинг адолат тўғрисидаги оммабоп шиорларига алданиб, ёт ирова қули бўлиб, асоратга тушаётган, фикр ва ҳаракат эркинлигидан маҳрум бўлаётганларга салбий таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

Учинчидан, диний фундаментализмнинг таҳдиidi мамлакат аҳолисининг «соф» ва «бузук» дин бўйича қарама-қарши туришини юзага келтиришда ифодаланади. Шу ҳол Жазоир ва Афғонистонда миллатнинг бўлинишига олиб келганди.

Тўртинчидан, яна бу таҳдиид Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари яқинида ўзини дин учун курашчилар деб ҳисобловчи ва ўзларининг ёвуз тасаввурларини халқимизга тиқишиштирмоқчи бўлаётган террорчилар ҳамда жангариларни тайёrlаётган фуқаролар уруши ҳолатини сақлаб қолишида намоён бўлади.

Бешинчидан, бундай таҳдиид исломий ва ноисломий цивилизациялар ўртасида қарама-қаршиликни юзага келтиришда ҳам ифодаланади. Бу ҳолат жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга салбий таъсир кўрсатади.

Олтинчидан, диний фундаментализмнинг таҳдиidi оммавий онг даражасида динни барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммоларни ва зиддиятларни ҳал

этишга қодир универсал восита сифатида қарор топтириша ҳам намоён бўлади.

Шу билан бирга, «башарти кимда-ким исломни ва исломий маданият давлатларини янги «ёвузлик салтноти» ва ялпи хавф-хатар ҳудуди деб тасаввур қилса, бу ҳол XXI асрнинг бутун келажак тарихи учун фожиали хато бўлур эди»⁷.

Мамлакатимиз Президенти бу муаммонинг муҳимлигини ҳисобга олиб, унга қайта-қайта эътибор қартиши диққатга сазовор. Мисолни узоқдан излаш шарт эмас. Унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи маърузасига мурожаат қилиш кифоя. Ушбу маърузада, жумладан, қуидагилар таъкидланди: «Биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу оғатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор.

Яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчиллик мафкурасини яратётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвойер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хомхаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ, кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак»⁸.

Назаримизда, диний мутаассиблик ва экстремизмнинг хавфсизликка таҳди迪 шулардан иборат.

Бироқ буюк **давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик** хавфсизлик ва тараққиётга соладиган

⁷ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 62-бет.

⁸ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 44-бет.

хавфнинг жиҳдийлиги ҳам бундан кам эмас. «Биз буюк давлатчилик шовинизмини ва агрессив миллатчиликни қандай тушунамиз, унинг ҳозирги кўринишлари нималардан иборат?

Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади»⁹.

Ўзбекистон бу қисматдан четда қолмагани маълум: ўлкамиз аввалига чор Россияси империяси, сўнгра Совет империяси таркибида зўрлик билан тутиб турриди, турлича, баъзан буткул қарама-қарши баҳола-надиган мураккаб даврни бошдан кечирди.

Кенг тарқалган нуқтаи назарлар орасида фақат метрополиянинг роли ижобий деб ҳисобланадиганлари ҳам бор. Йирик империялар бошқа мамлакатлар ва халқларни босиб олгач, маълум даражада маърифатчилик вазифаларини амалга оширганликларини инкор этиб бўлмайди, албатта. Бироқ империялар ва кам сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг ғоят салбий жиҳатлари ҳам кўп бўлган. «Бу салбий оқибат ташқаридан олиб кирилган цивилизация натижаларидан кўра бир неча баравар ортиқ эди... Империялар қарам мамлакатлар тараққиётини, ўз манфатлари доирасидан четта чиқмаган ҳолда, ҳамиша қаттиқ чеклаб келган ва муайян йўлдан олиб борган»¹⁰.

⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 65-бет.

¹⁰ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 67-бет.

Аслида маърифат, маданият, тарихий хотира, миллий онг, миллий ва маънавий қадрият, миллий тил, анъана, урф-одат – булар халқнинг халқ эканлигини кўрсатувчи асосий омиллардир. Узоқ ва яқин ўтмишда сиёсий, мафкуравий, иқтисодий тазииклар халқимизни ҳам жисман, ҳам маънан жар ёқасига олиб келганди. Чор Россияси ва қизил империянинг юритимидаги сиёсати миллий туйғуни поймол этишга, миллий қадриятларни топташга, тарихни сохталаштиришга қаратилган эди. Айниқса, мустабид амалдорлар ўзлари босиб олган Туркистон халқларини қулликда тутишнинг энг яхши усул ва йўлларини ўйлаб топган эдилар. Жумладан, босқинчи генерал М.Скобелевнинг, миллатни йўқ қилиш учун қириш шарт эмас, маданиятини, тилини йўқ қиласанг бас, тез орада адойи таомом бўлади, дея қилган «башорати» барча хунрезликлар, маданиятимиз ва маънавиятимизга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун асосий кўрсатма бўлди. Академик тарихшунос Бўрибой Аҳмедов ҳақли равишда эътироф этганидек: «Биз қарийб 130 йил мобайнида чоризм ва большевизм асоратида яшадик. Ўлкамизни босиб олган истилочилар бизнинг тарихимизни унуттириш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди»¹¹. Натижада биз халқимизнинг кўплаб азалий қадриятлари ҳақида аниқ маълумотларга ҳам эга бўлмай қолдик.

Бундан ташқари, буюк давлатларнинг цивилизаторлик вазифаси ўзининг мумтозлик ва атрофдагиларга менсимай қаращдек ҳалокатли психологияни юзага келтириб, мустаҳкамларди. Цивилизация зўрлик билан жорий этиларди, босиб олинган халқларнинг миллий нафсонияти, фурур ва ифтихори камситиларди.

«Тарихий тажрибада қайта-қайта тасдиқланганидек, шовинизм авторитар тузумлар ўрнатилиши ва

¹¹ Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Т.. «Ўқитувчи», 1994, 370-бет.

мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки, бўйсундирилган ва қарам халқларнигина эмас, балки бир қисми мұқаррар равища бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган ўз аҳолисини ҳам бошқача шароитда итоаткорликда сақлаб туриш мумкин бўлмайди»¹².

Бу жуда яшовчан ва хатарли ҳодиса. Масалан, Россия империяси йўқ экан, сабиқ Иттифоқ парокандага учраган экан, демак, бу ҳодиса, бошқа республикалар каби, Ўзбекистонга ҳам хавф солмайдигандек бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ бу — хавфли янгилиши. Россия матбуотида бот-бот эълон қилинаётган материаллар ҳам бу хавф-хатарга яққол далил бўла олади. Аниқроғи, сабиқ республикалар ўз миллий-давлат манфаатларини ифодалабгина қолмай, балки уларни амалга оширишга қаратилган мутлақо мустақил сиёсат юритишлари Россия сиёсатчиларининг айрим гурӯҳларини ташвишга солиши табиий эди.

Шундай қилиб, Ислом Каримов буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик ҳақида гапирав экан, қуйидаги хавфни назарда тутади:

биринчидан, халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаришиликни келтириб чиқариш;

иккинчидан, халқаро-ҳуқуқий ва давлат ички суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш;

учинчидан, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

тўртинчидан, ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазийк ўтказиш жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

бешинчидан, миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқаришга, миллатлараро муносабатлар-

¹² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 67-бет.

ни кескинлаштиришга уриниш. Бу — буюк давлатчилик шовинизми ва экстремистик миллатчилик абадий ҳамроҳлар эканлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлайди;

олтинчидан, барча соҳаларда ўзаро фойдали ва тенг ҳукуқли ҳамкорликка тўсик бўлиши мумкин бўлган янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдиришга интилиш¹³.

Президентимизнинг фикрича, этник ва миллатлар аро зиддиятлар хавфсизликка солинадиган яна бир таҳди ва тараққиёт йўлидаги тўсикдир.

Хозирги давлатлар икки турга: поліэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлиниши маълум. Сайёрамизда 1600 дан зиёд этник гурӯҳлар истиқомат қилиши аниқланган, кўпчилик этнослар ўз миллий давлатчилигига эга эмас, чунки дунёнинг сиёсий харитасида икки юзга яқин давлатнигина топиш мумкин.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек: «...кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда»¹⁴.

Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланиши ўсиши билан қўшилиб, жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришнинг муҳим омилига айланади. Бу ҳол мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратади. Бироқ бунинг акси ўлароқ, собиқ Иттифоқда бутун куч-ғайрат байналмилад бирликни шакллантиришга, «совет халқи» деб аталмиш сохта тушунчани зўрлаб қарор топтиришга

¹³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 74-75-бет.

¹⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 77-бет.

сарфланганди. Шунинг учун ҳам коммунистик мафқура кишиларнинг миллий ўзлигини англаши ўсишидек табиий жараёнларни миллатчилик деб атаганди. Марказ мажбурлаб байналмиллаштириш, миллий ўзига хосликларни барҳам топтириш йўлини тутганди.

Зотан, миллий фурури сўндирилган, маданияти, тарихи, тили, урф-одат ва қадриятлари камситилган, ҳақ-хуқуқлари, иззат-нафси ерга урилиб руҳан эзилиб, умидсизликка тушган ҳалқ ва миллат мустамлакачилар ўлжаси эди. Қизил империя замонида Ўзбекистонга нисбатан «мамлакат» атамаси бирон марта ҳам қўлланилган эмас. Ўша даврда ғоят машҳур бўлган: «Менинг адресим – на кўча, на уй, менинг адресим – Совет Иттифоқи», деган тўмтоқ ибора замирида жуда маккорона сиёsat мужассам эди. У кишиларни беватанликка тарғиб қиласар, она юрт, миллат тушунчаларини онгдан, юракдан буткул чиқариб юборишга қаратилганди. Айни пайтда тарихни миллий ўзлигимизни билишга бўлган ҳар бир саъй-ҳаракат ғаламислик, миллатчилик, феодал ўтмишни қўмсашиб, байналмиллакининг илдизига болта уриш деб баҳоланди.

Бинобарин, мустабид шўро тузуми даврида миллатчилик деб аталган ҳодиса аслида туб миллий қадриятларни, ўзига хос хусусиятларни, анъаналарни сақлаб қолишга интилиш бўлиб, бу миллатнинг ижтимоий, маънавий ва тарихий ривожланиш субъекти сифатида ўзини сақлаб қолишга интилишдан иборат асосли эҳтиёжи эди. «Ҳар қандай миллат, у накадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигиdir ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади»¹⁵.

¹⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 80-бет.

«Айни маҳалда, — деб таъкидлайди мамлакатимиз Президенти, — бир миллат ўз эхтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа ҳалқлар вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакилларининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитта барҳам бериш лозим»¹⁶.

Шу билан биргага, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ўзбекистон ҳалқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», — деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига, «ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар», тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топган. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилиувчи барча миллат ва элатларининг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Бизнинг жамиятимиз этник гурӯҳлар ва миллатлар ўртасида шу ҳудудда яшайдиган ҳар қандай одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиш имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатилишига интилмоқда»¹⁷.

¹⁶ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 80-бет.

¹⁷ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 87-бет.

Бунда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини амалга оширишда, миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солувчи можароли вазиятларга йўл қўймаслик учун амал қилиниши лозим бўлган қўйидаги асосий тамоилларни қайд этади:

биринчидан, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг устувор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳукуқлари ҳам камситилмаслиги шарт;

иккинчидан, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиласидиган усуllарга асосланиши лозим;

учинчидан, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда, мамлакат ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Президенти таҳдидларни бартараф этиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасида қайгуар экан, **коррупция ва жиноятчилик** сингари салбий ҳодисаларга қарши кураш олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Ҳар бир давлат тарихида ўтиш даврида коррупция ва жиноятчилик сингари машъум ҳодисалар бўлгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Афсуски, Ўзбекистон ҳам бундан холи бўлмади. Бу ўринда гап талон-торож, ўғирлик, босқинчилик, қотиллик ва зўравонлик сингари жиноятлар тўғрисидагина бормаяпти. Ўтиш даврида иқтисодий жиноят деб аталмиш жиноятлар тоифаси катта хавф туғдиради, деб ҳисоблади Президент. Жиноий ёки кўп ҳолларда «хуфиёна» деб аталаётган иқтисодиёт уюшган жиноятни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражадаги вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. **«Коррупция** вужуд-

га келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидлир»¹⁸.

Ҳозирги даврда коррупция муаммосига амалда жаҳондаги исталган мамлакатда дуч келиш мумкин. Бироқ бу — коррупция ҳамма жойда бир хил дегани эмас. Коррупциянинг юзага келиш сабаблари ҳамма жойда турлича бўлиб, тарихий давр ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун жиноятчиликнинг одини олиш ва унга барҳам бериш бўйича универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларни ишлаб чиқишига уриниш амалда самара бермайди.

Шунга қарамай, фикримизча, АҚШ, Канада, ГФР, Франция, Испания, Чехия, Португалия сингари мамлакатларда коррупцияга қарши курашда орттирилган тажрибадан кўз юмаслик даркор. Бу мамлакатларда маҳсус қонунлар, ўзига хос ахлоқ кодекслари ёки амалдор шаъни кодекслари қабул қилинган. Коррупцияга қарши кураш муаммосини қўйида АҚШ мисолида таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг еми рувчи таъсиридан ҳимоя қилиш зарурати АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ, ўз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантиришга мажбур этганди. Бироқ АҚШда коррупцияга қарши курашдаги сезиларли саъй-ҳаракат XX аср ўрталаридан намоён бўла бошлади. Чунончи, АҚШ Конгресси 1962 йилда **сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар, шу жумладан Конгресс палаталари**

¹⁸ И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998. 90-бет.

аъзоларининг расмий хулқатвор нормаларини яратиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бундан ташқари, Конгрессда ижро этувчи органларнинг оммавий мансабдор шахсларига, шу жумладан давлат хизматчиларига, қолаверса, уларнинг яқин қариндошларига ҳам, муваффақиятли боришига ушбу шахслар қабул қиласидиган расмий қарорлар таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлардан молиявий манфаатдорликни қонун йўли билан тақиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқиди.

АҚШ Президенти Л. Жонсон ушбу кўрсатмаларни ҳаётга янада самарали татбиқ этиш мақсадида 1965 йилда давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятидаги хатти-ҳаракати белгиловчи **хулқатвор андозаларини, ахлоқ нормаларини ўрнатиши** мустаҳкамлаб қўйилган **фармойиш** чиқарди. Боз устига, АҚШ Президентининг мазкур фармойиши **юқори мартабали ҳукумат амалдорларига ўз «молиявий манфаатлари»нинг аҳволи тўғрисида тегишли ҳукумат органига вақти-вақти билан хабар беруб туриш, яъни бирон-бир жиноят изи топилмагунча мазмуни эълон қилинмайдиган молиявий декларация тақдим этиш мажбуриятини юклади.**

Бироқ бу фармойиш кўп идоралар томонидан баҷарилмади. Натижада АҚШ Конгресси 1978 йилда **«Ҳукуматда ахлоқ тўғрисида»** қонун қабул қилди. қонунда ёзилишича, унинг вазифаси **«давлат ва мусассасалар амалдорларининг ҳалоллигини сақлаб қолиш ва бу ишга қўмақлашиш»**дан иборат эди.

Бироқ қонундан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришилмади, америка жамиятининг амалдорларнинг ҳалоллигига ишончи камайиб борди. Бу эса 1989 йили **«Ахлоқ тўғрисидаги қонун ислоҳоти ҳақида»** қонун қабул қилинишига сабаб бўлди. Унда ахлоқ тўғрисидаги қонун-қоидалари ҳокимиятнинг барча қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига тааллуқли қилиб қўйилади.

Қизиғи шундаки, қонунда манфаатлар тұқнашуви давлат ҳокимияти органида хизматни тутатған шахснинг хатти-харакати натижасыда юзага келадиган ҳолатлар ҳам назарда тутилған. Масалан, давлат хизматчиси хизматда бўлган чоғида аниқ муаммоларни ҳал этишда ҳукумат мансабдор шахси сифатида қатнашган бўлса, у истеъфога чиққач, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан келғусида шундай муаммолар ҳал қилинишида кимнингдир манфаатини ёқлаб чиқиши ҳуқуқига эга бўлмайди.

АҚШ қонунларида ҳокимият барча тармоқлари учун Сенат томонидан муайян қонунлар қабул қилинишидан манфаатдор ҳисобланиши мумкин бўлган хусусий шахслардан совға олишни чегараловчи қойдалар ўрнатилган.

Шундай қилиб, тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан бошқа давлатлар амалиёти коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка қанчалик таҳдид солишини аниқ тасаввур этиш имконини беради. Ислом Каримов уларни қуидағыча белгилайди:

Биринчидан, коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадини давлат манфаатларидан устун қўйиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари жиiddий бузилишига олиб келади. «Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир», деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳукуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, жамият аъзоларининг фуқаролик мавқенини йўққа чиқаради, ислоҳотлар гоясини обрўсизлантиради.

Тўртингидан, «пул ҳокимиятга интилади», деган ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топилган бўлса, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуслар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришгача бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим.

Олтинчидан, жиноий усуслар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсалар ҳуқуқ ҳимоячилари ва жафо чеккан курашчилар сифатида ҳар қандай йўллар билан ҳокимиятга чиқиб олишга интилаётган ҳолатларга мисоллар кўп.

Еттингидан, коррупциячиларнинг чет эл сармоялари соҳасидаги хатти-ҳаракатлари нафақат ҳалол фуқароларда, балки чет эллик шерикларда ҳам ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди.

Коррупция масаласи доимо Президенттимизнинг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби нимада? Ислом Каримовнинг ўзи бу саволга қўйидагича жавоб беради: «Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиласидан одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч му болагасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатта ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг даражаси, унинг амалий самараси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот, прокуратура ва суд органлари тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан боғлиқдир»¹⁹.

¹⁹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 49-50-бетлар.

Коррупцияни тубдан барҳам топтириш учун нима қилмоқ керак? Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов: «Энг аввало, иқтисодий чоралар кўрилиши лозим. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг мантиқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил боришни, ҳалол тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш баъзан унинг йўлида сақланиб қолаётган кўплаб бюрократик сансалорликлар ва тўсиқларни бартараф этишини телаб қиласди»²⁰.

Айни пайтда жиноятчилик ва коррупцияга қарши туриш учун Ўзбекистоннинг бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш дастури қабул қилиниши зарур. Бундан кўзланган мақсад қонуннинг мутлақ устунлиги ва инсон ҳуқуқларининг кафолатли ҳимояланиши бўлмоғи лозим.

Коррупциядан ҳимояланишнинг энг самарали йўли фуқароларимизда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет ҳосил қилиш, ахлоқ юксак даражада бўлишига эришишдир. «Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори — ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим»²¹.

Шу ўринда жиноятчилик чегара билмаслигига эътибор қаратмоқ даркор. Гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, қурол-яроғ контрабандаси, ҳалқаро терроризм — ҳалқаро жиноятчилик бўлиб, алоҳида мамлакатга хавф туғдирибгина қолмай, бутун дунёга — ялпи хавфсизликка таҳдид солади. Шунинг учун ҳам жиноятчилик бутун жаҳон

²⁰ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 94-бет.

²¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 95-бет.

ҳамжамияти учун ташвиш туғдиради. Ўзбекистон эса бу йўналишда фаол ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиб, буни тинчлик ва хавфсизлик ишига қўшиладиган ҳисса деб билади.

Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида **маҳаллийчилик** ва **урұғ-аймоқчиликни** ҳам хавфсизликка солинаётган таҳдидалар қаторига киритади. Бу ҳодисаларга бизнинг адабиётимиизда ҳам, матбуотимиизда ҳам лозим даражада эътибор қаратилмайди, ваҳоланки, улар мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликка катта таҳдид солмоқдаки, буни муаллиф ўз китобида ишонарли исботлаб беради.

Бу ҳодисаларнинг ўзи қандай ҳодисалар? Ушбу саволга жавоб беришдан олдин «урұғ-аймоқчилик» нима эканлигини тушуниб олиш даркор. «Кўпчилик луғатларда берилган таърифларга кўра, урұғ-аймоқчилик феодал жамиятларга хос ҳодисадир. Бу – қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир. ...Айнан урұғ-аймоқ ўз аъзоларини ҳимоя этар, уларга ҳомийлик қиласар ва ёрдам берар эди»²².

Ҳозирги пайтда анъянавий шаклда урұғ-аймоқчиликка бўлинган жамиятни топиб бўлмайди. Лекин у ўзгарган, «замонавийлашган» шаклда мавжуд бўлиши мумкин. Кўн мамлакатларда қон-қариндошлик ришталари унчалик кучли эмас. Шунинг учун ҳам **унинг ўрнини бошқача бирлик – шу жумладан юртдошлик, ҳудуддошлик ришталари эгаллаган.**

«Бунинг нимаси ёмон?» – деган савол туғилиши мумкин. Ахир у ёки бу даражада қариндош бўлган кишиларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари мутлақо табиийга ўхшаб кўринади-ку. **«Лекин қариндош-урұғчилик, ҳудудий ёки этниципринциплар асо-**

²² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 97-бет.

сида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор
гурхчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан
шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшма-
лар (кўлинча норасмий уюшмалар) умумий ишга,
умумдавлат, умумжалқ манфаатларига зарар келтири-
ган холда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун
аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поро-
наларда юқори кўтаришга ҳаракат қилас экан, бу хол
хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқа-
рорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи ма-
ҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳакида гапиришга
тўғри келади»²³.

Давлат тузилмаларида уруғ-аймоқ ва юртдошлар гу-
руҳлари этник белгилар асосида юзага келади. Уруғ-
аймоқчиликдан мақсад — ўз аъзоларини давлат ҳоки-
мияти пиллапояларидан мумкин қадар юқори кўта-
ришдан иборат. Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи
белги — унинг аъзоларининг бир жойда туғилганли-
гидир. **Эътибор беринг:** машғулот турининг умумий-
лиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муш-
тараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг уму-
мийлиги асосий белги ҳисобланади.

Қаттиқ режалаштирилган иқтисодиётга, эгасидан
маҳрум қилинган мулкка, бойликларнинг марказдан
туриб тақсимланишига асосланган социализм маҳал-
лийчилик ва уруғ-аймоқчилик яшаши, кенгайиши ва
чукӯрлашиши учун қулай замин бўлди.

Бирон-бир амалдорнинг ҳузурига илтимос билан
кириш учун ўша амалдорга таниш одам: қариндоши,
дўсти, юртдошининг шахсий тавсияномаси бўлиши
зарур эди. Бошқа томондан эса амалдор ҳам атрофда-
гиларнинг кўллаб-қувватлашига ҳамда хайриҳоҳлиги-
га муҳтоҷ эди.

²³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-
том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 98-бет.

Мамлакатимиз раҳбари асосли равища қайд этганидек: «Жамиятда алоҳида гуруҳнинг ёки алоҳида қудудларнинг манфаатлари умумий манфаатлардан устун турадиган муносабатлар тизими мавжуд бўлиши жуда нотўғри ва хавфлидир. Бу ҳол жамиятда ижтимоий кескинликнинг ўсишига олиб боради. Давлатга — унинг барқарорлиги, яхлитлигига, тараққий этиш қобилиятига таҳдид туғдиради»²⁴.

«Муайян ҳудудий фарқларни, — дея татькидлайди Ислом Каримов, — мутлақ ҳодиса даражасига кўтариш энг хавфли хатодир. Ҳар бир шахснинг миллый ўзлигига қайтишини ўзлигини минтақавий асосда ангаши белгилаб бермаслиги керак. Инсон ўзини энг авзalo Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина хозаэмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийсининг ҳолиси деб ҳис қилиши лозим»²⁵.

Бу ҳодисаларнинг хавфи нимада?

1. Маҳаллийчилик тенденциялари минтақаларнинг үзилиб қолишига, хўжалик алоқалари тизими заифлашиб, парчаланишига, яъни уларнинг иқтисодий инцирозига олиб келади.

2. Ажralиб чиқиш кайфиятидаги минтақалар давлат яхлитлигига чинакам хавф туғдиради. Уруғ-аймоқ ёки минтақа сиёсий мухолифат ролини даъво қилувчи турал тузилмалар шаклланиши учун қулай мухит бўлиб қолиши мумкин.

3. Маҳаллийчилик ёки уруғ-аймоқчилик негизида-ти зиддиятлар миллатларо можарога айланиб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам «ҳозирги ва бўлғуси сиёsatчиар олиб борадиган барча ишларда Ўзбекистоннинг умумисоний қадриятлари ва умуммиллый манфаатлари устувор бўлишини, унинг бутун ҳудудида умум-

²⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 101-бет.

²⁵ Ўша жойда.

давлат қонунлари устуворлигини таъминлайдиган та-
мойил асос қилиб олиниши даркор»²⁶.

Миллий хавфсизликка солиниши мумкин бўлган таҳдидларни кўриб чиқишида **атроф муҳит муҳофазаси — экологик хавфсизлиги муаммосига алоҳида эътибор бериш лозим**. Зеро, узоқ йиллар мобайнида собиқ шўро буйруқбозлиқ-маъмурий тизими бу муаммо билан жиҳдий шуғулланмаганди. Бу, айниқса, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқарди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган бир қанча мамлакатлар бозор иқтисодиётига тартибсиз ўта бошлиши натижасида экологик хавфсизлик очкўзларча тор манфаатларга қурбон қилинаётган сўнгти йилларда бу муаммо янада кескинлашди.

Шу ўринда экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умумбашарий муаммога айланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Марказий Осиё минтақасида энг хавфли экологик ҳалокат зонаси юзага келганини ачиниш билан эътироф этиш зарур. Афсуски, Ўзбекистон ҳам бу жараёнлардан четда қолмади, бу маконда **ўста мураккаб вазият юзага келмоқда. Бу хавф нимадан иборат?**

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтоворсиз ортиб бормоқда. 447,4 минг кв. км дан иборат умумий майдоннинг 10 фоизигина экин майдонларини ташкил қиласи. Ҳудуднинг анча қисми Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлардан иборат.

Ўзбекистон минтақадаги аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ерда инсон фаолияти, унинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этмоқда.

²⁶ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998. 104-бет.

Нурашга қарши кураш чоралари етарлича олиб борилмаганлиги боис шамол ва сув эрозияси тупроқ, унумдорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Тупроқнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун экологик муаммога айланди.

Пахта яккаҳокимлиги ер сифатига (айниқса, 1990 йилгача) ҳалокатли таъсир кўрсатди. Экин майдонларининг 75 фоизига чигит экиларди, бу ҳол ернинг куч-сизланишига олиб келди.

Радиоактив ифлосланиш, масалан, Навоий вилоятидаги шамол учирини хавфи бўлган радиоактив қум алоҳида **хавф** солади. Бу — **биринчидан**.

Иккинчидан, сув захираларининг кескин тақчиллиги ва ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Маълумки, дарёлар оқими Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Шу туфайли Орол денгизи ҳавzasининг чекланган сув захираларини биргалашиб, келишган ҳолда бошқариш муаммосини амалий ҳал этиш талаб қилинади.

Сув захираларининг сифат ҳолати энг муҳим муаммолардан биридир. Аҳолининг, айниқса, Орол бўйида касалланишига йўл қўймаслик учун уни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш Ўзбекистон ва қўшни минтақалар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи фоят кескин экологик муаммо, таъбир жоиз бўлса, миллий кулфат бўлиб қолди.

Истиқдол йилларида Ўзбекистонда бу муаммо ҳақида кўп ёзилди ва у билан фаол шуғулланилмоқда. Шу сабабли ушбу муаммога батафсил тўхтамаган ҳолда, шуни алоҳида қайд эта оламизки, Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан бири бўлиб, 35 миллион киши унинг таъсиридадир.

Тўртингчидан, ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам экологик хавфсизликка таҳдид ҳисобланади. Мута-

хассислар берган маълумотларга кўра, ҳар йили мамлакатимиз атмосфера ҳавосига 4 миллион тонна зарарли модда чиқарилади, бунда атмосферада углерод йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида глобал иссиқхона эфекти юзага келишига олиб келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси учун Қорақум ва Қизилқум саҳролариdek тез-тез чанг бўронларини қўзғатиб турувчи, атмосферани чангтўзонга чулғовчи йирик табиий манбалар мавжудлиги ҳам хосдир. Орол денгизи қуриши оқибатида яна бир ана шундай манба пайдо бўлди.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар, асосан, шулардан иборат. Энди эътиборни ушбу муаммоларни ҳал этиш учун нималар **қилинаётганлигига ва қандай ишлар амалга оширилиши лозимлигига** қаратиш мақсадга мувофиқ. Ислом Каримов қўйидагиларни экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари деб ҳисоблади:

1. Тегишли технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, заҳарли химикатлар ва ҳалқ хўжалигига фойдаланиладиган бошқа зарарли моддаларнинг қўлланишини қаттиқ назорат қилиш йўли билан ҳаво ва сув муҳитини ифсослантиришни тўхтатиши.

2. Қайта тикланадиган захираларни тиклашни таъминлаш ва қайта тикланмайдиган захираларини қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захиралардан оқилона фойдаланиш.

3. Табиатни аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш, ернинг намини қочириш, сув чиқариш тадбирлари ва бошқаларни амалга ошириш).

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига сақлаб қолиш.

5. Шаҳарсозликни илмий асосда олиб борган ҳолда, шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш.

6. Минтақанинг экологик муаммоларига, жумладан, кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолган Орол муаммосига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш.

Кўриниб турибдики, минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатларо зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари ҳамда экологик муаммолар, давлатимиз раҳбари фикрича, кенг кўламли — глобал муаммолар бўлиб, **хавфсизлигимизга таҳдид солади**.

Шундай қилиб, ушбу муаммолар таҳлили китобнинг биринчи боби мазмунини ташкил қилади. Мазкур бобда умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги атрофлича кенг ёритилган. Шунингдек, унда хавфсизликка таҳдид солаётган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва муаммолар, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий илдизлари илмий, назарий, амалий жиҳатдан илк бор ҳар томонлама теран ва изчил таҳдил қилиб берилган.

Китобнинг иккинчи бобида: **барқарорлик шартлари қандай ва мамлакатимиизда тараққиётнинг кафолатлари нималардан иборат?** — деган саволларга жавоблар берилган.

Иккинчи боб «**Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши**» деб номланган бўлим билан бошланади. Китоб муаллифи нима учун айнан шу муаммони биринчи ўринга қўймоқда? — деган савол дарҳол туғилиши табиий. Ислом Каримов бу саволга истиқдолимиз тонгидаёқ, яъни ўзининг дастлабки асарларидан бири — «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида қуидагича жавоб бериб ўтганди: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиган-

лар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради»²⁷.

Айнан шунинг учун ҳам Президент: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган фоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»²⁸, деб ҳисоблади.

Зоро, бир асрдан зиёд вақт давом этган тоталитар қарамлиқдан сўнг маънавиятни тиклаш жараёни осон кечмасдики, буни муаллиф ўз асарида қайд этади. Даставвал бу аввалги тизим қадриятларини инкор қилиш сифатида намоён бўлса-да, бироқ бундай ёндашув сиёсий ва маданий экстремизм хавфи туғилишини англатарди. Боз устига, бу замонавийликни қабул қиласликка, модернизациялаш зарурлигини инкор этишга олиб келиши мумкин эди. Экстремистик муҳолифатнинг пайдо бўлиш хавфи айнан ана шундай инкор этиш натижасида юзага келганди. Бу муҳолифатнинг сиёсий интилишлари жангари миллатчилик, диний муросасизлик ва «ўзимизники» бўлмаган ҳамма нарсага нисбатан нафратнинг қоришмасидан иборат бўлиб қолганди. Бу — боши берк йўл эди.

Мамлакатимиз Президенти маънавиятни тиклашнинг бошқа йўлини таклиф этади. Қуйида шу йўлнинг асосий жиҳатларини кўриб чиқамиз. Муаллифнинг фикрича: **«Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканнинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир**

²⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 81-бет.

²⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 125-бет.

жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»²⁹.

«Тарихнинг гувоҳлик беришича, давлат ва жамият ижтимоий тараққиётга аввал ўз маданий меросидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришади. Бой маданий меросга, улкан миллий, маънавий қадриятларга эга бўлган ўзбек халқи инсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган ва бу диёр дунёга илгор маданиятни тарқатувчи сифатида улкан мавқега эга бўлган»³⁰. Бинобарин, Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши, деб уқтиради муаллиф, маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтрок ҳалқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. «Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланишӣ чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир»³¹.

Маънавий қадриятларни тиклаш ҳақида гап боргандо, **жамиятнинг диний-руҳий асосларига** мурожаат қилмай илож йўқ. Бу маҳсус ва батафсил фикр-

²⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 127-бет.

³⁰ М.Шарипов. Миллий, маънавий қадриятлар тикланиши ва тарихий жараён. Т., «Мусиқа», 2005, 5-бет.

³¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 129-бет.

мулоҳаза юритилиши даркор бўлган мураккаб ва жиддий мавзу эканлигини айтиб ўтиш зарур. Ушбу мавзуни яхшироқ тушуниб олиш учун унга алоҳида мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дин, унинг маънавий ривожланишдаги аҳамияти масаласига юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ катта эътибор билан қаралгани яхши маълум. Ўзбек парламенти (Олий Мажлис)нинг биринчи сессиясидаги маърузасида Ислом Каримов: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик»³², — деб таъкидлаганди.

Мустабид шўро тузуми даврида қўп йиллар мобайнида емирувчи, нигилистик ва жоҳилона атеизм шароитида тарбияланганлигимиз боис ҳам бу биз учун жиддий ва мураккаб муаммо ҳисобланади. «Менинг тушунишимча, ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавийликни, инсонга муҳаббатни, софликни тарғиб қиласи. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди. Хуллас, дин барча миллатлардаги ҳар бир инсон учун муқаддас қадриятдир. Шу жиҳатдан қараганда, ислом, агар уни бузиб талқин этишмаса, оддий, тушунарли диндир»³³, — деб ёзганди Президент (1993 йил май).

«Агар уни бузиб талқин этишмаса...» деган сўзларга эътибор берайлик. Минг йиллар давомида дин мавжуд бўлганлигининг ўзи у инсон табиатида чуқур илдиз отганидан ва боқий қадрият эканлигидан далолат беради. Дин кўпинча инсоннинг ишончли йўлдоши, ҳаётининг бир қисми бўлиб, умумбашарий ахлоқ нормаларини акс эттиради, инсонни бошқа одамлардан ажralиб қолишдан асрайди. Чунончи, Ислом динида ҳам нафақат мил-

³² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муққаддасдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 40-бет.

³³ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағфура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 237-бет.

лий, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ҳозирги пайтда ҳам ўз қимматини сақлаб келаётган муҳим ахлоқий қоидалар, маърифий фикр-мулоҳазалар беҳисоб.

Бироқ диннинг юксак ролини эътироф этган ҳолда, диний дунёқарашибикорларни ягона усули эмаслиги факти билан ҳисоблашмай бўлмайди. Унинг қаторида дунёвий дунёқарашибикор, дунёвий турмуш тарзи деб аталувчи ҳодиса ҳам яшашга ҳақли. Улар орасидаги муносабат доим ҳам сип-силлиқ кечган эмас, албатта, ҳаётни идрок этишдаги зиддиятларни эса ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин бу қарама-қаршилик учун сабаб бўлолмайди. Бундан инсоният аччиқ сабоқ чиқариб олган.

«Одам табиий омилларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунёқарашибикорни, ахлоқи, маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг тазиқисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши ҳурмат қилиниши шарт»³⁴.

Маънавий тикланишга яна нима кўмаклашиши мумкин ва лозим? Ислом Каримов ўз китобида бу **ер ва сувни асрраб-авайлаш, оила ва қариндошлиқ муносабатлари одоби** бўлиши мумкинлигини ёзади.

У, шунингдек, маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини билдиришига ҳам эътиборни қаратади.

Бу қадриятлар жумласига инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги ва ҳоказолар киришини қайд этиб ўтади муаллиф. Бу фикрларга қўшилмай илож йўқ. Бунда аҳолининг билим даражаси фоят муҳим аҳамият касб этади.

«Факат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай

³⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 53-54-бетлар.

олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини хаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда»³⁵.

Президент фикрича, шуниси дикқатга сазоворки: «Маънавий Тикланиш – фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизча, котиб қолган эски ақидалардан воз кечиш – ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бирёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши, бошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфатларни ҳисобга олиши керак»³⁶.

Ушбу бобнинг иккинчи бўлими **давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга бағишлиланган бўлиб, буларсиз тараққиётга эришиб бўлмайди.**

Истиқлолга эришгач, халқимиз олдида демократия принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифаси кўндаланг бўлди. «Ўзбекистон демократия қадриятларини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади»³⁷.

Шунинг учун қўйидагилар биринчи навбатдаги вазифалар бўлиб қолди:

³⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 134-бет.

³⁶ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 135-бет.

³⁷ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 136-бет.

а) эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тутгатиш;

б) янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш, Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустаҳкамлаб қўйиш.

Бу жиҳатдан олиб қараганда, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Бу — шубҳасиз, албатта. Зоро, Президентимиз таъкидлаганидек: «Ўзининг Асосий Қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривосжалантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»³⁸.

Айни пайтда мамлакатимиз Президенти Конституцияга кўра ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятияга бўлинниши **принципига асосланган давлат ҳокимияти органлари тизими** барпо этилганини, бу авторитаризм ва тоталитаризмнинг тикланишини истисно этишини муҳим ҳодиса сифатида қайд этади.

Шу ўринда давлатимизда ҳокимият бўлинниши муаммосига Ислом Каримов ўзининг деярли ҳар бир нутқ ва маъruzасида мурожаат этишини алоҳида таъкидлашни истардик. Юқорида эслатилган, 2005 йил 29 январда қилинган Президент маъruzасида бу масала яна

³⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 138-бет.

устувор вазифалар қаторига киритилди: «**Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа – бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат**»³⁹.

Бу нима учун муҳимлигини тушуниб олиш мақсадида тарихга мурожаат этайлик. Ҳозир давлат режимига татбиқ қилинаётган ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси уч юз йилдан зиёдроқ вақт аввал юзага келган. Инглиз файласуфи, материализмнинг фойвий-сиёсий доктринасини яратган Жон Локк ҳамда француз маърифатпарвари, файласуф ва ҳуқуқшунос Шарль Луи Монтескье бу таълимотнинг асосчилари ҳисобланишади.

Ж. Локк фикрича, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири саналади. Локк бу ҳокимият органлари узвий алоқадорлигини эътироф қилган ҳолда, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимиятдан устунлигини таъкидлайди⁴⁰.

Ш.Монтескье эса уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги ва алоҳидалигини ёқлаб чиқади ҳамда ҳокимиятнинг энг мақбул тарзда тақсимланиши ўзаро тийиб туриш (чеклаш) ва мувозанатлаш тизими ёрдамида таъминланишини қайд этади. Жумладан, ҳар бир давлатда, деб ёзганди Монтескье, «уч тур ҳокимият: қонун чиқарувчи ҳокимият, халқаро ҳуқуқ масалаларини бошқарувчи ижро этувчи ҳокимият ҳамда фуқа-

³⁹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 36-бет.

⁴⁰ Дж. Локк. Избранные философские произведения. Т. 2. М., 1960. 16-17-бетлар.

ролик ҳуқуқи масалаларини бошқарувчи ижро этувчи ҳокимият бор.

Биринчи қисмга кўра, ҳукмдор ёки муассаса мұвақ-қат ёки доимий қонунлар яратади, мавжудларини тузатади ёки бекор қиласы. Иккинчисига кўра, улар уруш эълон қиласы ёки сұлх тузади, элчилар юборади ёхуд қабул қиласы, хавфсизликни таъминлайди, ҳужумларни бартараф этади. Учинчисига кўра, улар жиноят учун жазолайди ва хусусий шахслар можароларини ҳал қиласы. Сўнгги ҳокимиятни суд ҳокимияти, иккинчи сини эса шунчаки давлат ижро этувчи ҳокимияти деб аташ мумкин»⁴¹. Монтескье томонидан кўриб чиқилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тарзидаги учлик, вақти келиб, конституционализм назариясининг классик шакли бўлиб қолди.

Маълумки, «Конституционализм принциплари, қарор топган муносабатлар фуқаролар эркинлигини таъминлаш биринчи ўринга қўйиладиган чекловлар тизимини таркиб топтиради. Конституциялар ўз ҳоли-ча давлат ҳокимиятининг ифодасидир; конституционализм ғоялари сингдирилган конституция эса, гарчи кўпинча муайян принциплар ва ижтимоий ваъдалар йиғиндисини ўз ичига олса-да, чекланган ҳокимиятни ифодалайди»⁴².

Ҳокимият бўлиниши назарияси илмий, назарий-гина эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Ҳокимият бўлиниши ғояси Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари декларацияси (1789), 16-модда; Франция Конституцияси сингари фундаментал ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Ҳокимият бўлиниши умумий назариясининг асосини ташкил қилувчи умумий, қарор топган, универ-

⁴¹ Ш.Монтескье. Избранные произведения. М., 1955, 290-бет.

⁴² А. Шайо. Самоограничение власти (Краткий курс конституционализма). М., «Юристъ», 1999, 12-бет.

сал қоидалари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрса-тиш мумкин:

1. Ўзини демократик деб атайдиган ҳар бир давлатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўзаро ягона давлат механизми билан фақат чамбарчас боғланибгина қолмай, балки нисбатан мустақил ҳамdir.

2. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд функцияларини амалга оширувчи юқори давлат органлари ўртасида ҳокимият тармоқларининг муайян нисбати мавжуд, чекловлар ва мувозанат тизими амал қиласди.

Аслида, «Ҳокимиятнинг бўлиниши демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир. Бу принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суистеъмол қилинишига йўл қўймайди, фуқарони мансабдор шахслар тазиқидан ҳимоя этади, давлат идоралари фаолияти самарали бўлиши учун шарт-шароит яратади. Энг муҳими – ҳокимият бўлиниши принципи мамлакатнинг конкрет тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этиласагина ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин бўлади»⁴³.

Учала ҳокимиятнинг барчаси, одатда, доимий ҳуқуқий асосда иш олиб боради. Мамлакатимиз Президенти ҳокимият бўлинишининг конституциявий принципларига катта эътибор қарататётгани диққатга сазовор. Унинг кўплаб нутқ ва асарларида ушбу масалага алоҳида диққат билан қаралади. Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XI сессиясида бу принципнинг аҳамиятини қуйидагича тавсифлаган эди: «Барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасидаги, биринчи галда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амал-

⁴³ Ш. Мансуров. Демократик жамият қуришда жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон модели. Т., «Ўзбекистон», 2003. 40-бет.

да ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди»⁴⁴.

Шу ўринда янги ўзбек давлатчилигининг хусусияти нафақат у ҳокимият бўлиниши принципига асосланганида, балки унинг ҳар бир тармоғининг хусусияти тубдан ўзгарганида ҳам эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ қиласди. Улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил этилди»⁴⁵.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ҳокимлар бошлигидаги янги тизими яратилиб, унда ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти раҳбарларининг функцияси бирлаштирилади, бу тизимни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис 1994 йилда биринчи эркин, демократик сайловдар натижаларига кўра ташкил этилганди. Олий Мажлис таркиб топган дастлабки кунларданоқ фаолиятининг асосий йўналишлари ёш мустақил давлатнинг устувор жиҳатлари ва вазифаларидан, унинг миллий манфаатларидан, мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислоҳотлардан кўзлаган аниқ мақсадлардан келиб чиқиб белгиланганди.

⁴⁴ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва матрифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 223-бет.

⁴⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 138-139-бетлар.

Ўзбекистон Олий Мажлисинг биринчи сессиясида, яъни 1995 йил 23 февралда Президент Ислом Каримов депутатларга, мамлакат олдида турган жорий ва истиқбол вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, парламент фаолиятининг кенг дастурини таклиф этди. Олий Мажлиснинг конституциявий вазифаси — жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида чуқур демократик, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни қонунлар билан ўз вақтида таъминлашдир.

Бироқ бизнинг парламент истиқдол йилларида анча ўзгарди. Бу ўринда парламент бир палаталидан икки палаталига айланганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Яқинда эса икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди. «Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, фоят муҳим ўрин эгаллади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди»⁴⁶, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов.

«Ҳуқуқий ислоҳотлар борасидаги улкан ва аниқ мақсадга қаратилган куч-файратлар натижасида, Асосий қонуннинг қоидалари негизида республика суд тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлик бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди»⁴⁷.

Янги Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон тарихида илк бор жорий этилган Республика Президенти лавозими давлат ҳокимияти тизимида марказий ўрин тутиб, Ўзбекистон сиёсий тизимининг ўзаги бўлиб қолди.

«Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган. Бу ҳокимият жа-

⁴⁶ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 30-бет.

⁴⁷ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 139-140-бетлар.

миятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислоҳотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланаб қолди»⁴⁸.

Бунда, Президент Ислом Каримов алоҳида таъкид-лаганидек: «давлатнинг моҳияти бутунлай, тубдан ўзгарди. Давлат дастлабки босқичда жамиятни янгилашнинг энг фаол кучига айлангани ҳолда, ислоҳотларнинг бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг асосий амалга оширувчиси бўлиб қолди»⁴⁹.

Ислом Каримов китобда барқарорлик ва жамиятни демократлаштириш кафолати бўлган янги давлатчиликни шакллантириш зарурлиги ҳақида фикр юритар экан, яна бир муҳим жиҳатни — **мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда давлатчиликнинг ролини алоҳида таъкидлайди**.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик ҳозирги дунёда асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу даврнинг аввалги даврдан фарқи шундаки, эндилиқда «совук уруш» ва унинг асоратлари, хуружлари ўрнига халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда⁵⁰.

Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашни таъминлаш асосий масалалардан бири сифатида тилга олинди. Шу муносабат билан мамлакатимиз миллий хавфсизлигининг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосларини белгиловчи қонунларни яратиш ғоят долзарблиги таъкид-

⁴⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 140-бет.

⁴⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 140-бет.

⁵⁰ И.А.Каримов. Ватағ равиқи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т., «Ўзбекистон», 2001, 105-бет.

ланди. Бундай концепциянинг зарурлигини бир қатор сабаблар тақозо қилади, улар орасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- инсоннинг ерда ҳаёт кечиришига солинадиган тўғридан-тўғри таҳдид — ялпи ядровый уруш, экологик бўхрон, биогенетик бузилиш;
- энг янги технологияларни яратиш, улардан фойдаланиш қобилияти ролининг ошиши ва уларни ҳимоялаш;
- атрофимизни манфаатлари бир-бирига тўғри келмайдиган мамлакатлар қуршаб турган шароитда Марказий Осиё минтақасида хавфсизликнинг умумий тузилмаси йўқлиги;
- минтақамизда тўқнашувлар келтириб чиқариши мумкин бўлган мусулмон олами айрим мамлакатлари манфаатларининг бир-бирига мос эмаслиги. Зеро, бекарорлик ва хавф-хатарнинг икки ўчоги — Тожикистон ва Афғонистон айнан шу минтақада жойлашган.

Мамлакатимиз Президенти ўз китобида қуйидагиларни таъкидлайди: «Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатланган тарзда ҳимояланганлигини билдирадиган миллий хавфсизлик — комплекс тадбирлар тизимиdir. Унда кучли давлат билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган фаол ишлар, шунингдек, турли нодавлат тузилмаларининг кенг тармоғи миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур ва муҳим таркибий қисмларига айланиб бормоқда»⁵¹.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари: «Давлат миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий масъулиятини ўз зиммасига олади. Бу ҳол давлат ҳокимиюти органларини ислоҳ қилиш муаммоларига эътиборни кучайтиришни зарур қилиб қўяди. Бунда

⁵¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998. 142-бет.

ҳокимиятнинг марказдан жойларга ўтиш жараёни минтақавий сепаратизмга олиб келмаслиги керак. Жамият ҳаётини демократиялаш эса турли шиорлар остида сиёсий экстремизмнинг авж олиши учун асос бўлмаслиги лозим. Шу сабабли янги босқичда гап ижтимоий тараққиёт жараёнларида давлатнинг роли пасайиши ҳақида эмас, балки янада аниқроқ юзага чиқиши, стратегик йўналишлар белгиланиши ва уларда яқин кела-жақда давлатнинг етакчи роли сақланиб қолиши тўғрисида боради»⁵², — деб асосли равишда ҳисоблади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, миллий хавфсизлик, мамлакатимиз суворенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳозирги босқичда биринчи галда ташқи кучлар кўпроқ таҳдид солаётгани яхши маълум.

Ўзбекистон ҳалқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўз давлатчилигини барпо этиши, ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда ўз мустақиллигини мустаҳкамлаши даркор. Шу муносабат билан барқарорлик ва давлат хавфсизлигини белгилаб олиш ҳамда таъминлаш жуда муҳим. Президентимиз фикрларича, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топиши лозим (ЕХХТ ва БМТда иштирок этиш).

Иккинчи. Самарали сиёсий маконни таркиб топтирувчи мустаҳкам давлатлараро битимлар тизимини яратиш.

Учинчи. Имзоланган давлатлараро битимларга сўзсиз амал қилиш.

Тўртинчи. Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш.

Бешинчи. Ўзбекистон қўшилмаслик ҳаракати аъзоси сифатида ҳеч қайси блокка қўшилмаслиги.

⁵² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 143-бет.

Олтинчи. Ўзбекистоннинг МДҲ таркибида колектив хавфсизлик тизими даги иштироки.

Еттиинчи. Яқин қўшнилар — Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Саккизинчи. Армиямиз, қуролли Кучларимиз, ҳарбий доктрина миз.

Тўққизинчи. Жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий-ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таяниш⁵³.

Миллий хавфсизлик тизими маҳсус давлат органдари бўлишини тақозо этади. Бу орган — Миллий Хавфсизлик Хизматидир. Конституцияга мувофиқ (93-модда, 21-банд), Миллий Хавфсизлик Хизматини Ўзбекистон Республикаси Президенти шакллантиради.

Президент бу хизматнинг самарали иш олиб боришига катта эътибор беради. Мисол тариқасида Президентнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзланган нутқини келтириш мумкин. Бу нутқда у қуйида гиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Миллий хавфсизлик тизими учун хавф-хатарнинг олдини олиш ва уни бартараф этишда олдиндан чора кўриш услуги кўпроқ қўл келади. Шу билан бирга чуқур ва кенг миқёсли таҳлил қилишга қодир тадқиқот ва ахборот марказларини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хавфсизлик Кенгаши — давлатдаги олий мансабдор шахсларнинг маслаҳат органи ана шундай восита бўлиши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши Республика Президенти ҳузурида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Хавфсизлик кенгаши миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаши, бунинг учун жавобгар бўлиши лозим.

Кенгашининг вазифалари кўп қиррали ва мураккаб дир. У ушбу соҳада миллий хавфсизликнинг устувор

⁵³ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 46-53-бетлар.

йўналишларини ва давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқишига жавоб бермоғи керак. Шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар мажмую Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлигида режалаштирилади ва амалга оширилади»⁵⁴.

«Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови – мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва кўз қорачигига асрарашдир. Бу ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз керак»⁵⁵, – дея таъкидлаганди мамлакатимиз Президенти иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида.

Шу сессиянинг ўзида давлатимиз раҳбари парламент аъзолари эътиборини хавфсизликни таъминлаш учун ҳал этилиши лозим бўлган қуидаги вазифаларга қаратди:

Биринчи. Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш.

Иккинчи. Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини ҳар томонлама кенгайтириш.

Учинчи. Ягона давлат сиёсати асосида армия, чегара ҳамда қўшинларимизни босқичма-босқич ва изчил ислоҳ қилиш.

Тўртинчи. Давлат чегараларимизни янада мустаҳкамлаш ва унга тегишли иншоотларни барпо этиш.

⁵⁴ И.А.Каримов. Ватан саҷдагоҳ, каби муққалласдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996. 52-53-бетлар.

И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 347-бет.

Бешинчи. Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

Олтинчи. Ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш⁵⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаёт бу вазифалар долзарблиги ҳамда ўз вақтида қўйилганлигини кўрсатди. Ўз навбатида, бизнинг хавфсизлик органларимиз Президентимизнинг ҳам, халқимизнинг ҳам кутганларини оқлади. Машъум февраль (1999) воқеалари ҳамда чегара яқинида бўлиб ўтган воқеалар даврида аскарларимиз террорчиларга қарши курашда матонат ҳамда қаҳрамонлик намуналарини намойиш этишди. Шу боис иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида Ислом Каримов хавфсизлигимизни ҳимоя қиласётганларнинг матонати ва қатъиятини юқори баҳолади: «Бугун шуни қатъий айтиш мумкинки, бизнинг маҳсус ҳарбий бўлинмаларимиз, чегара посбонлари, Ички ишлар вазирлигининг аскарлари юртимизни ҳимоя қилиш, осто намизга ёвуз кучларни йўлатмаслик, уларга муносаб зарба бериш ва йўқ қилиб ташлаш учун барча тегишли ишларни амалга ошироқда»⁵⁷.

Иккинчи бобнинг ғоят қизиқарли, улкан маъно ва юксак ғоявий мазмун касб этувчи бўлимларидан бири – «Демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш» деб номланади.

XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги инсоният тарихига буюк ўзгаришлар даври сифатида кирди. «Биринчи навбатда, жамиятда мавжуд манфаатлар ва муносаба-

⁵⁶ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 348-350-бетлар.

⁵⁷ И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т., «Ўзбекистон», 2001, 95-бет.

батларни мужассам ҳолда ифодаловчи ижтимоий-сиёсий институт бўлмоғи лозим бўлган демократик, ҳуқуқий давлатнинг қарор топиш жараёнини кўрсатиб ўтиш даркор»⁵⁸.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Асосий қонун демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган жуда катта ҳисса шундан иборатки, у мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгандир. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради»⁵⁹. Бинобарин, бу ҳол мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий таъминлаш ҳамда **фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг ҳуқуқий омили ҳисобланади**.

Шу ўринда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва ривожланиш муаммолари «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби пайдо бўлганидан кейингина ижтимоий билимнинг хилма-хил йўналишлари ва тармоқлари олимлари томонидан фаол ўрганила бошланганига эътиборни қартишни истардик. Зеро, ушбу китоб мўаллифи фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни мамлакатимиз стратегик мақсади сифатида барпо этиш зарурлигини ишонарли тарзда асослаб берган. Ислом Каримов мазкур китобда: **Барпо этишимиз лозим бўлган фуқаролик жамияти қандай жамият?** – деган foят муҳим саволга аниқ жавоб беришни лозим топди.

⁵⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 150-бет.

⁵⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 151-бет.

«Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий ма-
кон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг
ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, ак-
синча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳукуқ
ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига
қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳукуқ
ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди.
Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг
ўзида амал қиласди, бир-бирини тўлдиради ва бир-би-
рини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг
қонунлари инсон ва фуқаро ҳукуқларини камситмас-
лиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонун-
ларга сўзсиз риоя қилишлари шарт»⁶⁰.

Ҳозирги босқичда давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ янги вазифалар ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш билан боғлиқ бўлиб, у, энг аввало, сиёсий институтлар ва нодавлат жамоат бирлашмали-
ри ранг-баранглигига ҳамда уларнинг ролини мустаҳ-
камлашда ўз ифодасини топади. Айнан шунинг учун ҳам китоб муаллифи: «Янги шароитда давлатнинг, дав-
лат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ғоят мұ-
хим вазифаси сиёсий партиялар... билан ишлаш ва ҳам-
корлик қилишнинг янгидан-янги шаклларини излаб
топишдан иборатдир»⁶¹, – деб таъкидлайди.

Гап битта партия устида бормаётганлигига эътибор қилинг. Ўзбекистон демократик республика сифатида кўп partiya вийликни афзал кўради. Нима учун? – де-
ган савол туғилиши табиий. **Кўп partiya вийлик тизимнинг устунилиги нимада?** Ислом Каримов нима учун бир партия вийликни маъқул кўрмаслиги тушунарлироқ бўлиши учун ушбу саволларга батафсилоқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

⁶⁰ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-
том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 151-бет.

⁶¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-
том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 141-бет.

Яқин ўтмишда амал қилған қатор бир партияйиң сиёсий режимлар тажрибаси жамиятнинг бундай сиёсий ташкилоти ғоят самарасиз эканлиги ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. Одатда, авторитар ва тоталитар жиҳатлар устунлик қилған сиёсий режимнинг ўрнатилиши бир партияниң ҳукмрон бўлиши самараси ҳисобланади. Жамиятда битта партия ҳукмронлик функциясини узоқ вақт монополия қилиши (аслида партия умуман бу иш билан машғул бўлмаслиги лозим) пировардида ҳалокатли натижаларга олиб келишига ва, энг аввало, демократиянинг издан чиқишига, бемаънилашувига, халқнинг ҳокимиятдан ва ҳокимиятнинг халқдан ялпи ажралиб қолишига КПСС мисолида ишонч ҳосил қилдик. Сиёсий ҳокимиятнинг монополия қилиниши субъективизм ва волюнтаризмга кенг шароит яратиб беради, ҳокимият эгаларини бузади, фуқаролик жамиятини емиради ҳамда узлуксиз танглик ҳолатини муқаррар равишда юзага келтиради.

Таниқли рус ҳуқуқшуноси ва публицисти Иван Ильин уқтиришича, «партия монополияси ўрнатилиши (таъкид бизники – З.И.) ҳеч қачон ва ҳеч қаерда яхшилик келтирмаган: энг яхши кишилар ўзларини четга олишади, ёмонлар ёппасига партияга аъзо бўлиб киришади, чунки яхшилар мустақил ва эркин фикр юритишади, ёмонлар эса амал дардида барча нарсага мослашишга тайёр туришади. Шунинг учун монопол партия ўзини ўзи алдаб яшайди: «сифатли саралаш»ни бошлаб, у «партияйи ҳамфирлик»ни талаб қиласди, уни сиёсий ҳуқуқлилик ва лаёқатлиликнинг шартига айлантириб, кишиларни бемаънилик ҳамда риёкорликка даъват этади; бу билан у ҳар қандай каллаварам ва мунофиқларга, муттаҳам ва амалпрастларга эшикларни ланг очиб беради; партияниң сифат даражаси путурдан кетади, алал-оқибат ҳокимиятта чайқовчилар, порахўрлар, таловчилар, террорчилар, тилёғламачилар ва хоинлар келишади»⁶².

⁶² И. Ильин. О грядущей России. М., 1993, 69-бет.

Бу ўринда гап партия монополияси ҳақида бораёт-гандигини унутмаслик лозим.

Маълумки, кўп partiya вийлик «жамиятда турли партияларнинг эркин фаолияти учун ижтимоий ҳуқукий шарт-шароит яратишни кўзда тутади. Бундай шароитда партиялар ўз дастур ва сиёсатларини конституция асосида амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бу борада жаҳондаги илғор мамлакатларнинг тажрибаси катта аҳамиятга эга. Жамиятнинг пешқадам ва фаол аъзоларидан ташкил топган сиёсий партиялар ушбу мамлакатлар ҳаётида ўзига хос ва салмоқли ўрин тутади. Бу уларнинг жамиятни эркинлаштириш, сиёсий плюрализм муҳитини шакллантиришдаги фаолиятида яққол кўзга ташланиб туради. Кўп partiya вийлик тоталитар давлатлар учун ёт бўлса, демократик жамият ҳаёт тарзининг ажralmas таркибий қисмидир. Муайян мамлакатдаги сиёсий эркинлик ва инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги даражаси ҳам ана шу тамойилга нисбатан аниқланади»⁶³.

Демак, **кўп partiya вийлик** — фуқаролик жамиятнинг ажralmas таркибий қисми. Айнан кўп partiya вийлик ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари орқали жамиятда амал қилаётган турли ижтимоий-сиёсий гурухларнинг манфаатлари, мақсадлари, эҳтиёжлари ҳамда ниятлари аниқ кўринади. Кўп partiya вийлик қоидасини қонуний йўлга қўйиш, шунингдек, жамиятда барча сиёсий партиялар, оқимлар вакиллари ўртасида ташкилий ва мунтазам мулоқот олиб бориш, сиёсий фаолиятнинг асосий демократик нормалари бўйича консенсус доирасини белгилаш ҳамда кенгайтириш, сиёсий экстремизмни заарасизлантириш имконини беради. Кўп partiya вийликнинг бирон-бир партия ёки гурух, томонидан сиёсий ҳокимиятнинг монополия

⁶³ Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Т., «Янги аср авлоди», 2002, 66-67-бетлар.

қилинишига тўсқинлик қиласидиган шароит яратиш функцияси ҳақида ҳам унутмаслик даркор.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов дастлабки асарларидан бўлмиш «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»да «чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўп partiya вийликни амалда шакллантириш»ни инсонга ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий борлигини эркин танлашни кафолатлаш мумкинлиги шартларидан бири деб ҳисоблади. Бунда у: «Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавф-сизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, ҳалқ-нинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиласидиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак»⁶⁴.

Айни пайтда кўп partiya вийлик жамиятга таҳдид солиб турган барча мусибат ва хавф-хатарларга балогардон бўлолмаслигини ёдда тутиш лозим. У муваффақиятли сиёсий фаолият кафолати эмас, балки бу фаолиятга дастлабки зарур шарт-шароитларни яратиш имконини беради, холос.

«Янги типдаги» партиянинг кўпийиллик якка сиёсий ҳокимлигидан сўнг республикамиз ҳозир кўп partiya вийликка ўтмоқдა. Машаққатли ва зиддиятли бу жараён анча вақтни талаб қиласи. Бироқ, **кўп partiya вийлик — жамиятда бир партия ўрнига бир неча партия тузилган вазият, холос, деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.** Партиялар бир нечта ва, ҳатто, кўп ҳам бўлиши мумкин. Аммо уларнинг сиёсий жараёндаги иштироки рамзий бўлса, аъзолари сони кам ва ташкилий тузилиши номигагина бўлса, жамиятда кўп пар-

⁶⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I-том. Т.. «Ўзбекистон», 1996, 46-бет.

тиявиийлик амалда мавжудлиги тўғрисида жиддий гап бўлиши мумкин эмас.

Шу жиҳатдан мамлакатимиз Президентининг қуийдаги фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ: «...демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмаслигини ҳам ёдда тутиш даркор. Ҳақиқатан ҳам кенг ижтимоий гурӯхларнинг манфатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган сиёсий партиялар учун нормал сиёсий макон яратиб бериш муҳимдир. Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўрикларининг ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий мафгаатлар йифиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим»⁶⁵.

Чинакам кўппартиявийлиknи шакллантириш учун муайян шарт-шароит мавжуд бўлиши тақозо қилинади. Уларнинг бўлмаслиги ёки муайян тарихий вазиятда лозим даражада етук эмаслиги бир партиянинг сиёсий ва мафкуравий монополиясидан кўппартиявийликка ўтиш жараёнига ўз таъсирини ўтказади, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр юритганда ҳисобга олиниши лозим бўлган қатор муаммо ва зид диятларни келтириб чиқаради.

Эҳтимол, кўппартиявийлик ҳодисасини ва унинг ҳозирги демократик жамият қарор топишидаги ролини яхшилаб аниқлаб олиш учун, умуман партия ўзи нималигини, партиялар қачон ва нима учун пайдо бўлганлигини тушуниб олиш мақсадида, тарихга бир оз назар ташлаш керакдир? Зоро, «йўлбошли ва раҳ-

⁶⁵ И.А.Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон». 1998, 152-бет.

бар» партия ҳукмрон бўлган даврда бу мавзудан қочи-ларди ва уни четлаб ўтишга ҳаракат қилинарди, чунки унинг ҳақиқий роли тўғрисида анча «хатарли» хуло-салар чиқариш мумкин эди.

Айни чоёда сиёсий партияларнинг юзага келиши ва қарор топиши тарихи фуқаролик принципининг ривожланиши ҳамда ҳозирги жамиятларнинг тобора кўпроқ қатламларини сиёсий ҳаётга жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Дастлабки партиялар сайлов ҳуқуқи анча чекланган шароитда шаклланган ва фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланувчи имтиёзли озчиликдан иборат бўлганди. Бундай партиялар Англияда XVII аср охиридаёқ пайдо бўлганди. Булар — барчага маълум ва машҳур тори ва виглар партиялари бўлиб, улар негизида XIX асрнинг иккинчи ярмида Британиянинг Консерватив ва Либерал партиялари тузилганди.

Бу партиялар замонавийларидан анча фарқ қилиб, кўпроқ ҳозиргига қараганда кам сонли сайловчиларни бирлаштирган сиёсий клубларни эслатарди. У пайтларда сайловда иштирок этиш учун анча катта мулк эгаси бўлиш зарур эди. Бундан ташқари, аёллар сайловчилар қаторига киритилмасди. Шу тариқа партия маълумоти даражаси анча юқори ва ўз мақсадларини, ўз фуқаролик иштирокини ва сиёсий танловини аниқ таърифлаб бера оладиган унча кўп бўлмаган шахсларни ўз фаолият доирасига олганди.

Қатнашиш ҳуқуқи кенгайишига кўра сиёсий партиялар қиёфаси ва улар тарафдорларининг иштирок этиш хусусияти ўзгариб борди. Бу, энг аввало, партиялар жамиятда оммавий ижтимоий асосга эга бўла бошлагани ва «илтифотлилар» («жентльменлар»)нинг сиёсий клубидан «жалқ» партиясига, «мехнаткашлар» партиясига айланса бошлагани билан боғлиқ. Европада оммавий партиялар «синфий» сиёсат, яъни синфий зиддијат мағкурасига асосланган сиёсат қарор топиши жараёни билан бир вақтда шаклланган.

Бундан ташқари, партияларга, хусусан, партиявийликка муносабат турли давларда турлича бўлган ва турли арбоблар ва олимлар уни турлича талқин этишган. Партиялар ҳам, уларнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, улар ҳимоя қилаётганларнинг манфаатлари сингари, ҳар хил бўлган.

Ҳозирги пайтда партияларнинг қуийдаги типологияси қабул қилинган (унинг муаллифи Г. Алмонд):

1. «Прагматик» партиялар. Бу партиялар бирон-бир қатъий йўналишга эга эмас. Бундай партияларга ғоялар кўплиги ва уларни рўёбга чиқаришдаги мослашувчаник хосдир. Улар дастурлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиш қобилиятига эга. Шу боис бу партиялар ҳаёт ижтимоий манфаатларининг ғоят кенг мажмуини тўплашга қодирdir.

Бу турдаги партиялар сайлов бирлашмалари тарзида қисқа муддатга юзага келиши ҳамда ё айrim сиёсатчиларни, ёки муайян сиёсий гурухларни сайловолди қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзда тутиши мумкин. Бунга Россиядаги сайловолди кампаниясида Б. Ельцинни қўллаб-қувватлаш учунгина тузилган «Наш дом — Россия» партиясини ҳамда 2004 йилги сайловолди тадбирларида В. Путинга кўмаклашиш учун тузилган «Единая Россия» партиялар блокини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2. «Мафкуравий» партия — мутлақ мақсадларни кўзловчи қандайдир «муқаддас» ташкилот сифатида иш олиб боради. Инқилобийлик, реакционлик ва ҳукмронлик сифатидаги миллий мустақилликни кўзлаш уларнинг асосий хусусиятлариdir. Коммунистик партиялар шундай партиялар жумласига киради.

3. «Партикуляр» партиялар, улар ўз манфаатларини чекланган этник, диний ёки маҳаллий гурухлар манфаатлари билан айнан бир хил деб ҳисоблашади. Бу партиялар кенг ижтимоий манфаатларни ўзида жамлашга қодир эмас. Бундай тусдаги партиялар, одатда,

ўтиш даври сиёсий тизимлари доирасида мавжуд бўла-ди ва сиёсатнинг ўзгаришига мувофиқ манфаатлари бирлашган гуруҳларга айланади.

Уларга муносабат эса ҳамду сано ўқиш ва илоҳий-лаштиришдан тортиб, қаттиқ ва андишасизларча тан-қид қилишгачадир.

Кўп йиллар «йўлбошли ва раҳбар» партия шароитида яшаганимиз боис ҳамду сано ўқиш мисоли бизда етарли даражада бўлганини ҳисобга олиб, бошқача руҳдаги мисолни келтирамиз. Ушбу ўринда (ҳар қандай) партияларга мунозарали таъриф берган И. Ильинга мурожаат этамиз: «Партия давлат ҳокимиятини қўлга олиш учун уюшган фуқаролар иттифоқидир. Барча партиялар — демократиклари ҳам, антидемо-кратиклари ҳам шунга интилади. Улар орасидаги фарқ шундаки, демократлари конституция қоидаларига риоя этиш зарур деб ҳисоблайди, антидемократлари эса уни менсимасликка интилади.

Тоталитар партиялар бирон-бир хайрихоҳликка лойик эмаслиги ўз-ўзидан аён: улар кимлардан, қандай тарзда таркиб топишини ва қаёққа бошлишини кўрганмиз ва улардан тўйғанмиз. Бироқ энди нафақат тоталитар партияларга, балки *партия ғоясига* ҳам, — *умуман партиявийлик принципига* ҳам, — кўз-қулоқ бўлиб туриш зарур».

Бунда у партияларга ва партиявийликка совук муносабатини ғоят аниқ ифодалайди: «Сиёсий партия доимо бутуннинг қисми, бутуннинг кичкина қисми, барча фуқароларнинг озгина қисми, холос, буни унинг ўзи ҳам билади, шунинг учун ўзини **«партия»** (лотинча «парс»—«қисм» сўзидан) деб атайди. Бироқ у анча катта нарсага, бутунга тажовуз қиласди. Давлатда ҳокимиятга, уни қўлга олишга тажовуз қиласди. У давлатга ўзининг хусусий (партиявий) дастурини, қолган барча фуқароларга, — уларнинг хайрихоҳлиги ва истагига зид ўлароқ, — тўлиғича тиқишиштирмоқчи бўлади...

Шу боис ҳар бир партия ўз хоҳиши-иродасини кўпчиликка ўтказмоқчи бўлган озчиликдан иборат. Шунинг ўзи туфайли ҳар бир демократик тузум, Бутуннинг вакили бўлиш учун, *партиялар* («қисмлар») ўртасига нажотбахш муросани топиши лозим ҳисобланган *фақат битта коалицион ҳукумат* бўлишига йўл қўйиши даркор»⁶⁶.

Агар шу ўринда кўппартиявийлик муаммосига қайдиган бўлсак, аввало, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, типология фақат партияга нисбатан мавжуд бўлмай, балки партиявий тизимларга ҳам тааллуқлиги тўғрисида изоҳ бериб ўтишга тўғри келади. Айни пайтда, тафсилотига берилмаган ҳолда, авторитар партия тизими мавжуд бўлиб, тоталитар партия унинг бир тури эканлигини; икки партияли рақобатчи тизимлар (масалан, Англия) ва кўппартияли рақобатчи тизимлар мавжудлигини таъкидлаб ўтишни лозим топамиш. Ҳозир улар кўп бўлиб, янада ортиб бормоқда. Чунончи, мамлакатимиз – Ўзбекистон Республикаси ҳам кўппартиявий тизим шаклланишининг дастлабки босқичида турибди.

Кўппартиявийлик шаклланишининг туб объектив шарти жамият иқтисодиётининг кўп укладдилиги, ўзига хос ижтимоий манфаатларга эга гуруҳлар шаклланганлиги бўлиб, булар тегишли сиёсий-ҳокимият муносабатлари орқали қўллаб-қувватлашни ҳамда рўёбга чиқаришни талаб қиласди. Жамиятни ижтимоий ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигига эриштиришнинг бу объектив тамойили сиёсий плюрализмга ундовчи қуратли рағбатлантирувчи куч бўлиб, кўппартиявийлик унинг таркибий қисмларидан биридир.

Бироқ, демократик ривожланиш тажрибаси билан кам таниш бўлган жамиятда кўппартиявийликнинг шаклланиши жараёни оддий, машаққатсиз кечиши

⁶⁶ И.Ильин. О грядущей России. М., 1993, 44-бет.

мумкин эмас. Зеро, кўп partiya вийликни жамиятга дафъатан сингдириб бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, чинакам кўп partiya вийлик рўйхатга олинган бир нечта партия бўлишидангина иборат эмас. Бу аниқ иш олиб борувчи созланган тизим бўлиб, унда сиёсий партиялар тенг ҳуқуқий шароитда бўлади, жамиятнинг асосий гурӯҳ ва қатламларига таъсир ўтказиш учун ҳалол рақобатлашади: бу — ҳокимиятда партияларнинг сайловчилар аниқ ҳоҳиш-иродасига боғлиқ ҳолда алмашиниши принципи таъминланиши демакдир. Бундай тизимни яратиш ҳамда йўлга қўйиш — ғоят мураккаб ва вақт жиҳатидан узоқ давом этадиган вазифа. Уни ҳал қилиш учун муайян шарт-шароит бўлиши зарур.

Партиялар ҳокимият тузилмалари билан ҳалқ ўртасида, давлат билан жамият ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланмиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ажralmas шарти бўлган кўп partiya вийлик ҳодисасининг нафақат моҳиятини англаш тартибиغا, балки аҳамиятига кўра ҳам етакчи ўринда туради. Шунинг учун ҳокимият моҳиятини жамият барча қатламларининг бирон-бир умумий мақсадлар йўлидаги ўзаро муносабати сифатида тушуниш, ушбу ҳолатда — Ўзбекистонни ривожлантириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, минтақада ҳам, жаҳонда ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча ҳалқларнинг фаровонлигига, маънавий уйгонишига ва равнақ топишига эришиш концептуал жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам зарур ва муҳимдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентининг: «Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли бекарорликлар келтириб чиқарадиган foялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас»⁶⁷, – деган сўзлари foят долзарб аҳамият касб этади.

Бинобарин, мамлакатимиз ривожланишининг ушбу босқичида партиялар юзага келиши ва қарор топишнинг асосий жиҳати уларнинг сафига имкон қадар кўп аъзо жалб этишдан иборат эмас, балки жамият ижтимоий қатламларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлар, мақсадлар, ижтимоий технологияларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Чунки ўзгаришлар ва ислоҳотлар тарафдорларининг ижтимоий асосини партиявий тузилмалар эмас, балки турли партиялар томонидан ишлаб чиқладиган ва жамиятга тавсия этиладиган жозибадор инновация foяларигина бирлаштира олади.

Кўппартиявий тизимни яратиш ва унинг амал қилиши муаммоси ҳозирга қадар ҳам кун тартибидан тушмаяпти. Бинобарин, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидағи маърузасида (2005 йил 28 январь) Ислом Каримов «сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш»⁶⁸ зарурлигини таъкидлашни лозим топди.

Партиялар ҳақида гапирганда, мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт ва нормал ҳодиса бўлган мухолифат тўғрисидағи масалага мурожаат этмай ўтиб бўлмайди. Бироқ Ислом Каримов ўз китобида **мухолифат** турлича — **конструктив** ва **ноконструктив** бўлишини қайд этади.

⁶⁷ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 351-бет.

⁶⁸ И.А.Каримов. Бизниг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 39-бет.

«Айни маҳалда шуниси ҳам мұхимки, у (мұхолифат – изоҳ бизники – З.И.) ташкилий жиҳатдан расмийлашған, тегишли юридик мақомта эга бўлиши, конституция ва қонун нормаларини хурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши, давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим»⁶⁹.

Бундан маълумки, ўзларини хафа қилинган, орзу қилган амалларидан маҳрум этилган деб ҳисоблайдиган, урган-аймоқчилик ва маҳаллийчилик манбаатларини кўзладиган, устига-устак, нафақат расмий ҳокимиятга, балки қонунларга ҳам қарши бўлган йўлни тутган иззатталаб одамларни мұхолифат, боз устига, конструктив мұхолифат деб бўлмайди.

«Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ», – деб ҳисоблайди Президент. Бу фикрга қўшилмай бўлмайди. Зоро, ушбу жамоатчилик фикрини шакллантирадиган оммавий ахборот воситалари ишига етарлича эътибор бериш зарурлиги шундан келиб чиқади. Афсуски, оммавий ахборот воситалари ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Улар «тўртинчи ҳокимиёт» деб аталса-да, ҳақиқатда бундай бўлолмади.

Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий «тўртинчи ҳокимиёт»га айлантириш жараёни ҳамма жойда ҳам анча мураккаб кечяпти. Эскича фикр юритиш ўз таъсирини кўрсатмоқда. Эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунёқарашлар, психологиялар, турли дъяволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинканни қуритадиган кураш билан бирга бормоқда»⁷⁰, – деб ёзади муаллиф.

⁶⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 153-бет.

⁷⁰ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 154-бет.

Оммавий ахборот воситалари қандай бўлмоғи даркор ва бунинг учун нималар қилиш керак? Президент назарида булар қуидагилардан иборат:

1. Уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш, ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ҳамда воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш.

2. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш.

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримов ушбу бўлимда нима ҳақда гапирмасин (ҳуқуқий давлатнинг қарор топиши, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши, кўп partiya вийлик ва муҳолифатни ривожлантириш учун шароит яратиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, мулкка муносабатни ўзгартириш), уларнинг барчаси **ягона мақсад** — демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш учун зарур деб ҳисоблайди.

Шу ўринда: **Бу нима учун бунчалик муҳим? Демократлаштириш нима беради? Демократия қадриятлари нималардан иборат?** — деган саволлар кўндаланг бўлиши табиий.

Китобдан биз унча оддий бўлмаган ушбу саволларга ва, ҳатто: Буларнинг барчасини нима учун билиш керак? — деган саволга ҳам жавоб топамиз. Муаллиф бу ҳақда шундай ёзади: «Умуминсоний тамойиллар ва меъёрларни, бутун дунёда чуқур илдиз отган демократик қадриятларни ўрганмай ва улардан фойдаланмай туриб, демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин эмас»⁷¹.

И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 156-бет.

Демократия ўзи нима? Гарчи «демократия» сўзи маълум бўлса-да, кўпчилик унинг чинакам мазмуни билан таниш эмас. Бу эса тоталитар ва, ҳатто, ҳарбий диктатураларга ҳам ўзини «демократик» деб аташ имконини берган ва ҳозир ҳам шундай. Айни чоғда дунёда демократия учун курашда жон фидо этган чинакам демократлар бўлгани маълум.

Демократия нима? Луғатда «демократия» сўзи «халқ бошқаруви шакли бўлиб, унда халқ олий ҳокимият соҳиби ҳисобланади ва бу ҳокимиятни ё бевосита, ёки эркин сайлов тизими воситасида ўзи сайлаган вакиллар орқали амалга оширади», дея таъриф берилган.

Авраам Линкольн (АҚШнинг 16-президенти) сўзларига кўра, демократия — «халқ томонидан халқ учун амалга ошириладиган халқ бошқарувиdir». Хуллас, бу сўзнинг айнан таржимаси — **халқ ҳокимияти**дири.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ҳақида гапирганимизда нима учун **«демократия» сўзини** четлаб ўта олмаймиз? Афтидан, **биринчи навбатда**, шунинг учунки, эркинлик ва демократия сўzlари, гарчи синоним бўлмаса-да, ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи тушунча сифатида ишлатилади. Чиндан ҳам демократия эркинлик ҳақидаги роялар мажмуини ўз ичига олади, лекин, бундан ташқари, **шуниси жуда муҳимки**, у эркинликка қонуний мақом баҳш этадиган амалий нормалар ва тартиб-қоидалар мажмуини ҳам қамраб олади. Айни шу ҳолат давлатимизнинг конституциявий принципларини демократик деб аташ имконини беради. Чунки уларда инсон ҳуқуқлари ва ҳамманинг қонун олдида тенглиги қонунан мустаҳкамлаб кўйилган.

Демократиялар икки асосий тоифага: **бевосита демократияга ва вакиллик демократиясига** бўлинади. Бевосита демократияда истисносиз барча фуқаролар ижтимоий қарорлар қабул қилишда иштирок эта оладилар. Тўғри, бевосита демократия халқ сони унча

кўп бўлмаган ҳолларда, масалан, ҳамма бир жойга ма-салани муҳокама этиш ва кўпчилик овоз билан биргалиқда қарор қабул қилиш учун йиғила оладиган жамоа ёки қабила кенгашларидағина мумкин. Жаҳонда биринчи демократия бўлган қадимги Афина беш-олти минг киши иштирок этган йиғилишлар ёрдамида бевосита демократияни амалга оширишни удалай олган.

Ҳозирги жамият ўзининг мураккаблиги ва кўпсонлиги туфайли бевосита демократияни амалга оширолмайди. Бугунги кунда демократиянинг энг кенг ёйилган шакли, сўзсиз, вакиллик демократияси бўлиб, унда фуқаролар сиёсий қарорлар қабул қилиш, қонунларни таърифлаш ва ижтимоий фаровонлик учун зарур бўлган дастурларни ҳаётта татбиқ этиш мақсадида расмий шахсларни сайлайдилар. Расмий шахсларни сайлаш тартиби хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, умуммиллий даражада қонун чиқарувчilar ҳар бири битта вакил сайлайдиган ҳудудларда сайланиши мумкин. Мутаносиб вакиллик тизимида ҳар бир сиёсий партия қонун чиқарувчи органда бутун мамлакатда сайланган умумий миқдорининг фоизли нисбатига мувофиқ вакиллик қилади, яъни муайян бир партия аъзолари қанча кўп бўлса, ўша партиядан шунча кўп номзод қўйилади.

Бироқ метод қандай бўлмасин, вакиллик демократиясида расмий шахслар ҳалқ номидан лавозим эгаллайди ва барча ишларда ҳалқ олдида ҳисобдор бўлади.

Ўзбекистоннинг биринчи парламенти — Олий Мажлис сессиясида нутқ сўзлар экан, Президент: «Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбор қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт»⁷², — деб тарькидлашни зарур деб топди.

⁷² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 17-бет.

Тўғри, «демократия» нималигини билиш зарур. «Демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, – деб таъкидлайди муаллиф, – балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимdir. Бинобарин, биз ўз истагимиздаги демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётилизниң ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир, ёки ҳеч нарсани англатмайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, бизнингча, ҳукуқий, иқтисадий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёр бўлмаган заминда демократиянинг барча тамойилларига – эркин сайловга, сўз эркинлиги, уюшмалар, йиғилишлар эркинлиги ва шу кабиларга «яшил йўл» очиб берсак, ҳақиқий демократияни бўғиб қўйиш хавфи юзага келиши ҳам мумкин»⁷³.

Бунда Ислом Каримов жамиятнинг демократиклигини белгиловчи уч мезон мавжуд деб ҳисоблайди:

- 1) ҳалқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардор;
- 2) ҳукумат қарорлари ҳалқ томонидан қанчалик назорат қилинади;
- 3) оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишади.

«Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидағи ҳамма гап-сўзлар ё ҳалқа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади».

Ўнлаб йиллар тоталитар режимда яшагандан кейин давлатнинг бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиши унчалик ҳам оддий муаммо бўлмай қолади. Бунда ҳамма нарсани тўлиқ инкор этиш ва «Ҳаммасини таг-тубигача бузамиз, шундан кейин эса...» даъвати-

⁷³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 156-бет.

гача етиб бориш ҳеч гап эмас. Зеро, иккинчи қисмга-ча етиб борилмайди, чунки қуришдан бузиш осон.

Демократияга кириб боришнинг бундай йўли Ўзбекистон учун мақбул эмас. «Бизнинг мақсадимиз, — деб таъкидлаган эдик биз 90-йилларнинг бошларидаёқ, — бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини саклаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатлари-мизга, мустакиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир. Ўзбек халқининг бой маданияти, таълим, маориф тизими, фан тотали-таризмдан колган мерос деб парчалаб ташланиши мумкин эмас эди. Биз танлаб олган йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, одатларига, маданияти ва тилига, шунингдек, жаҳон цивилизацияси ютуқларига асосланган ҳолда мазкур тузилмаларни янги мафкуравий негизга ўтказиш, мослаштиришдан иборат эди»⁷⁴.

Айни чоғда китоб муаллифи қуйидагиларни ҳам қайд этиб ўтади: «...Демократия – факат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия фояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан «тушириш» мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир. Баъзи

⁷⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 158-159-бетлар.

давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар яшаб ўтган»⁷⁵.

Бироқ мамлакатимизда демократик давлат қуриш – ҳақиқатан ҳам амалга оширса бўладиган вазифа, деб таъкидлашга Ўзбекистонда барча асослар бор. Тарихимиз, буюк маданиятимиз, улкан табиий ва маънавий салоҳият ва ҳалқимизнинг ахлоқий қадриятлари ҳамда XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш истагимиз бунинг гарови бўлиб хизмат қиласди.

Энди китоб муаллифи эътиборни қаратаётган яна бир муаммо ҳақида. Бу – бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулқдорлар синфининг шаклланиши муаммосидир.

Шу муносабат билан Ислом Каримов қўйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Иқтисодий ўзгаришларни устувор деб ҳисоблаётганимиз, тақсимотнинг маъмурий-буйруқбозслик тизимидан буткул воз кечётганимиз ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантираётганимиз жамиятни ислоҳ қилишга қатъий ёндашувимизнинг ифодасидир.

Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг муддиш меросига барҳам беришга асосланади»⁷⁶.

Ўтган мустақил ривожланиш даври таҳлили ислоҳ қилишнинг ўзбек модели тўғрилигидан далолат беради. Бинобарин, у самара бера бошлади, бу эса айрим хulosалар чиқариш учун имкон яратади. Ислом Каримов қўйидагилар ҳақида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида эътироф этади:

⁷⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 160-бет.

⁷⁶ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 162-бет.

Биринчидан, иқтисодиётга ортиқча сиёсий тус бериш, уни мафкурага, турли партиялар ва ҳаракатларнинг манфаатларига бўйсундириш иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида ғов бўлиб қолади;

Иккинчидан, давлатнинг бошқарув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурӣ-буйруқбозлик тизимидан иқтисодиётнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлаш қийин кечади;

Учинчидан, қўшни мамлакатларда жамият коррупция тузоғига илинаётгани, уюшган жиноятчилик кучайиб бораётгани ҳисобга олинса, одамлар тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида демократик қадриятларни, қонунга бўйсунишни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигига эришиш зарурлиги аён бўлади;

Тўртингидан, кучли иқтисодий сиёсатга етарли баҳо берилмаган жойда ижтимоий кескинлик ва қарамакаршилик вужудга келади;

Бешинчидан, муаммоларни, аҳамияти ва устуворлигини ҳисобга олиб, кетма-кет ва босқичма-босқич ҳал қилиш мұхим.

Истиқдол йилларида орттирилган иқтисодий ислоҳ қилиш тажрибаси ислоҳотларни бундан буён ҳам демократлаштириш жамиятда барқарорликни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи хулосалар чиқариш имконини беради.

Биринчи хулоса. Зарур шарт-шароитлар яратмай, инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан воситасини вужудга келтирмай, бу манфаатларни фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида ишга солмай туриб, биз янгиланиш ва тараққиёт йўлидан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ва тинимсиз илгарилаб бора олмаймиз.

Иккинчи хулоса. Мамлакатда чинакам ўрта мулқдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислоҳотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади.

Учинчи хулоса. Чинакам мулқдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусийлаш-

тиришни амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хуссий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қофозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

Тўртинчи хулоса. Бозор тузилмаси ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳақиқий ўрта мулқдорлар қатламишининг асосий қисми аҳолининг пул маблағларини қимматли қофозлар бозорига, одамлар учун фойдали банк депозитларига ва омонатларга жалб этиш воситасида шакланаётганидан далолат беради. Бинобарин, қимматли қофозлар бозорининг аҳволига қараб бозор муносабатларининг қарор топиш жараёни қайдаражада жўшқин бораётганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Бешинчи хулоса. Биз ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Демак, иқтисодиёт ҳам мустаҳкам қонунчилик ва норматив базага асосланиши, унинг негизида ислоҳ қилиниши лозим. Ислоҳ қилиш жараёнлари мустаҳкам ҳуқуқий негизга асослангандагина, улар барқарор ва событқадам бўлади.

Олтинчи хулоса. Ислоҳотларнинг стратегияси ва тактикасини белгилаш чоғида жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилашда белгиловчи аҳамиятига эга бўлган бўғинларга алоҳида эътибор бериш даркор. Булар:

1) Агар сектордаги ўзгаришлар. Қишаоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда эгалик ҳиссини уйғотиш мулкий муносабатларни такомиллаштириш, жамоа хўжаликларини қайта тузиб, хўжалик мулкининг бир қисмини, муайян ҳиссасини деҳқонларга бириктириб қўйиш, хўжалик ички ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш, шунингдек, деҳқон (фермер) ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида амалга оширилиши лозим.

2) Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш. Бунда асосий вазифа – нафақат мамлакат ичкарисида, балки жаҳон бозорида ҳам талаб бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтишни таъминлашдан иборат.

«Кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши» – иккинчи бобнинг навбатдаги бўлими шундай номланади. Хавфсизликни таъминлаш ҳамда тараққиёт шартлари ва кафолатларини яратиш учун ушбу муаммони ҳал этиш фоят катта аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам китоб муаллифи асосли равиша: «Миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур»⁷⁷, — деб ҳисоблайди.

Ўтиш даврида ижтимоий барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини шарт қилиб қўядиган асосий сабаблар қўйидагилардан иборат.

Биринчи. Ўзгаришларнинг қай тарзда — ё изчил, тадрижий йўл билан бориши, ё бўлмаса, кескин шаклларга кириши: ижтимоий норозиликлар, стихияли портлашлар, ҳатто фуқаролар урушлари ва инқилоблар тусини олиши тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг қай даражада кескинлигига боғлиқ.

Иккинчи. Одамларни даъват этувчи ижтимоий сабабларнинг рўёбга чиқиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Инсон учун ислоҳотлар жараёнида ўз имкониятларини қанчалик рўёбга чиқара олиши, ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсадлари ҳақидаги тасаввурлари ислоҳотларнинг амалий натижаларига қанчалик мос келиши фоят катта аҳамиятга моликдир.

Учинчи. Кенг кўламдаги узоқ муддатли ислоҳ қилиш жараёнининг дастлабки босқичи — энг қийин, ижти-

⁷⁷ И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998. 178-бет.

моий портлаш хавфи бўлган босқич. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, истеъмол нархлари ва тарифларининг қўйиб юборилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, жамғармаларнинг қадрсизланиши ва, бунинг оқибати ўлароқ, турмуш даражасининг пасайиши аҳолининг қашшоқлашувига олиб келадики, бундай ҳолат ижтимоий бекарорликни вужудга келтирувчи муҳит бўлиб хизмат қилади.

Тўртингчи. Ўтиш даврида эскича ва янгича фикрлаш, ўтмиш ва ҳозирги замон қадриятлари ўртасидаги зиддият янада кучаяди.

Бундан ташқари, турли кўринишдаги тенгсизликлар ҳам ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради, агар бу тенгсизлик ёки орадаги фарқ катта бўлса, шунингдек, улар янада ортиб бораётган бўлса, бу беихтиёр улар ўртасидаги қарама-қаршиликка олиб келади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамоилилардан бири – кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишдан иборатdir.

Бунинг учун қандай масалаларни ҳал этиш муҳим?

Биринчидан, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш.

Иккинчидан, давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш.

Учинчидан, одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш.

Тўртингчидан, аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш.

Бешинчидан, қашшоқликка қарши курашиш. Аҳоли энг муҳтож қатламларининг давлат томонидан қўллаб-куvvatлашини кучайтириш.

Бу вазифалар қўйилибгина қолмай, балки муваффақиятли ҳал этилмоқда ҳам. Бу эса Президентга, «бугунги кунда аҳолининг моддий фаровонлигига салбий таъсир кўрсата оладиган омиллар деярли йўқ», деб таъкидлаш имконини берди. Аксинча, барқарорлаштирувчи, аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароит ва ишончли кафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора ортиб бормоқда.

Хавфсизлик учун курашда, тараққиёт учун шароит яратиш ҳамда уни кафолатлашда **мамлакатимизнинг жуғрофий-стратегик имкониятлари ва табиий-хом ашё ресурслари** катта роль ўйнайди.

«Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг ҳозирги жуғрофий-сиёсий тизимларидаги роли жуда сезиларли ва каттадир. Шу туфайли бу республикаларда юз бераётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар, турли жуғрофий-сиёсий тузилмаларнинг манфаатларига бевосита дахлдордир»⁷⁸, — деб ҳисоблайди муаллиф.

Минтақада жуғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўпроқ ривожланган мамлакат бўлган Ўзбекистон бутун қўшни давлатлар билан боғловчи бўғин сифатида хизмат қилиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Немис техникавий ёрдам жамияти ва бошқа халқаро ташкилотлар Тошкент шаҳрида ўз ваколатхоналари ҳамда бюроларини очган. 350 дан зиёд чет эл компаниялари, фирма ва банклари Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини аккредитация қилган⁷⁹.

⁷⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 190-бет.

⁷⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 191-бет.

Ноёб табиий-хом ашё имкониятлари ҳақида ало-ҳида айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистонда машҳур Мен-делеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари, шу жумладан 100 га яқин минерал хом ашё турлари аниқланган, шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Умумий минерал хом ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0—7,0 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан МДҲ-дагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

Масалан, олтин захиралари бўйича мамлакатимиз дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10—11-ўринда, уран захираси бўйича 7—8-ўринда туради.

«Ўзбекистон тупроғининг ноёб унумдорлиги унинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ҳол республиқани құдратли агросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди».

«Ўзбекистон — қадимдан сугорма дәхқончилик мамлакати бўлиб келган. Сугорма дәхқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир.

Бутунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда талаб катта бўлган маҳсулот — пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир. Республика пах-

та толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртингчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради»⁸⁰.

Хавфсизлик шарплари, тараққиёт шарплари ва кафолатлари сифатига яна қандай фактлар ҳамда омилларни айтиб ўтиш мумкин? Улар қўйидагилардан иборат.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий халқи, яъни **инсон салоҳияти**дир.

Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти — бу ерда **аҳоли-нинг ўсиш суръати юқорилигидадир**.

Ижтимоий-демографик аҳволнинг бошқа бир фарқли хусусияти — **жамиятнинг асоси бўлган қучли оила тизими**дир.

Ҳозир мамлакатимиз **қудратли меҳнат салоҳиятига** эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 физини ташкил қиласди ва ҳар йили 210—220 минг кишига кўпайиб бермоқда⁸¹. Бунда меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти — унинг **таълим даражаси юқорилиги** билан боғлиқдир. Ўзбекистонда дастурий вазифаларни амалга оширишда **фанини ва илмий инфратузилмани ривожлантириш** фоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида ривожланган **энергетика, коммуникация ва сув тизимлари, ягона, бир-бирини тўлдирадиган темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғи** мавжуд.

Ўзбекистон умумий узунлиги 12 минг километр бўлган **ривожланган газ узатиш тизими**га эга.

Ислом Каримов ўз китобида олға силжишимизни, янгиланиш ва ривожланишимизни ҳукуқий таъминлашдек кафолатини ҳам ажратиб кўрсатишни зарур деб билди.

«Республикада қабул килинган биринчи Конституция ва бир қатор асосий қонунлар ҳаётимизнинг

⁸⁰ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 205-206-бетлар.

⁸¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 209-бет.

ҳамма томонларини демократиялашнинг, жамиятимизни янгилаш ҳамда Ўзбекистонни ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги қўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари ортга қайтмаслигининг құдратли ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилмоқда⁸². Қонуннинг устунилиги ислоҳотларимиз моделига асос қилиб олинган етакчи тамоил бўлиб, ҳуқуқий давлатнинг мезони сифатида хизмат қиласди.

Президент сўзларидан келиб чиқсан ҳолда, қуйидагиларни мамлакатда қабул қилинган қонун ҳужжатлари сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади:

- 1) давлатчилигимизни мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатлари;
- 2) иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этадиган қонунлар;
- 3) жамият сиёсий тизимини эркинлаштириш ва демократиялашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этадиган қонун ҳужжатлари;
- 4) Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар.

Хавфсизлик омили, тараққиёт шартлари ва қафолатлари бўлган **жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик** китобнинг, ўрнига кўра сўнгги бўлса-да, аҳамиятига кўра муҳим бўлган якуний бўлими ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз китоби нашрдан чиқсан 1997 йилга келиб: Ўзбекистонни 165 давлат тан олган, дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипло-

⁸² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 227-бет.

матия муносабатлари ўрнатилган, 35 мамлакат Тошкентда ўз элчихонасини очган. Табиийки, бу кўрсатичлар ҳозирги пайтда бирмунча ортган.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносаби ўрин эгаллаши, ўз давлатчилигини барпо этиши, ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда мустақиллигини мустаҳкамлаши даркор. Шу муносабат билан барқарорлик ва давлат хавфсизлигининг кафолатини таъминлаш жуда муҳим. Президент фикрича, улар қўйидагилардан иборат:

Биринчи. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида, давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топиши (ЕХХТ, БМТда иштирок этиши) даркор.

Иккинчи. Самарали сиёсий макон ҳосил қилувчи мустаҳкам давлатлараро битимлар тизимини яратиш.

Учинчи. Тузилган давлатлараро битимларга оғишмай риоя қилиш.

Тўртинчи. Ташиқи сиёсатни мафкуралаштиришдан тўлиқ воз кечиш.

Бешинчи. Ўзбекистон қўшилмаслик ҳаракати аъзоси сифатида ҳеч қандай блокларга кирмаслиги.

Олтинчи. Ўзбекистоннинг колектив хавфсизлик тизимида иштирок этиши.

Еттинчи. Энг яқин қўшниларимиз — Марказий Осиёдаги давлатлар билан ҳар томонлама жипс ҳамкорлик қилиш.

Саккизинчи. Армиямиз, қуролли Кучларимиз, ҳарбий доктриномиз.

Тўққизинчи. Жамиятнинг ижтимой-психологик, маънавий-ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таяниш.

Президент китоби «Хулоса» билан якунланади, унда муаллиф китобни нима учун ёзганлигини атрофлича изоҳлаб беради. Ислом Каримов китобни ёзиш зарурати қўйидагиларда ўз ифодасини топишини қайд этади:

Биринчидан, мустақил ривожланиш йўлида ортирилган озгина тажрибани батафсил таҳлил қилиш,

ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам умумлаштириш талаб қилинади.

Иккинчидан, тилга олинган мавзу — хавфсизлик, барқарорлик, ислоҳотлар зарурлиги — китобнинг фақат асосий мундарижасигина бўлиб қолмай, балки давлат мустақиллиги ва суверенитетига, ҳалқимиз озодлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мақсадидир.

Учинчидан, улуғ мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидларни аниқ тушуниш жамиятни бирлаштиради, жисплаштиради.

Тўртингидан, она заминимизда яшаётган ҳар бир инсон ушбу китобни ўқиб чиқиб, Ватанимиздан фахрланиш, фуурланиш туйғусини ҳис этади. «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир»⁸³. Президентнинг бу якунловчи сўзлари биз учун ниҳоятда тушунарли ва қалбларимизга фоят яқиндир.

—

⁸³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998. 261-бет.

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Қўлимизда юпқагина рисола – мўъжазгина китобча. Лекин у «ҳажми кичигу маъноси салмоқдор» китоблар сирасига киради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун уни синчковлик билан ўқиб чиқиш зарур.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобидан давлатимиз раҳбарининг **биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўрттинчи сессияси**даги маъруzasи ўрин олган (кейинчалик бу китоб Президент асарларининг 7-томига киритилган). Шу ўринда маъруза қилинган кун санасига эътибор берайлик: 1999 йил 14 апрель. Ушбу маъруза — минг йиллик охиридаги, аср сўнгги даги, мустақиллик шароитида ўтказилган етти йилликдаги ва, кутилмаган ҳамда даҳшатли 1999 йил 16 февраль воқеаларидан икки ой ўтгач, қилинган маъруза. Муаллиф бу ҳақда алам билан сўзлайди. Келинг, бир бошдан таҳлил этиб, баён қиласайлик.

Ислом Каримов китобининг дастлабки сатрларида янги – XXI аср бўсағасида, мустақилликка эришилганидан буён ўтган қисқа тарихий даврда ҳаётимизда рўй берган ўзгаришларни баҳолаш муддаоси ўзининг теран ифодасини топган. Зотан, китоб муаллифи: «Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир

карра эслашимиз»⁸⁴ учун шундай қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Булар:

Биринчидан, бизга мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ва бой минерал хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолганди.

Иккинчидан, иқтисодий ривожланишнинг хом ашёвий йўналиши, хом ашёни оддий — сода қайта ишлаш қувватларининг ибтидоий даражаси, ишлаб чиқаришнинг четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларга буткул қарамлиги билан боғлиқ эди.

Учинчидан, ёқилғи ва ғалла масаласида марказга қарамлик, озиқ-овқат молларининг, бошқа ҳалқ истеъмоли товарларининг четдан олиб келиниши эди.

Айни ҷоғда мамлакатимиздан катта миқдордағи — етиштирилган пахта ҳосилининг аксарият ҳажми, жаҳон бозорида талаб катта бўлган қимматбаҳо металлар ташиб кетиларди, фойда эса республика ҳазина-сига тушмасди.

Ўзбекистондаги ўткир ижтимоий, экологик муаммолар ҳал этилмасди. Аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан ҳам Ўзбекистон собиқ Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турарди.

Бундан ташқари, мағкуралашган мустабид шўро тузуми оммавий ахборот воситаларини, маориф тизими ни ишга солиб, одамларнинг онгини заҳарлар, миллый ва диний туйғуларини қўйол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллый анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўпчиликнинг шахсий фожиасига айланганди.

⁸⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга иштилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999. З-бет (Бундан кейинги кўчирмалар қўйидаги марападан олинади: И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999).

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўлкамиз тупроғи босқинчилар оёғи остида топталган ва мустамлакачилик зулми остида қолган даврда бебаҳо месросга эга бўлган халқнинг миллий маданияти чекланди, таҳқирланди, маданий ёдгорликлари талон-торож қилинди. Зулмкор босқинчилар ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларини реакцион деб эълон қилиб, йўқ қилишга интилган бўлсалар, моддий қадриятларини, шу жумладан қимматбаҳо осори атиқалар, нодир ёдгорликлар, санъат асарларини ўз юртлагрига ташиб кетдилар.

Асрлардан-асрларга авайлаб сақлаб келинган қўлёзма асарлар ва бошқа маданий ёдгорликлар чор Россия-сининг Туркистонни босиб олиш жараёнида рус ҳарбийлари, чор ҳукумати маъмурлари, маҳсус юборилган шарқшунослари томонидан таланди. Россия ҳарбий қўшинлари бошлиқларига у ёки бу шаҳарларни, бекликларни ва хонликларни босиб олишда унинг моддий бойликлари (хон ва бекларнинг хазинаси, зеб-зийнатлари, қимматбаҳо буюмлари) билан бирга, тарихий ва маданий ёдгорликларини, санъат асарларини, қўлёзма ва ҳужжатларини ҳам тортиб олиш буюрилган эди. Туркистон шаҳарлари босиб олинар экан, хон ва беклардан, масжид ва мадрасалардан кўплаб маданий бойликлар тортиб олинганди.

Жумладан, Самарқанд рус истилочилари томонидан босиб олинганда Хўжа Аҳрор масжида унинг шайхлари томонидан жаҳон мусулмонларининг муқаддас китоби – Усмон қуръони қўлёзмаси авайлаб сақланар эди. Айғоқчилар ёрдамида ушбу ноёб қўлёзма ҳақида хабар топган А.Абрамов Самарқанд уезди бошлиғи подполковник Серов орқали масжид ходимларига тазийқ, ўтказиб, Мусҳафни тортиб олади ва К.П. фон Кауфманнинг фармойишига биноан уни Туркистон генерал-губернатори девонхонасига топширади. Сўнгра эса ушбу қўлёзма Кауфман томонидан Пе-

тербургдаги Император кутубхонасига совға қилиб юборилади⁸⁵. Бу муқаддас мероснинг, шу жумладан халқимиз миллий, маънавий қадрияти бўлиб қолган илоҳий неъматнинг топталишига ёрқин мисол бўла олади.

Ноинсоний роя ҳукмрон бўлган мустабид тузум даврида, Президентимиз ҳақли равишда қайд этиб ўтганидек: «Миллый ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон Ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар тақиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳрори Валий, Абдулхолиқ Фиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Ноисир каби миллый-озодик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Бизга эски мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан қолган мерос асосан ана шулардан иборат эди»⁸⁶.

Шундан сўнг китоб муаллифи ушбу қисқа давр ичida амалга ошириб улгурилган ишларни санаб ўтади, шу билан бирга, «эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслигини, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тасаввур этишимиз ва ҳисобга олишимиз зарур»лигини алоҳида эътироф этади.

⁸⁵ Қаранг: ЎзР МДА, 1-фонд, 29-рўйхат, 23-иш, 7-8-вараклар. Шунингдек, яна қаранг: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллый бойликларининг ўзлаштирилиши. Т., «Шарқ», 2001, 369-371-бетлар.

⁸⁶ И.А.Каримов. Биз келажамизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 371-372-бетлар.

**Шундай қилиб, муаллифнинг фикрича, қўйидаги-
ларни амалга оширишга мувваффақ бўлдик:**

- 1) мустақиллик ва суверенитет қўлга киритилди: дунё
харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган
янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди;
- 2) мамлакатда сохта ғоя, маъмурий-буйруқбозлик
асосига қурилган мустабид тузумга барҳам берилди;
- 3) эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асос-
ланган демократик давлатнинг конституциявий,
ҳуқуқий ва амалий асослари яратилди;
- 4) давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул
муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфра-
тузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг
янги тизими барпо этилди;
- 5) ташқи сиёsat ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг
мустақил йўли шакллантирилди;
- 6) миллий армия тузилди;
- 7) тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъа-
наларнинг, муқаддас динимизни жамиятнинг маъна-
вий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди;
- 8) умумий хонадонимизда тинчлик ва барқарорлик,
миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик қарор топти-
рилди;
- 9) шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгарди,
шахсий мулк ва мулқдорлар мавқеи мустаҳкамланди;
- 10) одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгарди.

Президент Ислом Каримов эътиборни 1999 йил 16
февраль воқеаларига қаратар экан, шу куни Тошкент-
да содир бўлган фожиали ҳодисалар Ўзбекистон мус-
тақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар, мамлакатдаги
ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва мил-
латлараро тотувликни издан чиқаришга уринишлар
борлигини кўрсатганини таъкидлади.

Давлатимиз бошлиги фикрича, бу воқеалар иккита
хавф-хатар борлигини аён кўрсатди. Булар:

а) мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидалараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилиш;

б) бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжудлиги.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ғоя мамлакатимиз раҳбари воқеа содир бўлган жойда берган интервьюсидаёқ муайян даражада ўз ифодасини топганди. Ўшанда қуидаги даъваткор руҳ янграганди: «Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди. Кўпорувчилик қилганларнинг мақсади – халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон халқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким қўрқитолмайди, танлаганимиз – Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтаролмайди. Чунки халқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу ғоя атрофида янада қаттиқроқ жипслashiшимиз керак»⁸⁷.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов ўз китобида «янги минг йиллик арафасида, бутун маърифатли дунё ўз тараққиёт истиқболлари, стратегиясини белгилаб» олаётганига дикқатни жалб этди. Ўзбекистон олдида ҳам шу вазифа турибди. Шу билан бирга у қуидагиларни ғоят зарур, деб ҳисоблади: «Такрор-такрор айтмоқчиман: жамиятни янгилашнинг инқиlobий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий – эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга

⁸⁷ Февраль воқеалари. Т., «Ўзбекистон», 1999, 5-6-бетлар.

қатъий амал қиласиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, ҳалқимиз табиатини – менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир»⁸⁸.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий устувор жиҳатларини белгилаш зарурияти шундан келиб чиқади.

«Биринчи устувор йўналиш. — дейди Президентимиз, — мамлакат сиёсий, иктисадий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш»⁸⁹.

Ушбу йўналиш орқали мутлақо янги устувор жиҳатлар олға сурилиб, бутунлай янги масалаларни ҳал этиш таклиф қилинаётгани кўриниб турибди. Бирок, масалани моҳияттан кўриб чиқишга киришишдан олдин умуман эркинлаштириш (либерализация) ҳақида фикр юритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Нима дегани – «эркинлаштириш»? Нима сабабдан бу масала кун тартибиغا қўйилди? Шуларни аниқлаш орқали, фикримизча, давлатимиз бошлиғи айтмоқчи бўлган гапнинг моҳиятини яхшироқ тушуниш мумкин бўлади. Шуни айтиш керакки, Президентимиз бундан буён ҳам ушбу муаммога ўз асрлари ҳамда нутқларида қайта-қайта мурожаат этади, бу эса кўтарилаётган масаланинг муҳимлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, «эркинлаштириш» нима дегани?

Бу атама «либерализация» атамасининг таржимаси бўлиб, яқин вақтларгача ишлатилмаганлигини айтиб ўтиш зарур. Лугат ва энциклопедияларда у четлаб ўтиларди ёки шўро тузуми жамиятшунослигини қизиқтирмайдиган буржуача мафкура тарзида талқин қилинарди. Очифини айтганда, бу оқим бир неча асрлардан буён мавжуд бўлиб, ҳозир ҳам долзарб ҳисобланади.

⁸⁸ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 379-бет.

⁸⁹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 379-бет.

«Либерализация» сўзи лотинча «liberalis» — «эркин, эркинликка оид» сўзидан келиб чиқсан. Бироқ тўғридан-тўғри таржимаси ушбу сўз мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди.

Аслида бу атама *шунчаки эркинликни эмас, балки кишининг эркин фикрлаш, инсон фаолиятининг турли соҳалари тўярисига ҳукм юритиш, мавжуд сиёсий тизимни, уни амалий танқисига қилишдан воз кечмаган ҳолда, ҳатто мухолифат (албатта конструктив мухолифат) сифатига чиқиб, баҳолашни англатади*.

Баъзан бу атама *либерал оқим, либерал мафкура вакилларининг турлича қарашлари ва ғояларига сабр-тоқат билан, ҳайриҳоҳлик билан муносабатга бўлиш маъносига ҳам ишлатилади*.

Шундай қилиб, умуман либерал назария ҳақида фикрлашамиз. Либерал қарашлар тизими инсониятнинг энг ёрқин, илғор ва доно назарияларидан биридир. Инсоният жамияти ривожланишининг бош йўли — бутун инсониятнинг ҳокимият ва маросим мафкураси ҳукмрон бўлган *анъанавий цивилизациялардан одам, унинг эркинлиги, шахснинг юксак мақоми, унинг қадр-қиммати ва ажralmas ҳуқуқлари мавжудлигининг марказига ва мазмунига турасиган либерал цивилизациялар томон ҳаракати* айнан либерал назарияда ўз ифодасини топади.

Либерализм назариясининг асосий қоидалари *гуманистик ҳуқуқ фалсафасининг асоси* сифатида вужудга келган. Либерализм мазмунига доир асосий ғоялар икки гурӯҳида ўз ифодасини топиши мумкин, улардан биринчиси — *инсонга, иккинчиси эса — жамиятни ташкил қилиш асосларига тааллуқлидир*.

Даставвал *инсон ҳақига* фикр юритайлик. Бунда уч асосий жиҳатни ажратиб кўрсатиш даркор. Булар:

- алоҳида инсон автоном индивид сифатида ўзига нима кераклигини *билади*;

• фақат муайян бир инсон, асло бошқа биров эмас, ўзи билан, ўз иши билан боғлиқ масалаларни ўзи ҳал қила олади ва ҳал қилиш, яъни эркин танлаш ҳуқуқига эга;

• жамият давлатнинг, сиёсий ва ижтимоий институтларнинг ёрдамида алоҳида инсон эркинлиги учун қулай шароит, кишиларнинг ўзаро ва жамият билан муносабатлари учун тегишли ўйин қоидаларини яратиши *шарт* ва айни чоғда жамият алоҳида инсон биладиган ва «ўзи учун» ҳал этадиган, эркин танловни амалга оширадиган *чегарадан чиқмаслиги* лозим.

Энди *жамиятни ташкил қилиш* асослари тўғрисида фикрлашайлик. Инсоният жамиятида ўсиш, ўзини ўзи ривожлантириш ва уйғунликка мойиллик инсон эркинлиги орқали рўёбга чиқади. Чунки ёт аралашув ва ўзбошимчалик билан танг аҳволга солиб қўйилмаган эркинлик шахсий масъулиятни юзага келтиради. Шунинг учун эркин кишилар эркинлик, уни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган институционал доирани ўзлари яратишади. *Бинобарин, шу ўринда либерализм ва ҳуқуқ моҳиятнан бир-бирига мос келади.*

Кант либерализм асосларини қўйидагича аниқ таъсифлаб беради: «...ҳеч ким мени ўзи хоҳлаганидек (бошқалар фаровонлигини ўзи тасаввур этганидек) баҳтли бўлишга мажбур эта олмайди; ҳар бир инсон ўзи тўғри деб тасаввур этган йўлдан бориб ўз баҳтини излаб топишга ҳақли, бунда ҳар бир инсоннинг ўз ҳолича эркинликка эриша олиши мумкинлиги ҳақидаги умумий қонуниятга зиён-заҳмат етмаслиги лозим»⁹⁰.

Умуман айтганда, «либерализм тоғаси, ўзининг маъно-моҳиятига кўра, муроса фалсафаси бўлиб, волюнтаризм, субъективизм, догматизм, радикализм ва абсолютизмнинг ҳар қандай кўринишларини рад қиласи. Шахс

⁹⁰ И.Кант. Сочинения на немецком и русском языках. Т.1. М., 1994, 285-бет.

манфаатлари, ҳуқук ва эркинликларининг устуворлиги, умумисоний ахлоқий қадриятлар ва миллий маънавий асосларга таяниш, ғоялар эркинлиги тамойилларининг тарихий тараққиётта мос ўзгариши, ижтимоий-сиёсий тизимда кескин зиддиятга бормаслик — либерализмга хос хусусиятлардир. Либерализм учун бир хил андозадаги, қатъий белгилаб қўйилган ахлоқий меъёр ва қонун-қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун либерализм ғояси жамият сиёсий тизимини динамик ўзгартиришни зўравонликсиз амалга оширадиган куч ва имкониятларни топишга интилиш билан характерланади. Либерализмнинг асосий тамойили — ҳуқуқлар, имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинликни таъминлашдир. Либерализмдаги эркинлик рақобатлашаётган ғояларнинг барчасига ривожланиш учун имконият яратади. Демак, либерализм, бир томондан, инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари устуворлигига, иккинчи томондан, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёр ва қадриятларига асосланиши билан ўзининг умумисоний моҳиятини намоён қиласди⁹¹.

Чунончи, Ўзбекистонда эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши либерализм ғояларининг янги тамойиллар билан бойиганини тасдиқлади. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг машҳур беш тамойили — «ўзбек модели»нинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистондаги либерализм ғояларининг миллий хусусиятларини кўрсатади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш шароитида либерализм ўзининг ижобий, ҳаётий мазмунини намоён қилаётгани шубҳасиз.

Шу ўринда *хусусий мулкнинг интизомий функцияси* тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга му-

⁹¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Т., «Янги аср авлоди», 2002, 67-68-бетлар.

вофиқ. Бинобарин, мазкур функция иқтисодий ва ижтимоий эркинликнинг, иқтисодий ва ижтимоий фаолликнинг асоси ҳамда манбаигина бўлиб қолмай, балки соҳибиға мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масъулият ва чекловлар юкловчи ўзига хос ғам-ташвиш ҳамдир.

Анча кейинги даврларда (асосан XX асрда) либерализм назариясининг шаклланишида бозор *мафкураси* ҳал қилувчи роль ўйнади. *Шу боис бугун либерализм кўпинча бозор иқтисодиётига, сиёсий соҳага эса либерал парламент демократиясига тенглаштирилади.*

Шу сабабли, либерализм назариясига кўра, давлат ҳокимиятининг иқтисодиётга императив-ҳукмли аралашуви, унинг хўжалик-фармойишли фаолиятининг кучайиши иқтисодий эркинлик, тадбиркорлик, ташаббус, таваккалга асосланган табиий-иқтисодий жараёнларни бузадиган ва хўжалик ҳаётида қофозбозлик-турчилик зўравонлигига олиб келадиган барча ҳолатлар жамият учун ёвузлиқдир.

Шу билан бирга, либерализм назариясига биноан, эркин бозор иқтисодиётининг шаклланиши анча самарали, лаёқатли ҳокимиятни, уни *чинакам давлат вазифалари — рақобатли бозор хўжалиги ва демократиянинг мустаҳкам, ишончли, мунтазам амал қиладиган ҳуқуқий асосларини яратиш вазифаларини амалга ошириш* мақсадида мустаҳкамлашни талаб қиласди. Бинобарин, демократик жамиятда кучли ҳокимият ҳуқуқ устун бўлишини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонунийлик тамоилиларини ҳаётга чинакамига татбиқ этиш учун керак. Шу мақсадда давлат иқтисодий соҳада:

- рақобатли бозор хўжалигининг сайқал топган қонуний-норматив «ўйин қоидалари»ни (фуқаролик қонулари, шунингдек, улар билан боғлиқ норматив ҳужжатлар, ер, меҳнат, жиноят, солиқ ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ бўйича) яратishi;

- тадбиркорлик фаолияти иштирокчилариға әркин бозор соҳасида (машаққатли бўлмаган солиқ солишни, осон банк кредитини таъминлаш йўли билан) қулай режимни сақлаб туриши;
- мулк дা�хлсизлигини, шартнома эркинлигини, эркин рақобат ҳолатини амалда ҳар доим қўллаб-куватлаши;
- иқтисодий эркинликнинг суистеъмол қилинининг олдини олиши, бундай қонун бузилишларининг салбий оқибатларини бартараф этиши даркор.

Бу ҳуқуқий давлатнинг нормал, одатий фаолияти бўлиб, либерализм қадриятларига мос келади ва либерал цивилизациянинг зарур таркибий қисми, унинг мақсад ва вазифаларини – **ҳар бир инсоннинг эркинлиги ва фаровонлигини чинакам рўёбга чиқаришнинг шарти ҳамда воситаси ҳисобланади**.

Ҳозирги кунда бутун дунёда воқелигимизнинг турли мураккаб муаммоларининг ечимини асосий либерал қадриятларни ҳисобга олган ҳолда излаш давом этаётганини алоҳида қайд қилиш даркор.

Бу ҳозир мамлакатимизда фавқулодда долзарб хусусиятга эга излаш бўлиб, давлатимиз раҳбарининг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сесиясидаги маърузаси бундан далолат беради. Ушбу маърузада эркинлаштириш соҳасидаги асосий устувор жиҳатлар белгиланағ экан, биринчи устувор йўналишни амалга ошириш учун ёътиборимизни улкан вазифаларни бажаришга қаратишимиз даркорлигини аниқлаб олишимиз лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Биринчи вазифа. Сиёсий соҳани эркинлаштириш. Бу аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишни, жамиядада манфаатлар мутаносиблигини, чеклов ва мувозанатнинг кучли механизмини шакллантиришни билдиради.

«Демократиянинг энг муҳим тамойили – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатини рўёбга чиқариш ва ҳимоя

қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»⁹².

Иккинчи вазифа. «Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш та-мойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари-ни муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат»⁹³.

Бу нимани билдиради ва бу ерда нимага эътибор бериш даркор? Бизнинг назаримизда, Президент давлат қурилиши соҳасини эркинлаштириш ҳақида гапи-ра туриб, ҳокимият бўлиниши принципига эътибор қаратади ҳамда уни биринчи ўринга қўйиши дикқатга сазовор. Бу тасодифий ҳол эмас, албатта. Чунки бу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11-моддасининг мазмунини ташкил қиласди, бу эса унинг муҳимлиги ва амалга оширилиши зарурлигидан далолат беради. Ҳокимият бўлиниши назарияси ўзининг бой тарихига эга.

У нима учун вужудга келган? Унинг пайдо бўлишини қандай сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлар тақозо этган? Ҳозирги замон таниқли давлат ва ҳуқуқ назариётчиси С.С.Алексеев бундай жиҳатлар бир нечта бўлган ва улардан бири – **ҳокимиятни тартибга солиш зарурияти**, деб ҳисоблади.

«...Аниқроғи, – деб қайд этади олим, – шунчаки тартибга солинган ҳокимиятгина эмас, балки қатъий белгиланган, чекланган ҳокимият бўлишини, ҳокими-

⁹² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлнимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 380-бет.

⁹³ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлнимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 380-381-бетлар.

ят мўътадил бўлишини, табиатан инсонни эзишга қодир бўлмаслигини — ўзини ўзи бошқариш асоси, ҳар бир кишининг шахсий манфаати, «ўз» мулки, юксак маънавий мезонлар устунлик қиласиган ўзини ўзи бошқарувчи жамиятда ҳуқуқ ҳимояси остида бўлган ҳокимият бўлиши лозим»⁹⁴.

У яна давом эттириб ёзади: «Шуни назарда тутиш керакки, энг янги тарихда конституция сифатидаги институтнинг пайдо бўлишининг ўзи ҳокимиятни чеклаш ва яна чеклаш, уни демократик тартиблар ва назоратга бўйсундириш зарурати билан бевосита боғлиқдир. Сиёсий ҳокимият диктаторликка, зулмга асосланишига, ўзбошимчалик қилишига, инсон устидан чексиз ҳукмрон бўлишига йўл қўймаслик лозим»⁹⁵.

Бироқ ҳокимиятнинг мўътадиллиги, деб ҳисоблайди у, лозим даражада ташкил қилишни талаб этади. Бундай ташкилотнинг энг муҳим воситаси инсоният томонидан тарихий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқилган. Бу ҳокимиятнинг бўлиниши принципи бўлиб, у давлат ҳокимиятининг уч — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига аниқ бўлинишидагина эмас, балки ҳокимият тармоқларидан биронтаси устун, кучли ҳокимиятга эга бўлмаслиги учун уларнинг бир-бирини ўзаро чегаралаши ва мувозанатда тутиб туришида ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳокимият бўлиниши назарияси ҳозир давлат режимига татбиқ қилинаётган кўринишда уч юз йилдан зиёдроқ аввал пайдо бўлган. Қўлингиздаги китобнинг биринчи бўлимида қайд этганимиздек, инглиз файласуфи, материализмнинг ғоявий-сиёсий доктринасини яратган Жон Локк ҳамда француз маърифатпарвари, файласуф ва ҳуқуқшунос Шарль Луи Монтескье унинг асосчилари ҳисобланишади.

⁹⁴ С.С.Алексеев. Уроки: тяжкий путь России к праву. М., 1997, 98-бет.

⁹⁵ Ўша жойда.

Локкнинг ҳокимият бўлиниши мухимлиги ва зарурлиги тўғрисидаги ғояси унинг «Давлат бошқаруви тўғрисида икки рисола»сида (1690), Монтескьенинг ҳокимият бўлиниши тўғрисидаги ва бошқа ижтимоий-сиёсий ғоялари эса «Форс мактублари» романида, «Римликларнинг шуҳрати ва инқизори сабаблари тўғрисида мулоҳазалар» тарихий очеркида ҳамда асосий асари — «Қонунларнинг руҳи тўғрисида»да (1748) акс эттирилган.

Бошқа илмий ғоялар ва концепциялар сингари, ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси ҳам қуруқ жойда пайдо бўлмаган. Ҳокимият бўлиниши таълимотининг куртаклари илк бор қадимги Эллада ва қадимги Римнинг буюк мутафаккирлари асарларида кўзга ташланади. Улар орасида Афлотун (милоддан аввалги 427—347-йиллар), Арасту (милоддан аввалги 384—322 йиллар), Эпикур (милоддан аввалги 341—270 йиллар атрофида), Полибий (милоддан аввалги 201—120 йиллар атрофида)ларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, бу назария ўтмиш бутун ижтимоий-сиёсий тараққиёти жараёнида ҳамда давлат-хуқуқий ҳаётни ташкил қилишда тўпланган тарихий тажриба билан бойиб борган.

Ҳокимият бўлиниши назарияси нафақат илмий, назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Ҳокимиятнинг бўлиниши ғояси Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси (1789), 16-модда; «Францияда қонун устида турувчи ҳокимият йўқ»лиги тўғрисидаги қоида ҳамда «қирол қонун кучидан келиб чиқиб ҳукмронлик қиласди ва у бўйсунишни фақат қонун номи билан талаб қилиши мумкин» деган жуда мухим қоида мустаҳкамланган (II боб, 3-модда) Франция Конституяси (1791) сингари фундаментал ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ушбу назариянинг юзага келиши тарихига ташланган ушбу ғоят қисқа назар унинг аҳамиятини ва Пре-

зидентимиз уни устувор деб ҳисоблаши сабабларини етарлича изоҳлайди, деб ўйлаймиз.

Иккинчи вазифанинг ечими ҳам ҳокимият ваколатларини ноҳукумат ва жамоат ташкилотларига, яъни **фуқаролик жамиятига** босқичма-босқич ўтказишни ўз ичига олади. Бу мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён эканлигини айтиб ўтиш даркор. Шундай бўлсада, фуқаролик жамияти тўғрисида бу ўринда ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Конституциясида «фуқаролик жамияти» таърифи йўқ. Бироқ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш талаби тез-тез янграмоқда ва мамлакатимиз аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу қонуний ҳол. Чунки ривожланган фуқаролик жамияти ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқий давлатчилик мавжуд бўлишининг кафолатидир. Фуқаролик жамияти ўз шахсий мақсадларини кўзда тутувчи инсоннинг мустақил фаоллик соҳаси. Бунда ижтимоий мулоқотнинг барча қатнашчилари ўз шахсий манбаатларини амалга оширувчи, ҳимоя қилувчи эркин ва расман тенг субъектлар сифатида намоён бўлади.

Сен-Симон жамият ўзи бирдек нафратланадиган иккита душманга эга, бу — **бошбошдоқлик ва истибдоғ**, деб ўз вақтида таъкидлаганди. Асосан Гегель изоҳлаб берган **фуқаролик жамияти мазкур икки жиҳатни** истисно этадиган етук ижтимоий муносабатлар сифатида намоён бўлади. Буюк файласуф фуқаролик жамияти таҳдилида икки фундаментал қоидани асослайди. Булар: аввало, индивидлар фақат ўз шахсий манбаатларига амал қиласидар, қолаверса, улар орасида ҳар бир инсон ўзаро боғлиқ бўлиб қоладиган ижтимоий муносабат ҳосил бўлади. Албатта, Гегель фуқаролик жамияти деганда ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини тушунади.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ: иқти-

содий соҳага — нодавлат ташкилотлар, кооператив-ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорацияларнинг мавжудлигидир; *ижтимоий соҳага* — оила, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, иш ва яшаш жойларидағи ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазииксиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир; *маънавий соҳага* — сўз, виждан ва фикрлар эркинлиги, ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминланганлигидир⁹⁶.

Бинобарин, фуқаролик жамияти давлат арбобларининг ҳокимиятни монополия қилишини бузиши, давлат ҳокимиятини хусусий шахслар ва мустақил ташкилотлар ҳокимияти билан мувазонатга келтириши унинг қимматли жиҳатларидан биридир.

Бироқ бу ҳол унда давлатнинг роли камаяди ёки давлат кучи қирқилишига рози бўлади дегани эмас. Ҳатто энг демократик ва ҳуқуқий давлат ҳам кучли давлат бўлиб қолиши даркор. Унинг заиф бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳокимият тугмачани босса-ю, тугмача ҳеч нарсага уланган бўлмаса, давлат ҳокимияти механизми эса уланиш бўлмагани учун ишга тушмаса, бундай ахволга чида бўладими?! Алал-оқибат улкан бошқарув машинаси бекор ишлаган бўлиб чиқади.

Фуқаролик жамитидаги (ижтимоий-иктисодий, сиёсий) ўзгаришлар албатта юридик шаклда бўлиши даркор. Қабул қилинаётган қонунлар жамият ривожланиши даражасига мос тушиши ва жамият демокра-

⁹⁶ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, мадатиятлар. Т., «Шарқ», 1998, 12-13-бетлар.

тик ривожланишининг узоқ муддатли истиқболлари учун, фуқаролик жамиятининг тикланиши ва ўзини ўзи тартибга солиш жараёнларини жадаллаштириш учун, шахс ҳамда жамиятнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратган ҳолда, ундан бир оз олдинда бормоғи ҳам шарт.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasида диққат-эътиборни ҳокимият ваколатларининг бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига бериш борасидаги мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш, уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг аҳамияти ва мавқенини амалда кучайтириш масалаларига қаратди.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг стратегик йўли: а) сиёсий плюрализмни ривожлантиришга; б) давлатнинг ижтимоий ролини кучайтиришга; в) шахснинг мустақиллигини таъминлашга; г) давлатнинг иқтисодий ролини ўзгартиришга йўналтирилган бўлиши даркор.

Биринчи устувор йўналишни амалга оширишдаги учинчи вазифа – иқтисодиёт соҳасини янада Эркинлаштириш бўлиб, унинг мазмуни **давлатнинг бошқа-рувчилик** ролини чегаралаш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий мустақиллигини ва хусусий мулк кўламини кенгайтириш, мулкдорларнинг роли ва ҳуқуқини мустаҳкамлашдан иборат.

Шу ўринда ушбу масалани ҳал этиш ҳозир ҳам долзарб бўлиб қолаётганлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Иқтисодиёт соҳасида эришилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан таъкидланган

натижаларга қарамай, қуидагиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда: «**Асосий устувор вазифа аввалгидек – бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат.**

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносаб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй берәётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда»⁹⁷.

Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтириш. Маънавият масаласига мамлакатимизда ўзбек давлатчилиги шакллантирила бошлиған дастлабки пайтданоқ ўта жиҳдий аҳамият берилмоқда. Ислом Каримов ўзининг дастлабки асарларидан бири бўлмиш «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992 йил)даёқ бу ҳақда шундай деганди: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонга давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйфуси билан биргалиқда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади»⁹⁸.

Маънавият нима? – деган саволга муаллиф қуидагича жавоб беради: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустах-

⁹⁷ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамияти демо-кратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005. 76-бет.

⁹⁸ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996. 80-бет.

камлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман»⁹⁹.

Учинчи устувор йўналиш – кадрлар тайёрлаш масаласи. Унинг аҳамиятини мамлакатимиз раҳбари фоят теран таърифлаб берган: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹⁰⁰.

Бу жиҳатдан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши катта аҳамият касб этади.

Тўртинчи устувор йўналиш – халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Бешинчи устувор йўналиш – иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашга, бу тармоқлар ва корхоналарни янгилаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилади.

Олтинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тутувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мәмлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборатdir.

«Шу муносабат билан мен, – деб ёзди Президент, – Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч

⁹⁹ И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999. 381-бет.

¹⁰⁰ И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999. 381-бет.

сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман.

Аммо минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солиши мумкин бўлган кучларга муносиб жавоб қайтаридиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни бажарган тақдирдагина биз фаровон турмушга, адолатли ҳаётга эришамиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади»¹⁰¹.

Шундай қилиб, устувор йўналишлар аниқлаб олинади ва китоб муаллифи **биз жамиятни эркинлаштириш** вазифасини бажариш учун **нималар қилишимиз**, дикқат-эътиборимизни нималарга қаратишими зарурлиги ҳақида фикр юритади.

Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз... зарур. Шу билан бирга қонунчилик ва меъёрий асосларни шаклантириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юрishi керак»¹⁰². **Бу — биринчидан.**

Иккинчидан, сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Ҳар бир киши жамиятдаги ўзининг ўрнини англаб етиши, ўзини жамиятнинг таркибий қисми деб ҳис этиши лозим.

Учинчидан, партиялар, ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари сингари сиёсий институтларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш зарур.

Тўртинчидан, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш мухим.

¹⁰¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 382-383-бетлар.

¹⁰² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 383-бет.

Шундан сўнг Ислом Каримов ҳал этилиши фоят муҳим бўлган яна бир масалани кўтаради. Бу — тўрачичик (бюрократизм) ва коррупция.

Тўғри, мамлакатда давлат бошқарув тизими таркиб топган, бироқ бу тизим қанчалик самарали ишламоқда? Бюрократизм ва коррупция ҳолатлари унинг асосларини қанчалик путурдан кетказмоқда? Бу йўналишда қандай иш олиб бориш лозим?

Ислом Каримов фикрича, муаммони ҳал этишнинг **асосий йўналишлари** қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

биринчидан, давлат бошқарувининг ўзини чет мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият устидан депутатлар назоратини кучайтириш;

тўртингчидан, ҳалқ депутатлари ва раҳбарларнинг ўз сайловчилари олдида ўз вақтида ҳисобот беришларини жорий этиш, токи улар парламент ўз фаолиятларини назорат қилаётганини ҳис этишсин.

Президент ўз китобида яна бир фоят муҳим жиҳатга эътиборни қаратади, бу — ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишдир.

Бинобарин, фуқаролик жамияти шаклланиб борар экан, Президентимиз қайд этганидек: «Давлат тасаруфида асосан конституциявий тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёsat ўтказиш каби вазифалар қолиши керак»¹⁰³.

¹⁰³ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон». 1999, 388-бет.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти шунда яққол намоён бўлади. Зотан, худди шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу фуқаролик жамияти принципларига тўла мос келади.

Маҳаллий органлар, янги қонун қабул қилиниши билан эса — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам аллақачон бундай ваколатларни олган. Муҳими — ушбу ваколатларни рӯёбга чиқаришнинг таъсирчан механизми яратилишидир.

Ислом Каримов ўз китобида **суд-ҳуқуқ ислоҳотини чукурлаштириш муаммоларига алоҳида ўрин беради**.

Мамлакатимизда адвокатура тизимини **кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш** учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳар қандай суд жараёнида бир томонда — айбловчи, иккинчи томонда — тенг ҳукуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади, суд эса томонларнинг фикрларини холосона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда, адолатли ҳукм чиқаради.

«Бундан хulosса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, хукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга каратилиши керак»¹⁰⁴.

Шундагина суд фақат жазоловчи орган бўлмай, **ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига** айланади.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи

¹⁰⁴ И.А.Каримов. Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999. 390-бет.

маърузасида қўйидагиларни қониқиш билан таъкидлади: «Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-хуқуқ тизими курилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди.

Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиши институтлари жорий этилди, тергов-сурештирув ва кишиларни ҳибсада сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишининг қатъий муддатлари белгиланди.

Суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди...

Прокуратура органларининг суд жараёнига арала-шувини жиddий чеклаш бўйича қонунчилик нормалари га зарур ўзгартиришлар киритилди. Бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда. Мамлакат жиноий қонунчилигини Эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ҳамда ижтимоий хавф түғдирмайдиган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада қенгайтирилди»¹⁰⁵.

Шунга қарамай, деди, Ислом Каримов: «Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиddий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи гал-

¹⁰⁵ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.. «Ўзбекистон», 2005, 43-45-бетлар.

да, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир»¹⁰⁶.

Ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган **оммавий ахборот воситалари бутун чоралар билан ривожлантирилиши даркор**. Ҳозирги пайтда 490 номдаги газета ва 138 номдаги журнал рўйхатга олинган.

Президентимиз таъкидлаганидек: «ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчиликимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда»¹⁰⁷.

«Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун хужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқени кучайтириш зарур. Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини химоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим»¹⁰⁸.

¹⁰⁶ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 46-47-бетлар.

¹⁰⁷ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 52-53-бетлар.

¹⁰⁸ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 391-бет.

Зотан, «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда, — деб ҳисоблади Ислом Каримов, — учинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур».

Президент бу **йўналишда нималарни амалга оширишни тавсия этади?**

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

Учинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун давлат органлари масъулиятини ошириш. Бунинг учун «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарур.

Президентнинг китобида иқтисодиёт соҳасидаги эркинлаштиришга кенг ўрин берилган. Муаллиф фикрича, бу, биринчи навбатда, мулкчилик ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш, яъни хусусий мулк етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш масалаларига тааллуқли. Бу йўналишда қандай ишларни амалга ошириш зарур?

Биринчидан, тадбиркорлик эркинлиги учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, унинг ялпи миллий маҳсулотдаги ҳиссасини 25 фоизгача етказиш лозим.

Иккинчидан, чинакам рақобат мұхитини яратиш. Рақобатсиз бозор иқтисодиётини барпо этиш мүмкін эмас.

Бизда «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилинган. Бироқ Президентнинг фикрича, у амалда иш бераётганий йўқ. Шу боис монополияга қарши қонунни кучайтириш — табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш даркор.

Учинчидан, бозор инфратузилмасини — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари ва бошқаларни ривожлантириш зарур.

Тўртингчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Ҳозир унда бошқарувнинг маъмурий усуллари устунлик қилмоқда.

Ўзбекистон Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлиши, иқтисодиётимизга чет эл капиталини янада кўпроқ жалб этиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шартшароит яратиш зарур.

Бешинчидан, валюта тизимини эркинлаштириш, яъни миллый валютамизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ҳал этиш даркор.

Олтингчидан, хорижий сармояларни жалб этиш бўйича кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш лозим.

Еттингчидан, давлат томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашибни ва турли назорат органларининг фаолиятини чеклаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Президент Ислом Каримовнинг фикрича, **Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг бажарилиши мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга**. Бу дастур бажарилиши учун жавобгар шахслар олдида қандай вазифалар турибди?

Биринчи. Янги ўқув йили бошлангунга қадар таълим тизимида тажриба қандай ўтётганини таҳлил

қилиш, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига янги авлодни камол топтиришга қаратилган зарур тузатишлар киритиш.

Иккинчи. Дарсликларнинг янги авлодини, замона-вий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни назорат остига олиш.

Учинчи. Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга эътибор бериш.

Тўргинчи. Дастурда белгиланган академик лицейлар ва қасб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш.

Муаллиф китобда демократик ва бозор ислоҳотлари ҳамда янгиланиш йўлида қилаётган барча ишларимиз халқимиз манфаатларини кўзлаб, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилиши лозимлигини таъкидлайди. Шу мақсадда, дейди Ислом Каримов, аҳоли даромадларини ошириш, унинг харид қуввати ошишини таъминлаш зарур. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмини та-комиллаштириш, унинг аниқ шахсларга йўналтирилганлигини кучайтириш, бунинг учун ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллани жалб этиш лозим.

Ногиронларга алоҳида аҳамият бериш, шу мақсадда ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича мақсадли давлат дастурини қабул қилиш зарур.

Бу йўналишда меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини яратиш бўйича фаол сиёsat ўтказишнинг ҳам аҳамияти катта.

Ижтимоий микротузилмани, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш Давлат дастурини янада ривожлантириш зарур.

Ушбу мақсадларга эришиш учун **иқтисодиётда тар-кибий ўзгаришлар ўтказиш ўта муҳим аҳамиятга эга**. У нималардан иборат?

Биринчидан, таркибий ўзгаришларни барпо этиш сиёсатида аввалгидек қишлоқ, хўжалиги етакчи ўрин

тутади. Чунки мамлакат аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида меҳнат қиласди.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари — нефть, газ, энергетика, олтин қазиб олиш, кимё саноати, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноатини техник қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш талаб этилади.

Учинчидан, енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқи-мачилик, пиллакашлик соҳаларини ва бошқа тармоқларини замонавийлаштириш, туталланган технологик жараённи таъминловчи ишлаб чиқариш қувватларини яратиш керак бўлади.

Тўртингчидан, замонавий қишлоқ хўжалиги техникинси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни қайта жиҳозлаш ва хорижий сармоядрорлар иштирокида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш лозим.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг бой илмий-техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, юксак технология ва фан ютуқдарига асосланган ишлаб чиқариш соҳалари — автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология, электротехника ва электроника саноатларини, телекоммуникация ва замонавий ахборот технология воситаларини тез суръатларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, тўлақонли ва уйғунлашган саноат сиёсати юритишни, ўзаро боғлиқ экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш зарур.

Шундан сўнг Ислом Каримов Қуролли Кучларни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич, чуқур ислоҳ қилиш масалаларига эътиборни қаратади. Армияни ислоҳ қилишнинг моҳияти, муаллиф фикрича, нималардан иборат?

Биринчиси — мамлакатимиз тинчлиги ва осойиштадигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир

бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак Қуролли Кучларни шакллантириш.

Иккинчиси – илфор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Қуролли Кучларни ташкил этиш таркибини қайта кўриб чиқиш.

Учинчиси – ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлиги ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқиш.

Тўртинчиси – Қуролли Кучларни ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва янгилаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизда чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда бугунги кунда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг ўзимизга хос модели яратилди ва у ҳаётга жорий этилмоқда. Шу асосда Қуролли Кучларимизнинг давлат қурилиши тизимидағи роли, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда¹⁰⁹.

Айни пайтда «Ички ишлар вазирлиги тузилмасида ҳам туб таркибий ислоҳотларни амалга ошириш белгиланган. Ички қўшинлар вазифалари, тузилиши қайта кўриб чиқилди. Уларни ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан анча мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлигини, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдиган бўлинмаларни ислоҳ қилиш устида ишламоқдамиз.

Ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фуқароларни ва жамиятни террорчилик, қўпорувчиклик хуружиidan, барча шаклдаги экстремизм, уюшган

¹⁰⁹ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 41-бет.

жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шаклланиши зарур»¹¹⁰.

Бу сатрлар – демократлаштириш ва янгиланиш йўлидан муваффақият билан олға боришимизда дастурий ҳужжат ҳисобланган ушбу китобнинг якунловчи сўзлариdir.

¹¹⁰ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 403-бет.

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА ЭРКИН ЖАМИЙТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

2005 йил 28 январда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Бу чиндан ҳам шонли воқеа. Мамлакатимизда сайловлар орқали илк бор икки палатали парламент шакллантирилди.

Ушбу мажлис кун тартибидағи масалаларга ўтишдан олдин, даставвал бир палатали парламентимизга бўлиб ўтган сайловлар ҳам ўзбек давлатчилигини ривожлантиришда муҳим давр ҳисобланган яқин тарихимизга мурожаат этайлик. Зоро, ўшанда бир палатали парламент шакллантирилган эди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти бошланганидан дарак беради. Бу нима учун муҳим?

Ушбу саволга жавоб бериш учун янада узоқроқ ўтмишга мурожаат этайлик.

Давлат институти бўлган парламент узоқ тарихни босиб ўтган, аммо унинг роли доимо юқори баҳоланган. Ҳозирги пайтда ҳам парламент замонавий давлат рамзи ҳисобланади. «Парламент» атамаси французча «parler» («парле») – «гапирмоқ» сўзидан келиб чиқсан.

Замонавий парламент — халқ вакиллиги олий органи бўлиб, у халқ хоҳиш-иродасини ифодалайди, энг муҳим ижтимоий муносабатларни асосан қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солади, ижро этувчи ҳокимият органлари ва юқори мансабдор шахслар фаолиятини назорат қиласди. Шу билан бирга, парламент кўплаб ваколатларга ҳам эга. У бошқа олий дав-

лат органларини шакллантиради, масалан, айрим мамлакатларда президентни сайлайди, ҳукуматни тузади, конституциявий судни тайинлайди, ҳукумат томонидан тузилган халқаро шартномаларни ратификация қиласы, амнистия эълон қиласы ва ҳоказо.

Ҳозирга келиб парламент халқ әрки асосида фолият юритувчи давлат ҳокимиятининг муҳим бўғинига айланди. Эндиликда у турли сиёсий кучлар манфатининг ифодачиси, муросаи мадора йўлларини излаш майдони ҳисобланади.

Энди эътиборни ҳозир жаҳон мамлакатлари парламентларида палаталар сони иккитадан ошмаслиги га қаратамиз. Зотан, улар турли мамлакатларда турлича ном билан аталса-да, уларни *юқори палата* ва *қуий палата*, деб аташ қабул қилинган. Ҳозирги вактда кўп мамлакатларда юқори палата қуий палатага нисбатан камроқ ваколатга эга. Бундан ташқари, парламент палаталари ўз сони бўйича ҳам хилма-хил. Одатда, қуий палата юқори палатага нисбатан икки баравар (Италияда), баъзан ундан ҳам зиёдроқ (Польшада) бўлади.

Парламент *қуий палатаси* аъзолари — депутат, халқ вакили *юқори палата* аъзолари эса — сенатор дейилади.

Қуий палата ва бир палатали парламент аъзолари, одатда, 4—5 йилга, кўпинча фуқаролар томонидан сайланади.

Юқори палата турли йўллар билан шакллантирилади. Бу — тўғридан-тўғри ва билвосита сайловлар, тайинлаш, лавозимига кўра ўрин эгаллаш ва ҳоказо йўллар билан шакллантирилади. Масалан, АҚШда сенаторларни тўғридан-тўғри сайлаш (ҳар бир штатдан 2 нафар сенатор) кўзда тутилган.

Францияда сенат билвосита сайловлар йўли билан шакллантирилади, бу ерда ҳар бир минтаقا сайлов ҳайъати муайян минтақадан сайланган қуий палатадан таркиб топади.

Қизиги шундаки, қуйи палата ва бир палатали парламент түлиқ қайта сайланади. Юқори палатага күпинча ротация (алмаштириш) қоидаси қўлланилади. Сенаторлар узокроқ муддатга сайланса, палата қисмма-қисм янгиланади (АҚШда ҳар 2 йилда учдан бир қисмини янгилаш билан 6 йилга сайланади). Бироқ юқори палата қуйи палата сингари муддатга сайланадиган ҳолатлар ҳам бор (Италия, Польша ва бошқа давлатларда).

Ҳозирги босқичда парламентаризмнинг ривожланиш тамойилларининг асосий хусусиятлари шулардан иборат.

Ўзбекистон истиқдолга эришган 14 йилдан зиёдроқ вақт ичida мамлакат ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Президент И.А.Каримов томонидан олға сурилган миллий ривожланиш концепциясига мувофиқ ҳамда мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа қонунлари асосида мутлақо янги сиёсий-ҳуқуқий тизим шаклланиб, унда янги типдаги парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис 1994 йилда кўппартиявийлик асосида ўтказилган дастлабки эркин, демократик сайловлар натижалари бўйича шакллантирилган. Янги парламентимиз — Олий Мажлис вужудга келган дастлабки кунлардан бошлаб унинг фаолиятининг асосий йўналишлари ёш мустақил давлатнинг устувор масалалари ва вазифалари билан, унинг миллий манфаатлари, мамлакатда ўтказилаётган демократик ислоҳотларнинг муайян, аниқ мақсадлари билан белгилаб келинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил февралда бўлиб ўтган сессиясидаёқ Президент Ислом Каримов депутатларга, мамлакат олдида турган жорий ва истиқбол вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, парламент фаолиятининг кенг *gasturini* баён қилди. Олий Мажлиснинг конституциявий вазифаси — **жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичига туб де-**

мократик, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни қонунлар билан ўз вақтига таъминлашдан иборат.

Ҳокимият бўлиниши принципига мувофиқ қонун чиқарувчи ҳокимият энг мухими бўлгани учун қонун чиқарувчи орган давлат механизмида асосий ўринда туришини исботлашга зарурат йўқ деб ҳисоблаймиз. Зоро, у ижро этувчи ҳокимият амалга ошириши лозим бўлган, суд ҳокимияти фаолияти учун қонунчилик асоси бўлиб хизмат қиласидиган умуммажбурий талабларни қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига бағишланган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деб номланган XVIII боб, 76-моддада: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади», — дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига биноан, Олий Мажлис ҳудудий сайлов округларидан кўппартияйилик асосида беш йил муддатта сайланадиган 250 депутатдан иборат бўлади.

Олий Мажлис уч турда — 1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда сайланди, бу назорат қилинмайдиган, эркин сайловлар бўлиб ўтганидан далолат беради. 250 депутат ўрнига маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва икки сиёсий партия: Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) ва «Ватан тараққиёти» партиясидан 634 номзод даъвогарлик қилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш блоки яққол ғалаба қозонди — 167 депутатлик ўрнини эгаллади. Халқ демократик партияси 69 ўрин, «Ватан тараққиёти» — 14 ўрин олди.

89 депутат вилоят ва туман давлат маъмурияти рахбарлари, 59 депутат давлат ва яримдавлат хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларини бошқаради. 104 депутат маданият арбоби, фан ва таълим ходимлари, шунингдек, хусусий тадбиркорлар эди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг парламент сайловларида сиёсий партиялар қаторида мустақил куч сифатида иштирок этиши ўзбек жамияти тарихий-маданий анъаналарининг намоён бўлиши эди.

Биринчи ўзбек парламентига сайловлар ҳақида чет элларда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди. ГФР Президенти Р.Херцог бундай деганди: «Ўзбекистонда парламент эркин овоз бериш йўли билан сайланган. Парламентга сайловлар мустақил ва бообрў кузатувчилар, шунингдек, немислар иштирокида бўлиб ўтди».

Д.Карлайл (Австрия) эса бу ҳақда қуидагиларни ёзди: «1994 йил декабрь ойида Олий Мажлисга бўлган сайловлар ушбу йўналишда тўғри ташланган одимлардан бири бўлди. Парламент саҳнасида бир неча партиянинг пайдо бўлиши, гарчи улар мавжуд тизим йўриғидан чиқмаса-да, олға ташланган бир қадамdir. Каримовнинг янги сайланган парламентни Президентдан имо-ишора ва кўрсатмалар кутуб ўтирасдан, фикрлашга ва мустақил ҳаракат қилишга даъват этиши кишига далда беради. Агар буни Каримовнинг ҳақиқий муносабати, дейдиган бўлсанк, мазкур муносабат, шубҳасиз, ҳақиқий парламент сиёсатининг юзага келиш имконияти мавжуд эканидан далолат беради»¹¹¹.

Умуман, ҳозирги замон конституцияий тизимларида парламентлар фавқулодда муҳим ўрин тутади. Зотан, парламент сайлов асосида шакллантириладиган вакиллик ва қонун чиқарувчи орган бўлганлиги боис у конституциянинг демократик хусусиятларини яққол намоён этувчи институт ҳисобланади. Сайланган вакиллардан иборат бўлган парламент бутун жамиятнинг ранг-баранг манзарасини, турли ижтимоий гурӯхлар манфаатларини ифода этади. Жамиятдаги хилма-хил ижтимоий кучлар парламент доирасида баҳс-муноза-

¹¹¹ А.Левитин. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. Т., «Ўзбекистон», 1996, 114-бет.

ра олиб бориш, фикр алмашув ва келишув имкониятига эга бўлади. Шундай мулоқот натижасида халқнинг умумий иродаси шаклланади. Бу ирова парламент орқали кўпчиликка мақбул ҳуқуқий қарор тарзида на-моён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси давлат ҳокимияти олий органининг ваколатига бағишлиган. Унда Олий Мажлиснинг мутлақ ва-колатига тааллуқли бўлган ваколатлар рўйхати берилган (у 24 банддан иборат).

Шунга кўра, миллый парламентимиз кенг ҳуқуқларга эгалигига, айни чоғда унга давлат томонидан жиддий маъсулият ҳам юклатилганлигига гувоҳ бўламиз.

Барча депутатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланадилар. Айнан шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллик ҳокимияти ҳисобланади, чунки халқ сайловлар асосида ҳокимиятни ўз вакилларига беради ва вакиллик органларига давлат ҳокимиятини амалга ошириш ваколатини беради. Бу давлат ҳокимияти механизмида ваколатли органлар бирламчи эканлиги, уларнинг устунлиги тўғрисида фикр юритиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, қайд этиб ўтганимиздек, қонун чиқарувчи ҳокимият — коллегиал ҳокимият, чунки бир кишининг эмас, балки жамоанинг қўлига берилади.

Ушбу ҳокимият қонун чиқарувчи деб аталиши ваколатли органлар қонунчилик фаолиятидан ташқари бошқа ҳеч қандай фаолият билан шугулланмайди, дегани эмас. Олий Мажлис учун ҳар йили давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, солиқларни ва бошқа тўловларни белгилаш ҳуқуқи орқали амалга ошириладиган молиявий фаолият ҳам аҳамияти кам бўлмаган функция эканлигини кўриш мумкин. Айни пайтда Олий Мажлиснинг юқори ижро

этувчи ва суд органларини шакллантириши билан боғлиқ яна бошқа ғоят муҳим функцияси ҳам бор.

Шундай қилиб, миллий парламентимиз — Олий Мажлис қонун ижодкорлиги соҳасида катта ваколатларга эга. У солиқларни ўрнатиш, давлат бюджетини қабул қилиш, ташқи сиёсий жараёнда иштирок этиш, мудофаа масалаларини ҳал қилиш, суд ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш каби ҳуқуқларга эга.

Юқорида қайд этганимиздек, мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимиятни қарор топтириш ва ривожлантиришга ғоят катта аҳамият берилмоқда. Бинобарин, 2000 йилнинг 25 майида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси ҳам буни яққол тасдиқлайди. Ушбу сессияда Олий Мажлис Раиси Э.Халиловнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ҳамда комиссияларининг қонун ижодкорлиги ва назорат қилиш бўйича 2000—2002 йилларга мўлжалланган фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчى сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор йўналишлари тўғрисида»ги маърузасининг муҳокамаси кун тартибидағи асосий масала бўлди.

Маърузачи миллий қонунчилик яқин йилларда жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш учун қулай ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратиш йўлидан боришини таъкидлади. Шу муносабат билан Олий Мажлис фаолиятининг истиқбол дастурида нафақат янги қонунларни қабул қилиш, балки амалдагиларини, ҳаёт ва ҳуқуқни татбиқ қилиш амалиёти воқелигини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, парламент, илгаригидек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилишга, уларнинг жойларда амалда қўлланишини ўрганиш ҳамда таҳдил қилишга катта эътибор бермоғи лозимлиги таъкидланди.

Депутатлар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, парламентнинг 2000—2002 йилларга мўлжалланган ишининг устувор йўналишларини ўз ичига олувчи, қабул қилинаётган ҳужжат негизида ётувчи кўриб чиқилаётган муамманинг аҳамиятини таъкидлади.

Давлатимиз бошлиғи, жумладан, қонун ижодкорлиги иши механизмини парламентаризмнинг энг яхши тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Шу мақсадда, энг аввало, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишининг янада аниқроқ тартибини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Энг муҳим қонун лойиҳалари бир неча ўқишда қабул қилиниши лозим.

Айни чоғда давлатимиз раҳбари парламент ишини такомиллаштириш зарурлиги шўғрисида гапириб, ҳуқуқий давлатда қонун ижодкорлиги фаолиятининг зарур шарти бўлмиш икки палатали қонун чиқарувчи органни тузишни ёқлаб чиқди. У ўз нуқтаи назарини қўйидагича асослаб берди: «Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийdir.

Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман»¹¹².

Шундай қилиб, бир йилдан кейин иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида икки палатали парламентни шакллантириш масаласи яна қўйилди. Шу вақт давомида парламент аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, давлат ва жамият қурилиши мута-

¹¹² И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пираварл мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000. 483-бет.

хассислари уни ёқловчи ва унга қарши жиҳатларни пухта чамалашди, иқтисодий ривожланган давлатлар парламентаризмининг халқаро тажрибасини ўрганишди.

Икки палатали парламент тўғрисидаги масала нима учун кўндаланг бўлди? Гап шундаки, кўпгина хорижий мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибаси икки палатали парламент тизими қонун чиқариш жараёни соҳасида давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш, яъни чеклаш ҳамда мувознатлаш жиҳатидан анча самарали эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда ушбу муаммони батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз. Назария қонун чиқариш жараёнидаги **беш босқични** фарқлайди.

Биринчи босқич – қонун чиқариш ташаббуси субъектлари томонидан парламентнинг қуий палатасига қонун лойиҳасини киритиши. Бундай субъектлар, энг аввало, қуий палата депутатларининг ўзлариидир.

Иккинчи босқич – қонун лойиҳасининг қуий палатада, одатда, уч ўқишида кўриб чиқилишидир. Ушбу уч ўқиши асосли эканлиги қонун ижодкорлиги демократик тартиби мантиқининг ўзидан келиб чиқади. Биринчи ўқиши қонун чиқарувчиларнинг қонун лойиҳаси билан расман танишишидан иборат бўлади. Башарти қонун лойиҳаси биринчи ўқишида қабул қилинмаса, иккинчи ўқиши тайинланади, шу жараёнда қонун лойиҳаси моҳияттан муҳокама қилинади. Сўнг тузатишлар киритилади, кейин у якунловчи учинчи ўқишига киритилади, бу ўқиши якуннига кўра қонун лойиҳаси узилкесил тасдиқланади.

Учинчи босқич – қонунга қуий палата томонидан овоз берилиши, яъни қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш, унинг натижасида қонун ё қабул қилинмаган ҳисобланади, ёки овоз берилган қонун парламент юқори палатасига йўлланади. Кўриниб турибдики, овоз бериш ҳали қонун қабул қилинганини билдиrmайди:

қонун қуиі палата томонидан эмас, парламент томонидан қабул қилинади. Оддий қонунларга овоз бериш учун, одатда, қуиі палата депутатлари умумий сонидан оддий күпчилік овоз талаб қилинади. Конституциявий қонунлар учун асосий күпчилік овоз бериши талаб этилади.

Тұртқынчи босқыч – овоз берилған қонуннинг юқори палата томонидан маъқулланишидир. Одатда, агар оддий қонун муайян муддатдан кейин күриб чиқылмаса, у «сукут – аломати ризо» қойдаси бўйича маъқулланган ҳисобланади. Конституциявий қонунлар, шунингдек, конституцияда кўрсатилған муайян масалалар бўйича қонунлар «сукут – аломати ризо» тартибида маъқулланиши мумкин эмас.

Юқори палата қонунни күриб чиқиб, уни талаб қилинган күпчилік овоз билан маъқуллаши ёки маъқулламаслиги (рад этиши, эътиroz билдириши) мумкин. Кейинги ҳолатда қонун лойиҳаси қуиі палатага йўлланади, у юқори палата эътиrozини асосий кўпчилік овоз билан бартараф этишга ҳақли. Акс ҳолда қонун қабул қилинмаган ҳисобланади.

Бешинчи босқыч – промульгация (расмий эълон қилиш). Парламент палаталари томонидан қабул қилинган қонун ўз-ўзидан кучга кирмайди. Ҳокимиятнинг бўлиниши шароитида давлат бошлиғи ёки ижро этувчи ҳокимият бошлиғи (бизнинг Конституциямизга мувофиқ бу бир шахс – Президент) қонунни имзолаши лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Президент ўз эътиrozлари билан қонуни Олий Мажлисга қайта муҳокама қилиш ва овоз бериш учун қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис ўзининг аввал қабул қилған қарорини учдан иккى қисмдан иборат кўпчилік овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди. Лекин бу қонун, одатда, эълон қилинган вақтидан бошлаб (агар қонуннинг ўзида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса) кучга киради.

Икки палатали парламент нима учун афзал? – деган саволга жавоб бергач, бошқа савол юзага келади: Бу масала нима учун айнан ҳозир кўтарилимоқда? Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Парламент жамият ва давлат билан бирга такомиллаша боради. «Биз сиёсий модага маъқул келиш учун ҳеч нарса қилмаймиз,— дейди депутат Г.Ибодуллаева. — Икки палатали парламентни шакллантириш ғоясини олайлик. Республика раҳбарияти Ўзбекистонда парламентаризм қарор топган дастлабки йилларда бизда тегишли мутахассислар бўлмагани учун ҳам бу ғояни бир неча йил аввал амалга оширмади. Ўтган истиқол йилларида ислоҳотларнинг қонунчилик асоси яратилибгина қолмай, балки парламент қонун ижодкорлиги асосини доимий ва профессионал негизга қўйишга қодир мутахассислар авлоди етишиб чиқди»¹¹³.

Шу саволга янада батафсилоқ жавоб Олий Мажлис Раиси Э.Халиловнинг иккинчи чакириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясидаги маърузасида мавжуд бўлиб, унинг моҳияти қўйидагилардан иборат:

биринчидан, профессионаллар меҳнат қиласидан янги профессионал парламентга ўтиш учун мамлакатда чинакам сиёсий ва бошқа шароитлар етилди. Мамлакатда ҳуқуқий маданиятнинг савияси ошганлиги бунга жавоб беради;

иккинчидан, кўп йиллар мустабид режим шароитида бўлинганлигига қарамай, Ўзбекистонда туб бурилиш рўй берди, парламентаризм қарор топишининг халқаро тажрибасига қизиқиш кучайди;

учинчидан, Ўзбекистон халқлари ўз миллий давлатчилигини яратган ягона миллат сифатида шаклланди;

тўртинчидан, парламент фақат қонун чиқарувчи эмас, балки вакиллик органи бўлгани учун ҳам, аҳолидангина эмас, балки барча минтақалардан тенг вакиллик бўлиши зарур;

¹¹³ «Народное слово», 8 августа 2001 года.

бешинчидан, қонун чиқарувчи олий органда иккичинчи палатанинг тузилиши минтақаларнинг Ўзбекистон қонунчилигига таъсирини кўпроқ даражада кучайтириш имконини беради.

Э.Халилов мазкур маърузада мамлакатда икки палатали парламент бўлиши керакми ёки йўқми, деган масалага ойдинлик киритди. Парламент раҳбари, гарчи ушбу чақириқ Олий Мажлис муддати тугагунча яна уч йил қолган бўлса-да, референдум ўтказиш керак бўлганини тушунтириб берди. Маълум бўлишича, бу мавжуд ҳуқуқий базани жиiddий ўзгартириш, кўплаб қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлиб, у анча вақтни талаб қиласди.

Икки палатали парламентнинг тузилиши қонун чиқарувчи ҳокимиятни кучайтириш ва мустаҳкамлашга олиб келади, бироқ бу ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятини заифлаштириш ҳисобига бўлмайди. Зотан, Франциянинг собиқ Президенти Ф.Миттеран ибораси билан айтганда: «Ҳаддан ташқари кучли парламент давлатнинг нормал иш олиб боришига, ҳаддан ташқари заифи эса — демократияга таҳдид солади»¹¹⁴.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми айнан шу масалаларни ҳал этишга бағишлиланганди. Референдумда учала ҳокимият орасида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва аҳамиятини оширган қарор, яъни навбатдаги чақириқда Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Референдум якунларига мувофиқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий қонун қабул қилинди. Қонун Ўзбекистон қонун чиқарувчи ҳокимияти икки палатали олий органининг тузилмасини,

¹¹⁴ «Народное слово», 8 августа 2001 года.

таркибини, унинг амал қилиш асосларини, Ўзбекистон Президенти ваколатининг етти йиллик муддатини, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича қонунчиликни та-комиллаштириш принципларини мустаҳкамлади.

Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Уларда Олий Мажлис пала-талари мақоми, уларни шакллантириш тартиби, вако-латлари ва ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари би-лан ҳамкорлик қилиш механизмлари аниқлаб берилди.

«Референдум якунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди»¹¹⁵. Масалан, Асосий Қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қуий ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишли ўзгартириш ва тузатишлар киритилди. —

Бу тузатишлар Олий Мажлис, унинг қуий ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишлидир.

Президентимиз таъкидлашича, шу тариқа: «қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўрта-

¹¹⁵ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 218-бет.

сида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг муво- занати таъминланади.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирiga Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари- ни мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт- шароит ва кафолатлар яратилади»¹¹⁶.

Қайд этиш зарурки, Конституцияга киритилган ушбу тузатишлар туфайли қонун чиқарувчи ҳокими- ятнинг роли ва аҳамияти анча кучаяди. Олий Маж- лиснинг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолия- тини назорат қилишдаги, жумладан, Бosh вазир ном- зодини тасдиқлашдаги роли ҳамда ваколати анча ортади. Президент ваколатларининг бир қисми, би- ринчи галда, давлат, суд тизими ва маҳсус хизматлар- нинг раҳбарларини, чет эллар ва ҳалқаро ташкилот- лардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқ- лаш масалалари юқори палата – Сенатга ўтказилади¹¹⁷.

Бир палатали парламентни икки палатали этиб қайта ташкил қилиш факти – ҳокимиятнинг мазкур тармоғини анча кучайтиришдан иборатлиги мутлақо аён. Зотан, булар ижро этувчи ҳокимият бошлиғи – Президент ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Ислом Каримов ҳақли равищда таъкидлаганидек: «қўйи, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Ўз-ўзидан рав- шанки, бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутат- лар таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, улар- нинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ор- тишига олиб келади.

Айни вақтда биз қонунлар устида ишлаш жараёни- нинг ўзи ҳам тубдан ўзгаришини ва пировард натижага-

¹¹⁶ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва матърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. II-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 220-бет.

¹¹⁷ Ўша жойда.

да қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишини кутишга ҳақлимиз.

Сессия мажлислари тартибида ишлайдиган ҳозирги парламентимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятига ўтиш ҳам шу мақсадга хизмат қиласди.

Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланниши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш учун зарур шарт-шароит яратади»¹¹⁸.

2004 йил 26 декабрда икки палатали парламентга сайлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек «илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди»¹¹⁹.

Нима учун давлатимиз раҳбари бу сайловга фавқулодда аҳамият бермоқда, деган савол ҳақида ўйлайлик. Назаримизда, бу саволга жавоб бериш учун умуман сайловлар муаммосига мурожаат этиш керак. Ҳар қандай мамлакат, айниқса, яқиндагина мустақил демократик ривожланиш йўлига кирган давлатлар учун уларнинг аҳамияти қандай?

Бу қонуниятли ҳол, чунки сайловлар, асосан, ҳозирги демократиянинг асосий институтларига киради. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-мод-

¹¹⁸ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 221-222-бетлар.

¹¹⁹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишилар. Т., «Ўзбекистон», 2005, 30-бет.

дасига мувофиқ: «Халқ иродаси ҳукумат ҳокимияти-нинг асоси бўлиши лозим; бу ирова даврий ва сохта-лаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яши-рин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинли-гини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини то-пиши лозим»¹²⁰.

Чунки сайловлар ўз-ўзича сиёсий тартибот бўлмай, анъанавий равишда демократик тартибот деб ҳам бел-гиланади. Моҳияттан олганда, демократик жамиятдаги сайловлар *сиёсий рақобатдан* иборат бўлади. *Сиё-сий рақобат эса, ўз навбатида, жамиятнинг айни гамдаги ривожланишининг якуни сифатида намоён бўлади. У муайян ижтимоий муҳитнинг ифодаси ҳамда оммавий сиёсат натижасидир.*

Сиёсий рақобат партиялар, даврий сайловлар, сўз эркинлиги, овозларни ҳалоллик билан санаш, ижти-моий фикрдан баҳраманд бўлиш, ижтимоий манфа-атлар интеграцияси ҳамда эркин, демократик сайлов-ларда сиёсий кучлар рақобати каби қатъий институт-лар ва тартибот-қоидалар қуршовидадир. Ҳозирги рақобатлашувчи демократик жараёнлар, афсуски, ав-валгидек, унча кўп эмас, бироқ ўтган ўн йил ичида мустақилликка эришган янги давлатлар киргани ҳисо-бига кўпайиб қолди. Ўзбекистон ҳам шундай давлат-лар қаторида бўлишга интилмоқда. Олдинги бўлимда айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида демократияни энг муҳим принципи – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатла-рини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъ-минлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш эканлигини асосий устувор жи-

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқа-ро шартномалар (Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар). Т., «Адолат», 2002, 52-бет.

ҳатлардан бири сифатида қайд қилинганди. Президентимиз таъкидлаганидек: «Демократиянинг энг муҳим тамоили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»¹²¹.

Сиёсий рақобатни назарда тутувчи демократия фоят мураккаб тизим ҳисобланади. Ўз манфаатларини англовчи, шу манфаатлар бўйича ҳокимият учун кураш олиб борувчи сиёсий партиялар сифатида таркиб топа оладиган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги нима учун зарур? Бунда айнан таркиблашганлик муҳим, чунки шунчаки рақобат — «барчанинг ҳаммага қарши уруши»нинг ўзиdir. Рақобатга эришиш ва уни *таркиблашган, яъни муайян қоидалар бўйича, муайян институслар доирасида борувчи ҳолга келтириш ниҳоятда мураккаб вазифа.*

Сиёсий рақобат муаммолари бизнинг сиёсий ва ҳуқуқий фанда амалда ўрганилмайди. Айни чоғда ҳозирги замон сиёсатшунослигининг мумтоз вакили Р.Далнинг таърифига кўра, «Демократия — иштирок этиш учун очиқ бўлган рақобатdir». Умуман, Фарб сиёсатшунослиги рақобатга унча катта эътибор қаратмаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки Фарбда у имплицит ҳолда мавжуд. Мамлакатимиздаги демократиянинг асосий муаммоси — сиёсий рақобатчиликнинг этишмаслигидадир. Назаримизда, сиёсий рақобат муаммоси бўлажак демократиямиз учун муҳим. Зеро, расман демократик тартиб-қоидаларга риоя қилинишига қарамай, барibir, рақобат барбод бўлса, бизда авторитар режим турларидан бири таркиб топмасмикин, деган фикр хавотир уйғотади.

¹²¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 380-бет.

Агар биз демократиянинг моҳияти сиёсий рақобат эканлигидан ва демократия асосида мусобақа ётишидан, юқори ҳукумат лавозимларини эгаллаш сиёсий рақобат шароитида эркин ва адолатли сайловлар орқали юз бериши лозимлигидан келиб чиқсан, у ҳолда Ўзбекистонда ушбу шартларни таъминлаганимиздагина чинакам барқарор демократияни барпо этишимиз мумкин бўлади.

Зотан, «демократия – бу эркин жамиятдир. Унда жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тузилмасининг ранг-баранглигини, барча ижтимоий қатламларнинг сиёсий тенг ҳукуқлигини, мағкуравий фикрлар хилма-хиллигини, кўп partiya вийликни акс эттирувчи муқобилларга асосланади. Демократик тузум халқقا ўзининг сиёсий тақдирини ўзи белгилаш, бирон-бир сиёсий йўналишни танлаш имконини беради. Бу, энг аввало, халқнинг сиёсий ҳоҳиш-иродаси ҳокимият сиёсий тузилмаларига, оммавий ҳокимият органларига бевосита айланадиган, моҳиятан ягона акт ҳисобланган мунтазам ва эркин ўтказиладиган сайловлар орқали таъминланади»¹²².

Бироқ бу ўринда сиёсий рақобат ва эркин сайловлар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бошқа муаммо ҳам юзага келади. Бу – мамлакатда чинакам кўп partiya вийликни таъминлаш муаммосидир.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сабитқадамлик билан олиб бораётган сиёсат ва амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодағи кўп partiya вийлик муҳити қарор топишига йўналтирилгандир. Сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назарини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир»¹²³.

¹²² О. Мухамеджанов. Вілборы и демократия // «Правда Востока», 2004 года 20 мая.

¹²³ X. Оғулқориев. Конституция ва фуқаролик жамияти. Тошкент, «Ўзбекистон», 2002, 89-бет.

Бошқача айтганда, сиёсий партиялар ҳозирги замон демократия тизимининг ажралмас таркибий қисми, сайлов кампанияларининг асосий иштирокчила-ридан бири сифатида чинакам сиёсий рақобат воситаси, ҳокимият учун кураш усули ҳисобланади. Чунки азалдан демократик анъаналарга эга бўлган мамлакатларда сиёсий партиялар ижтимоий фикрни, ҳалқнинг сиёсий иродасини, ҳокимият учун курашиш кўник-масини шакллантириш ва уни сайловларда ифодалаш бўйича демократик жараёнда етакчи позицияларни эгаллаб келади. Кўппартиявийликка асосланган ҳокимият учун курашувчи барқарор тизим муқобилликни, жамият ва давлатни ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича қарапшларнинг, фикр-мулоҳазаларнинг меъёридан ошмаслигини таъминлаш, сайловчиларга уларни ҳал этиш бўйича бир қанча асосий ёндашувларни таклиф қилиш, шу орқали бирон-бир сиёсий партияга, унинг номзодларига ва дастурларига овоз берувчи сайловчиларга энг самарали сиёсий қарорлар қабул қилишда кўмаклашиш имконини беради.

Бир партияли турли сиёсий режимлар амал қилган яқин ўтмишдаги тажриба жамиятни бу тарзда сиёсий ташкил қилиш ғоят самарасиз эканлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш учун асос беради. Бино-барин, якка партия ҳукмронлиги натижасида, одатда, авторитар ва тоталитар жиҳатлар устувор аҳамият касб этадиган сиёсий режимлар ўрнатилади. Бундай шароитда сиёсий рақобат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Жамиятда ҳокимият функциялари бир партия томондан узоқ вақт монополия қилиниши (партия уларга умуман амал қилмаслиги лозимлиги), одатда, ўз натижаларига кўра ҳалокатли оқибатларга олиб келишига ва энг аввало, демократия мутлақо маънодан маҳрум бўлишига, ҳалқ – ҳокимиятдан ва ҳокимият – ҳалқдан буткул ажralиб қолишига КПСС мисолида ишонч ҳосил қилганмиз. Аниқроқ айтадиган

бўлсак, коммунистик ҳуқуқий мафкура замонида «ҳокимият илоҳийлашган ҳолда дастлаб – пролетарийат диктатураси ва инқилобий ҳуқуқий онг, кейинроқ – сталинча, брежневча сиёсий тузумда «КПССнинг раҳбарлик роли» ва «социалистик қонунчилик» кўришиларида намоён бўлганди»¹²⁴.

Бундан ташқари, сиёсий ҳокимиятни монополия қилиб олиш субъективизм ва волюнтаризмга йўл очади. Ҳокимият ваколатига эга бўлганларни бузади, фуқаролик жамиятини емиради ва узлуксиз бўхронларни муқаррар равишда келтириб чиқаради. Лорд Эктон таъбири билан айтганда: «Ҳокимият бузади, мутлақ ҳокимият эса мутлақо бузади». Шунинг учун «Нима бўлганда ҳам, давлат ҳокимиятини – умуман мутлақлашадиган ҳар қандай ҳокимиятни чеклаш зарур. Ҳокимиятнинг ўз қоидаларини киритишига уринишга тўсқинлик қилиб, барча учун мақбул бўлган қоидаларни қўллаб-қувватлаш лозим»¹²⁵.

Кўп partiyaийлик – фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисми. Жамиятда фаолият олиб бораётган турли ижтимоий-сиёсий гурӯҳлар манфаатлари, мақсадлари, эҳтиёжлари ва ниятлари айнан кўп partiyaийлик, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари орқали яққол аниқлашга эришилади. Кўп partiyaийлик принципини қонуний асосга қўйиш жамиятда барча сиёсий партиялар ва оқимлар вакиллари ўртасида мулоқотни ташкилий ва мунтазам равишда олиб бориш, сиёсий фаолиятнинг асосий демократик нормалари бўйича консенсусга эришиш ҳамда бу доирани кенгайтириш, сиёсий экстремизмни бартараф этиш имконини беради. Кўп partiyaийликнинг бирон-бир партия ёки гурӯҳ томонидан сиёсий ҳокимият-

¹²⁴ С.С.Алексеев. Право на пороге нового тысячелетия. М., «Статут», 2000, 74-бет.

¹²⁵ А. Шайо. Самоограничение власти (Краткий курс конституционализма). М., «Юрист», 1999, 18-бет.

нинг монополия қилиб олинишига тўсқинлик қилиш функциясини ҳам унутмаслик даркор.

Шунинг учун ҳам, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Ўртбошимиз ўзининг дастлабки дастурий асарларидан бири – «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли» китобида одамларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш шаклини танлаш эркинлигини кафолатлаш шартларидан бири – чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўп партиявийликни амалда шаклантириш эканлигини алоҳида эътироф этади.

Кўп партиявийлик жамиятга таҳдид соладиган барча мусибат ва хавф-хатарлардан қутқариб қолувчи куч эмаслигини ҳам ёдда тутиш керак. Кўп партиявийлик асло сиёсий фаолият кафолати эмас, балки сиёсий рақобат учун зарур бўлган дастлабки шарт-шароитни яратиб беради.

Чинакам кўп партиявийликни шаклантириш учун муайян шарт-шароит мавжуд бўлиши тақозо этилади. Бундай шарт-шароитнинг йўқлиги ёки аниқ тарихий вазиятда етукликнинг камалиги якка партиянинг сиёсий ва мафкуравий монополиясидан кўп партиявийликка ўтиш жараёнида ўз изини қолдиради. Шунингдек, бу ҳол мамлакатимиизда кўп партиявийлик тизимини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳар қандай мулоҳаза юритишда ҳисобга олиш зарур бўладиган бир қатор муаммолар ҳамда зиддиятларни келтириб чиқаради.

Жамият иқтисодиётининг кўп укладилиги, ўзига хос ижтимоий манфаатларга эга, тегишли сиёсий-ҳокимият муносабатлари орқали қўллаб-қувватланиши ва рўёбга чиқарилишини талаб қилувчи гуруҳлар шакланганлиги кўп партиявийликни *вужуга келтиришнинг* туб объектив шартидир. Жамиятни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан хилма-хил қилишнинг бу йўналиши сиёсий плюрализм сари құдратли илҳомбахш рақобатдир, кўп партиявийлик эса унинг таркибий қисмларидан биридир.

Чиндан ҳам «Плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамиятга хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз гояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илфор, кучли ва ҳаётбахш бўлади»¹²⁶. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида таъкидланганидек, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Сиёсий тизимнинг демократик тарзда фаолият кўрсатишига кафолат берувчи конституциявий қоидалардан бири мухолифат ҳуқуқларининг таъминланиши билан боғлиқ. Асосий қонун 34-моддасининг 2-қисмига биноан, «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимииятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас». Бу қоидалар фуқаролик жамияти учун табиий ҳол бўлиб, сиёсий рақобатни рӯёбга чиқаришда, шубҳасиз, катта роль ўйнайди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, айниқса, демократик ривожланиш тажрибаси билан кам таниш бўлган жамиятда кўп partiyaвийликни шакллантириш жараёни оддий, беозор кечмайди. Чунки кўп partiyaвийликни жамиятга бир онда сингдириб бўлмайди.

Чинакам кўп partiyaвийлик фақат рўйхатга олинган бир нечта сиёсий партия мавжуд бўлишидангина иборат эмас. Бу аниқ ишловчи, созланган тизим бўлиб, унда сиёсий партиялар teng ҳуқуқий шароитга эга бўлади, жамиятнинг асосий гурӯҳлари ва қатламлари-

¹²⁶ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Т., «Янги аср авлоди», 2002, 129-бет.

га таъсир кўрсатиш учун ҳалол рақобат олиб боради; бу – ҳокимиятда партиялар сайловчиларнинг аниқ ифодаланган иродасига боғлиқ ҳолда алмашиниши принципи таъминланадиган тизим. Бундай тизимни яратиб, йўлга қўйиш – фавқулодда мураккаб ва вақт жиҳатидан узоқ давом этадиган вазифа. Уни ҳал қилиш учун муайян шарт-шароит мавжуд бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, партиялар ҳокимият тузилмалари билан ҳалқ ўртасида, давлат билан жамият ўртасида боғловчи бўғин сифатида намоён бўладиган чоғда кўп партиявийликнинг моҳиятини, ушбу ҳодисанинг ўзини фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг ажралмас шарти сифатида англаш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боис **ҳокимиятнинг моҳиятини** жамият барча қатламларининг бирон-бир умумий мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш йўлидаги **ўзаро муносабати сифатига** тушуниш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам долзарб саналади. Айни чоғда бу жараён, Ўзбекистонни ривожлантириш ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, минтақада ҳамда бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакатда истиқомат қиласидиган барча халқларнинг фаровонлигига, маънавий тикланиши ҳамда равнақ топшиига эришиш мақсади билан ҳам чамбарчас бөғлиқдир. Шу маънода мамлакатимиз Президентининг қуийдаги сўzlари ғоят ибратлидир: «Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўп партиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий. ... Сайловларда сайловчиларга берилган ҳуқуқ – ўз овозини, ўз хоҳиш-иродасини билдириб, икки-уч номзоддан битта номзодни танлаб олиш ҳуқуқи ҳаётимизнинг янги босқичига қадам қўйиш билан баробар.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, ... қайси партия олдига қандай вазифа қўйил-

масин – улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, ...ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика кенгашларида ўзлари берган ваъдаларни, дастурларни амалга оширишга куч-файратини бағишлиш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш – бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим»¹²⁷.

Бинобарин, республикамиз ривожланишининг ушбу босқичида партиялар юзага келиши ва қарор топишининг муҳим жиҳати уларнинг сафига имкон қадар кўп аъзоларни жалб этишдан эмас, балки жамият ижтимоий қатламларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлар, мақсадлар, ижтимоий технологияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Чунки ўзгаришлар ва ислоҳотлар тарафдорларининг ижтимоий негизини партиявий тузилмалар ўз-ўзидан эмас, балки турли партиялар томонидан ишлаб чиқиладиган ва жамиятга тақдим этиладиган жозибадор инновациян ғоялар бирлаштириши мумкин.

Президент И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида уқтириб ўтганидек: «Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши даркор.

Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим.

¹²⁷ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 350-351-бетлар.

Амалдаги кўп partiya вийлик — бу ҳар хил қарааш ва foялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир»¹²⁸.

Шуни алоҳида таъкидаш жоизки, мухолифат сиёсий институт сифатида сиёсий рақобатнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун нормал ҳолдир.

Очиғини айтганда, ҳозирги замон демократик давлатлардаги сайлов кампаниялари амалиёти ҳар қандай сайлов — сиёсий партиялар рақобати эканлигини кўрсатмоқда. Чиндан ҳам унда партиялар сайлов жараёнининг асосий субъектлари сифатида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу боис демократиялаш жараёни кўп partiya вийлик тизимининг қарор топиши ва ривожланишини ўз ичига олади. Сайловлар бу жараённинг муҳим қисми бўлиб, демократик тизимни шакллантиришда қурдатли рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Бу эса ниҳоятда муҳим.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сайловларда сайловолди кураши ва ташвиқоти муҳим ўрин тутади, бу ҳол муайян даражада сиёсий рақобатнинг савиясини ҳам белгилаб беради. Маълумки, сайловчиларни сайловда иштирок этишга ундашга йўналтирилган саъи-ҳаракатлар сайловолди ташвиқот саналади. Аслида «сайловолди ташвиқоти» ҳуқуқий тушунчасига «сайловчиларни сайловда иштирок этишга ундаш» мақсадининг юкланиши юқоридаги каби салбий ҳодисаларга қарши курашиш омилидир.

Ташвиқот қўпол равиша бузилган вазиятлар ҳам рўй бериб турадики, бу ҳар қандай ҳолатда қонун бузилиши ҳисобланади. Бунга большевикларнинг сайлов

¹²⁸ // Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — тираворда мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 333-бет.

ўтказиш эркинлигини, яъни сайловолди ташвиқотининг асосий принципини инкор этганлари ёрқин мисол бўла олади. Шўро замонида шу тариқа ушбу институтга хос бўлган барча демократик асослар расмийлаштирилиб, давлат назорати остига олинганди ҳамда ташвиқот КПСС сиёсатини ўтказиш воситасига айланганди. Сайловолди ташвиқоти муқобилсиз сайлов шароитида ўтказилар, бунда мусобақалашиш, ракобатлашиш принципи умуман амал қилмас эди. Бўлғуси депутатлар номи эса аҳолига олдиндан маълум бўлар, шу сабабли ташвиқот алоҳида расмий хусусият касб этиб, овоз бериш натижаларига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмас эди.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: *Ўзбекистон суверен демократик* республика, деган таъриф мустаҳкамлаб қўйилган. Тарихий тажриба гувоҳлик беришича, чинакам (ҳуқуқий) демократия халқнинг ҳокимиятга интилишидан кўра кўпроқ алоҳида шахснинг ҳар қандай ҳокимиятдан, шу жумладан демократик ҳокимиятдан ҳам эрkin бўлишга интилишидан келиб чиқади. Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида бу ҳақда тўхталар экан, жумладан, шундай деганди: «Ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андазаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳарарат қиласиган тизим бўлиб қолаверади»¹²⁹. «Демократия ҳодисаси айнан халқ ҳокимияти ва шахсий эркинлик ғояларини муросага келтириш натижасида юзага келади»¹³⁰. Бу ҳол амалда давлат ҳокимияти

¹²⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т., «Ўзбекистон», 2002, 325-бет.

¹³⁰ А.Г.Унпелев. Политология: власть, демократия, личность. М., 1989, 79-бет.

органлари бутун тузилмасига азалий юксак легитимлик бахш этувчи сайловлар жараёнида рўёбга чиқади.

К.Лефорт демократия табиатини изоҳлар экан, уни ҳокимият ҳалқ қўлида бўладиган тузум сифатида талқин қилиш етарли эмаслигини қайд этади. «Ҳозирги замон демократияси антик демократияга қараганда бошқача табиатта эга, — деб ёзди у. — Ижтимоий фикр зўравонлигини, ҳукуматлар бекарорлигини ва қачонлардир сарой фитналари деб аталган ҳодисаларни унинг айби сифатида қайд этиши мумкин. Бироқ уни, ҳеч бўлмагандга, қонунсизлик режими деб атаб бўлмайди. Бунда ҳалқ суверенитети конституция билан белгилаб қўйилган доирадагина амалга оширилади. Ҳалқ ҳоҳиш иродасининг бир бутун ҳолда изҳор этилиши мамлакат кўламига ҳам, фуқаролар сонига ҳам боғлиқ бўлмайди, балки, эркинлик ҳақидаги ҳозирги тасаввурлардан келиб чиқилса, ҳар ким бирон-бир гурӯҳ томонидан солинадиган таҳдидга, мавжуд ҳокимият томонидан қилинадиган тазийқ ёки хавф-хатарга дучор бўлмай, ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлади»¹³¹.

Ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлган ҳалқ — ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи¹³². Бироқ бу ҳокимиятни сайланадиган органларга бериш ҳалқ томонидан эмас, балки Ўзбекистон фуқароларига берилган сайлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш воситасида амалга оширилади. Айнан улар сайлов қонунчилигининг асосий адресати ҳамда давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг ягона соҳиблариidlар. Фуқаролардан ташқари, уларнинг иштирокисиз сайлов муносабатлари мавжуд бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда, сайловлардан кўзланган мақсадга сайлов ҳуқуқига бевосита

¹³¹ Кўчирма қўйидаги манбадан олиди: 50/50: Опыт словаря нового мышления. М., 1989, 464-бет.

¹³² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003, 4-бет.

эга бўлганларнинг эркин хоҳиш-иродаси бўлмагани ҳолда эришиб бўлмайди.

Ўзбекистонда инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири – эркин ва тенг сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган қонунчиликка катта эътибор берилаётгани, шубҳасиз. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунини, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунини, шунингдек, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунни келтириш мумкин. Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги умумий сайлов ҳуқуқи, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш, сайловларни тайёрлаш ва ўтказища ошкоралик, сайлов комиссиялари фаолиятини жамоатчилик назорати остида тутиш, депутатликка номзодлар ҳуқуқларининг тенглиги, сайловлар тўғрисидаги қонуларни бузган шахсларнинг хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш сингари принципларни ўзида етарлича гавдалантирганки, буларсиз демократик сайловларни тасаввур қилиб бўлмайди»¹³³. Бироқ бу борада ҳали кўп иш қилиш лозим бўлади.

Бизнингча, *биринчидан*, Конституциямизнинг 60-моддасида сиёсий партиялар демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузища фаол иштирок этиши мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-дэ, бироқ бирон-бир партиянинг низоми ва дастурида ҳокимият учун кураш ғоясининг акс этмаганлиги кишини таажжубга солади. Бу эса ҳар беш

¹³³ О. Мухамеджанов. Выборы и демократия // «Правда Востока», 2004 года 20 мая.

партия ўз низом ва дастурларини сиёсий рақобат нуқтаси назаридан қайта кўриб чиқишини тақозо этади. Қолаверса, партиялар сиёсий платформаси ранг-баранг эмаслиги ҳам эътиборни тортади. Масалан, жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи ривожланишимизнинг устувор жиҳатларидан бири унинг барча томонларининг эркинлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, бу барча партиялар учун сиёсий дастурламалга айланиб қолгандай таассурот қолдиради. Модомики шундай экан, биринчи навбатда, либерал йўналишдаги партияларга эҳтиёж кучлилигини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Иккинчидан, сиёсий партиялар қонун йўл қўйган воситалар ва усуслар доирасида рақобат олиб бориши зарур. Шуни ҳам айтиш керакки, парламент сайловларида ғалаба қозонган партиялар қонун лойиҳаларининг муқобил вариантларини тайёрлаши шарт, бу талаб парламентдан ўрин ололмаган партиялар учун ихтиёрий ҳисобланади. Яна бир истак шуки, парламент сайловларида ғалаба қозонган партияларнинг фақат ўзларигагина тегишли (яширин) кабинет (ҳукумат)лари бўлиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти, чунончи, парламент ва ижро этувчи ҳокимият органдарни фаолиятида фаол иштирок этадиган ва сайловлардә тайинланадиган мансаб лавозимларига ўз вакилларини тавсия этишлари керак, чунки улар сиёсий рақобатда, кураш майдонида чиниқкан, юксак даражада шаклланган етук кадрлардир.

Тўртминчидан, сиёсий рақобат сайловолди жараёнида энг муҳим хусусият бўлмоғи даркор. Шунинг учун ҳам «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун баъзи аниқликларни талаб этади. Жумладан, унинг 12-моддасида, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган

номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар, деб кўрсатилган. Сайловолди ташвиқоти таърифига сайловчиларнинг унда қатнашиш ёки ундан воз кечиш истаги киритилмаганлиги тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки, айниқса, сайловда иштирок этмаслик истаги фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларидан далолат беради. Қолаверса, сайловларда қатнашмаслик сайловчининг сайлов жараёнига, ҳокимиятга, у олиб бораётган сиёсатга бўлган муносабатининг ифодасидир.

Бешинчидан, сайловолди рақобати муносабатларида эркин оммавий ахборотни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабни қонунларда янада мустаҳкамлаш лозим. Жумладан, депутат бўлган шахсларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрў-эътиборини ҳимоялаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг жадаллаштирилган тартибини, раддияни эълон қилиш тўғрисида зудлик билан қарор қабул қилишни, раддия эълон қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ва бошқаларни мустаҳкамлаб қўйиш керак.

Олтинчидан, сайловолди рақобатининг қонунийлигини, эркинлигини, номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш шароити тенглигини, ошкоралик сингари асосий қоидаларни ўз ичига олувчи рўйхатни сайловолди жараёнини ахлоқ-одоб билан олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги талаб билан тўлдириш, назорат қилишни эса Марказий Сайлов Комиссияси ҳузуридаги маҳсус эксперталар кенгашига юклаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Умуман, сайловлар – хилма-хил ижтимоий институтларнинг асосийларидан биридир. Сайловлар орқали давлатда демократиянинг ҳолати аниқлаб олиниди ва ҳокимиятнинг легитимлиги (ҳокимиятнинг ҳалқ ишончини қозонгандаги) рўёбга чиқарилади. Мамлакатимиз Президенти иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясидаги маърузасида

сайлов тизимини такомиллаштиришнинг аҳамиятини қўйидагича ғоят аниқ ва лўнда ифодалаб берди: «Биз барчамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак. Давлат ва жамиятни бошқаришнинг мукаммал лойиҳасини қабул қилиш, уни Конституция ва қонунларда муҳрлаб қўйиш мумкин, албатта. Лекин биз ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ ҳоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гап бўлиб қолади»¹³⁴.

Президент Ислом Каримов 2004 йил 26 декабрда *икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловларга якун ясар экан*, қўйидагиларни таъкидлашни лозим топди:

Биринчидан, бўлиб ўтган сайловлар чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизmlарини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда яхши мактаб вазифасини ўтади.

Иккинчидан, биздаги икки палатали парламентта сайловлар ўtkазиш тизими мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаоллиги ва масъулиятини оширишга ёрдам берди.

Учинчидан, сайловларда сайловчилар ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигини, ўз ҳаёти, келажагини умумэтироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

Тўртинчидан, сайловлар мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин жамиятни барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракати ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган қонуний жараён эканлигини кўрсатди.

¹³⁴ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 225-бет.

Бешинчидан, бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан наинки очиқлиги ва кескин кураш олиб борилиши билан, балки, аввало, сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати билан ҳам тубдан фарқ қилди¹³⁵.

Сайловларга қисқача якун ясалгач, мамлакатимиз Президенти қўйидагиларни таъкидлади: «...жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни қисқача баён этишдир.

Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чукӯрлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришидир»¹³⁶.

Шу ўринда Президент ушбу мақсадларга эришиш учун «бошқариладиган иқтисод» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмаслигини қайд этишни зарур деб топди. Бунда мамлакатимиз раҳбари нимани назарда тутади? Гап шундаки, давлат иқтисодиётга аралашса, агар у бозор иқтисодиёти сифатида шаклланаётган бўлса, айниқса, гап хусусий сектор устида кетаётган бўлса, бу аралашув энг кам даражада ва асосланган бўлиши даркор. Демократияни бошқаришга келганда, демократия — бюрократиянинг эмас, халқнинг ҳокимияти эканлигини билиш даркор, шунинг учун давлат манфаатидан келиб чиқиб эмас, балки халқ манфаатидан

¹³⁵ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 31-33-бетлар.

¹³⁶ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 33-34-бетлар.

келиб чиқиб уни бошқариш зарур. «Шунингдек, ҳукуматнинг аҳоли билан алоқаси қанчалик мустаҳкам экани, улар ўртасида мулоқотнинг мавжуд ёки йўқлиги ҳам ғоят мұхым аҳамият касб этади. Энг ёмони, ҳокимият билан халқнинг муносабати кар билан соқовнинг «сўзлашуви»ни эслатадиган ҳолатдир. Бундай вазият масъулиятни зиммасига олган ҳокимият билан уни сайлаган халқ ўртасида вужудга келмаслиги керак»¹³⁷.

Ислоҳотларнинг ўзбек моделини ташкил этувчи мұхим жиҳати бўлган босқичма-босқичликка, изчиликка аввалгидек амал қилиш керак, деб ҳисоблайди Президент. Инқилобий методлар биз учун яроқсизлигини Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаган.

Ислом Каримов, шунингдек, қашшоқликка узил-кесил барҳам бермаганимиз учун бизни «демократияга пишиб етилмаган», деб ҳисобловчилар фикрига ҳам қўшилмайди. Шу муносабат билан Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли» асарида моддий фаровонликка эришгачгина маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деган фикрлар ҳақида айтганлари яна бир бор ёдга тушади: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнgra маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради»¹³⁸. Бу – ҳақ гап. Чунки бу масалалар мажмуйи ҳолда ҳал этилади, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини ўзаро шарт қилиб қўяди.

Мустақилликни, демократияни мустаҳкамлаш ва жамиятни янгилаш вазифалари биз учун биринчи

¹³⁷ И.А.Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005, б-бет.

¹³⁸ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 81-бет.

*даражали ва бирламчи вазифалар эканлиги маъру-
зада алоҳида таъкидланади.*

Бунда Президент *устувор вазифалар ва йўналиш-
ларга* эътибор қаратади. Улар бешта бўлиб, шу ўрин-
да ҳар бир вазифа ва йўналишга батафсил тўхталиб
ўтамиз.

**I. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг
муҳим вазифа – бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш
мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучай-
тириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тар-
моқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор муво-
занатга эришишдан иборат.**

Шу ўринда, Президентимиз ўзининг деярли барча
асарларида ва нутқларида ҳокимият бўлинниши прин-
ципига катта аҳамият билан қараб, ҳокимиятнинг би-
ронта ҳам тармоғини унутмаган ҳолда, қонун чиқа-
рувчи ҳокимиятни «тенглар орасида биринчи» сифа-
тида ажратиб кўрсатишини эсга оламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ло-
йиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Президент ҳақидаги бобни,
Франция ва бошқа қатор мамлакатлар конституция-
ларидағи каби, парламент тўғрисидаги бобдан олдин
жойлаштириш ҳақида таклифлар билдирилди. Консти-
туциявий Комиссия Раиси Ислом Каримов бунга қатъ-
иян эътиroz билдириб, Ўзбекистон Конституциясида
парламент ҳақидаги боб Президент ҳақидаги бобдан
олдин келиши керак, деб таъкидлади. «Қонунга ва уни
қабул қилувчи органга ҳурматимиз шунда намоён
бўлади», – деди у.

*Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъси-
рини кучайтириш масаласини қандай ҳал қилиш
мумкин?* Президент фикрича, бунинг учун:

а) Президент ваколатларининг бир қисмини Пар-
ламентнинг юқори палатаси – Сенатга ва ҳукуматга
ўтказиш; профессионал, доимий асосда ишловчи қўйи

— Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

б) Бош вазир ва умуман ҳукуматнинг роли ҳамда масъулиятини кучайтириш;

в) суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини қонун билан мустаҳкамлаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гап қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини ошириш ҳақидагина эмас, ҳокимиятнинг барча тармоқлари, яъни ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятини бир вақтнинг ўзида мажмуий ислоҳ қилиш зарурлиги тўғрисида ҳам бормоқда. Бу — ғоят тўғри ёндашув.

Айни пайтда Ислом Каримов маърузада икки палатали парламент барпо этилгач, унинг мақсадли вазифаларини қўйидагилардан иборат, деб ҳисоблайди:

Биринчи. Парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

Иккинчи. Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш.

Учинчи. Сенат асосан ҳудудлар вакиллиги вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.

Тўргинчи. Аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш.

Буларнинг барчаси мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзловчи «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим принципни рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Бунинг учун нималар қилиш лозим?

«**Авваламбор**, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўtkазишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий

хужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш.

Яна бир муҳим вазифа – ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йигинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда қучайтириш лозим»¹³⁹, – деб асосли равища ҳисоблайди Ислом Каримов.

Бунинг учун, биринчи навбатда, республикада амал қилиб турган қонунларни таҳдил қилиш ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларини бошқариш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак. Бу ўринда гап, энг аввало, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, турли хайрия, ижодий жамғармалар, уюшмалар фаолияти ҳақида бормоқда.

Тўғри, ҳозиргача уларнинг фаолияти «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун билан бошқариб келинди. Бироқ мамлакатда сиёсий жараённинг ўзи шу қадар жадал ривожланмоқдаки, қонун замон талабрага жавоб бермай қўйди. Шу муносабат билан Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзgartiriшларни киритиш, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»ги, «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар уюшмалари ҳамда бирлашмалари тўғрисида»ги, «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши мұҳимлигини қайд этди.

Бу фикр Президентнинг нутқларида кўп марта айтилганини таъкидлаш муҳим. Чунончи, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида (2002 йил 4 апрель) мамлакатимиз Президенти ушбу масаланинг долзарблиги ва шошилинчилигини қайд этганди. Жумладан, «Нодавлат, жамоат тузилмалари

¹³⁹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамияти демо-кратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 39-бет.

ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш пайти келди», деганди. Унда нодавлат тузилмаларни қўллаб-кувватлаш учун қонун асосида маҳсус молиявий жамғармалар ташкил этиш, уларни шакллантириш тартиби ҳам кўзда тутилиши лозим.

Айни пайтда нодавлат, жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришга оид бошқа иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизmlарни ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Булардан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, жамоатчилик, кенг омманинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ва шу билан бирга, уларнинг давлат ва жамиятни бошқариш масаласига кўпроқ жалб қилишдир.

Иккинчидан, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш. Бунинг учун партиялар аҳоли ўргасида обрў-эътибор қозониш борасида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва ўзининг доимий сайловчиларига эга бўлиши даркор. «Мен шу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гурӯҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман»¹⁴⁰.

Бу ўринда гап фуқаролик жамияти ҳаёт фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсий иштирок соҳаси ҳақида бормоқдаки, унда ўз хусусий манфаатларига мувофиқ уюшган кишилар айни маҳалда давлат ҳокимиятини

¹⁴⁰ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 40-бет.

шакллантиришда иштирок этаётган фуқаролар сифатида намоён бўлишади.

Сиёсий иштирок соҳаси фуқаролик жамиятининг сиёсий бўлмаган соҳасини давлатнинг сиёсий соҳаси билан боғлайдиган тизимдан иборат. Бироқ сиёсий бирлашмаларгина сиёсий деб аталади, холос. Аслида улар индивидлар ҳамда ижтимоий гурӯхларнинг хусусий манфаатларини ифодаловчи ҳамда ўз-ўзича сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган ва эга бўлолмайдиган жамоат бирлашмалариdir. Улар сиёсий ҳокимиятга муайян даражада *тасъир кўрсатади*, холос. Лекин сиёсий ҳокимиятда (давлат ҳокимиятида) улар давлат аппарати орқалигина иштирок эта олади.

Бинобарин, фуқаролик жамияти тўғрисида демократия элементи сифатида фикр юритиш мумкин ва лозим. Шунинг учун фуқаролик жамияти ҳатто унчалик жисплашмаган вазиятда ҳам долзарб ҳисобланади. Чунки фуқаролик жамиятисиз ҳозирги Ўзбекистонда ўсят зарур бўлган сиёсий ҳамжамият таркиб топа олмайди. Лекин фуқаролик жамияти категориясида давлатга қарши туришга эмас, балки жамиятнинг интеграциялашганилигига, айнан олганда, ҳудудий интеграцияга, миллий интеграцияга ургу бериш керак. Элита билан омма ўртасидаги интеграцияга, қадриялар бўйича интеграцияга ва, ниҳоят, давлат фаолияти мақсадларини аниқлаш нуқтаи назаридан хулқ-атвор борасидаги интеграцияга ургу бериш лозим.

Жамият ва фуқаролар томонидан давлат идоралари, энг аввало, маъмурий органлар устидан назорат ўрнатиш бутун дунёда қонун бузилишининг, ваколат ҳамда вазифалар суиистеъмол қилинишининг, шунингдек, ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорлар қабул қилинишининг олдини олишга қаратилган чора сифатида эътироф этилади.

Айни чоғда маърузада Президент ноҳукумат жамоат тузилмаларининг шаклланиши жараёнидаги ай-

рим камчиликларни танқид қилди. Бу камчиликлар шундан иборатки, бир қатор ҳолатларда турли ҳомийлик кўмагида тузилган айрим ноҳукумат нотижорат ташкилотларнинг фаолияти уларнинг низом ва дастурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда, бу эса қонунчилигимизга зиддир.

Бундан ташқари, «биз мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қаршимиз»¹⁴¹.

Бизнингча, бундай жамиятнинг асосий сиёсий институти парламентdir. Фақат у фуқароларнинг сиёсий фаолигини юзага келтиришга қодир, улар ўз манфаатларини англашларигагина эмас, балки бу манфаатларни ўзаро келиштиришга ҳам имкон яратади. Парламент бозордан ҳам кўра кўпроқ фуқаролик жамияти учун зарур. У, агар сохта эмас, балки ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлса, бундай жамият куришда жуда муҳим сиёсий восита ҳисобланади.

II. Биз ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тизимиини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси одил судловни амалга ошириш соҳасида туб ўзгартиришлар қилишни – уни давлат ҳокимиятининг чинакам мустақил ва эркин тармоғига айлантиришни талаб этади. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил ва эркин тармоғи сифатида самарали фаолият кўрсатишни тъминлаш муаммоси тўлиқ ҳал этилиши даркор.

Суд ҳокимияти – давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи бўлиб, давлат ҳокимияти механизмида алоҳида аҳамият касб этади.

Фақат суд ҳокимияти (қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам, ижро этувчи ҳокимият ҳам эмас) одил судловни

¹⁴¹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва яшгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 42-бет.

амалга оширади. Суд мустақиллигининг кафолати ҳам, фуқаролар ва умуман давлатчилик ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолати ҳам айни шунда. Зеро, суд адолат-парварлик принципини рўёбга чиқаришигина эмас, балки қонун ижодкорлиги жараёнида муайян даражада ҳакам сифатида ҳам намоён бўлиши даркор. Бинобарин, суд ҳокимиятнинг бир йўла бошқа икки тармоғига нисбатан ҳам «чеклаш ва мувозанат» тарзида рўй кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимиятнинг ушбу тармоғига «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб номланган XXII боб бағишланган. Унинг 106-моддасида:

«Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», — дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асосли равищда қайд этганидек, *авваламбор*, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг мұхим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалиётига татбиқ қилинди. Булар қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

а) судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди;

б) қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институти жорий этилди;

в) тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсада сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди.

Иккинчидан, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди, суд қарорларини ижро этиш бўйича департамент фаолият кўрсатмоқда.

Учинчидан, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчиллик нормалариға зарур ўзгартишлар киритилди. Умуман, прокуратура органлари, давлатимиз раҳбарининг фикрича, «жазоловчи идора эмас, биринчи навбатда, фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат тазиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак. Тасаввур қилиб кўринг, одамларнинг онгида чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, ҳуқуқ-тартибот ходими, бутун аддия идоралари давлат манфаатларини эмас, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига эришиш учун қанчалик катта, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш даркор»¹⁴².

«Бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда»¹⁴³, – бу ижобий ҳолдир.

Тўртминчидан, мамлакат жиноий қонунчилигини эркинлаштириш бўйича муҳим чоралар амалга оширилди.

Бешинчидан, жиноятлар таснифи ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ва ижтимоий хавфли бўлмаган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли дарражада кенгайтирилди.

Олтинчидан, одил судловни амалга ошириш шакли бўлган ярашув институти жорий этилди.

Бироқ Ислом Каримов суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда амалга оширилган барча ишларни қайд этгани ҳолда, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор этиб бўлмаслигини алоҳида уқтириб ўтди.

«Суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қону-

¹⁴² И.А.Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, доб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 18-бет.

¹⁴³ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 44-бет.

ний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлизилиги ни чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишилдири¹⁴⁴.

Жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни кўриб чиқиш зарурати ҳам ҳал этилмаган яна бир муаммодир.

Шунингдек, чет эл тажрибасини ҳисобга олиб, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш бўйича тадбирлар белгиланмоқда. Бироқ бу жараён оддий бўлмасдан, ҳам суд тизими, ҳам ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органлари томонидан пухта ишлаб чиқилиши даркор.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнига ҳал этилиши лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бунда гап ўлим жазосига мораторий қўллаш ҳақида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бориши лозим. Мустақиллик йилларида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 дан 2 тагача қисқарди. Эндиликда террорчиллик ҳамда оғирлаштирувчи вазиятларда қасдан одам ўлдириғанлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Бунинг учун камида икки-уч йил вақт керак. Биринчи навбатда, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Чунки бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши. Иккинчидан, умрбод қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинадиган шахслар учун тегишли жойлар қуриш керак бўлади.

¹⁴⁴ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Т., «Ўзбекистон», 2005. 47-бет.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги хайрли қадам бўлди, десак, асло янгишмаган бўламиз.

Президент Ислом Каримов ўз маърузасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталади. Албаттаги, Юртбошимиз бу соҳада хизмат қиладиган ходимларнинг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол, сидқидилдан бажариши бутун ҳокимиятнинг обрў-эътибори ва ҳалқимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилашини ўз чиқишлиарида қайта-қайта тилга олади. Айни пайтда давлатимиз бошлиғи мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг даражаси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот органлари тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан борлиқ, деб ҳисоблайди.

Яна бир масала. Президент барча, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари тадбиркорлик, бизнес ва хуссий сектор вакилларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириши кераклигига эътиборни қаратади. Гап шундаки, уларнинг фаoliyatini aйбситиш шўро мустабид тузуми давридан сақланиб қолган. Эндиликда, деб ҳисоблайди Ислом Каримов, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди. Улар учун шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин меҳнат қила олсинлар¹⁴⁵.

¹⁴⁵ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Т., «Ўзбекистон», 2005, 50-51-бетлар.

III. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жа-раёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркин-ликларини таъминлашнинг ўоят муҳим шарти – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишdir.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳокимиятнинг «тўртинчи тармоғи» сифатидаги ролига Ўзбекистон Президенти катта аҳамият бериб келган ва ҳозир ҳам шундайлигини қайд этиб ўтиш зарур. Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаёқ (бундан деярли 10 йил аввал) у оммавий ахборот воситалари фаолиятини кескин танқид қилганини эслаш кифоя. Жумладан, Ислом Каримов шундай деганди: «**Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти.** Улар шу пайтгача ўзларини «тўртинчи ҳокимият» сифатида намоён қилганлари йўқ»¹⁴⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари олдига бутунлай янги вазифалар қўйганлигини таъкидлади. Улар аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим. Унинг фикрича, оммавий ахборот воситалари халқ хоҳиш-иродасини холис ифодалаши, инсон манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлиши керак.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари тўрачилик, коррупция, мустабидик психологияси, боқимандалик психологияси йўлида ғов бўлиши, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислоҳотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилиш воситаси бўлиб қолиши лозим.

¹⁴⁶ И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997, 124-бет.

Аммо, давлатимиз бошлигининг фикрича, ўша вақтда оммавий ахборот воситаларимиз замонавий иш усуллари ва шаклларини эгаллаб олмаган, уларнинг фаолияти умумқабул қилинган халқаро мезонларга мос эмасди.

Ислом Каримов нимага асосланиб бундай хуносага келганди? Ушбу саволга Юртбошимиз ўз маърузасида тўғридан-тўғри жавоб берганди: «Матбуот саҳифала-рида ва телевидениеда чуқур таҳдилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқдалар»¹⁴⁷.

Мамлакатимиз раҳбари бунинг сабабини профес-сионал журналист, сиёсатшунос, шарҳловчи кадрлар етишмаслигида, деб ҳисоблайди. Уларнинг кўпчилиги-да тажриба, дадиллик етишмайди; зиммага масъулият олишдан чўчиш, эскича фикр юритишдан холос бўла олмаслик, қатъият ва принципиаллик етишмайди.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ушбу сесси-яда оммавий ахборот воситаларининг ҳукуқий неги-зини мустаҳкамлаш таклифи билан чиқди. Жумладан, Олий Мажлисга «Ахборотдан фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Матбуот эркинлиги тўғрисида»-ги қонунлар лойи-халари устида ишлашни таклиф қилди.

Бундан ташқари, Ислом Каримов қўйидагиларни уқтириди: «Биз ахборот воситаларидағи танқидий чи-қишиларга ўз муносабатимизни тубдан ўзгартириши-миз лозим. Танқиддан кейинги муносабатимиз жур-налистга ва таҳририятга маъмурий тазийқ ўтказиш тарзида бўлмаслиги керак, ҳозир эса баъзан шундай бўялпти. Аксинча, нуқсонларимиздан қутулишда биз-

¹⁴⁷ И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр таълаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997, 124-бет.

га кўмаклашаётган, мамлакатимиз тақдири, ислоҳотлар тақдири учун жонбозлик қилаётган қаламкашларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашимиз керак»¹⁴⁸.

«Оммавий ахборот воситалари, – деди Президент, – демократлашириш йўлининг, ислоҳотлар йўлшининг фаолтарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур»¹⁴⁹.

Президентнинг маърузаси оммавий ахборот воситаларига жиҳдий таъсир кўрсатди. Уларнинг сонигина эмас, балки матбуот ва ахборот маҳсулотининг сифати ҳам ошди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини диққат билан кузатиб келган Президент шундан кейин уч йил ўтгач, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўрттинчи сессиясида (1999 йил) бу борада қўйидагиларни айтиб ўтди: «Оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораётганини ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Бу жараённи биз табиий ҳол, деб қабул қилмоқдамиз. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмасдан – ҳозир 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган – жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ҳам ортиб бормоқда»¹⁵⁰.

Айни маҳалда Ислом Каримов қонунлар ва қонун хужжатлари устидан назоратни, амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратди. У оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини, давлат ҳокимияти фаолиятига аралашувига қадар оширишни таклиф қилаётгани кўриниб турибди.

Бундан ташқари, уларга ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар

¹⁴⁸ И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997, 125-бет.

¹⁴⁹ Ўша жойда.

¹⁵⁰ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 390-391-бетлар.

бўлиш масъулияти юкланмоқда. Бошқача айтганда, оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб боришга даъват этилмоқда.

Бир йилдан кейин, Ўзбекистон Президенти иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (2003 йил) маъруза қилар экан, сиёсий соҳада эркинлаштириш қатъиян зарурлигини таъкидлаб, бунинг учун «фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш» лозимлигини таъкидлади. У шундай фикрларни билдириди: «Бунда, мен яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак.

Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демақдир»¹⁵¹.

Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида маъруза қилар экан, мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини бундан буён ҳам либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш зарурлигини қайд этди.

«Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан, – дея қайд этди Президентимиз, – мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва

¹⁵¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 334-бет.

тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади»¹⁵².

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, жамоатчилигимиз ўртасида ахборот эркинлигини таъминламасдан, одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга эга бўлмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини алоҳида таъқидлади.

Ушбу йўналишда нималар қилиш лозим?

Биринчидан, аввало, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак. Матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолати бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рақобат таомилларининг ривожланишидадир.

Президентимиз бунинг учун **оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича**¹ мустақил жамоатчилик фондини тузиш зарур, деб ҳисоблайди. Лекин бу – оммавий ахборот воситалари фақат ушбу фонд маблағлари ҳисобидан фаолият юритади, дегани эмас. Улар ўз фаолиятлари ҳисобидан вужудга келадиган молиявий манбаларга ҳам эга бўлиши лозим.

Фонднинг молиявий асосини эса ҳам ички, ҳам ташқи, шунингдек, давлат ва нодавлат тижорат тузилмалирининг ҳомийлик маблағлари ташкил этмоғи керак.

Иккинчидан, давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениесини босқичма-босқич шакллантириш масаласини ҳал этиш лозим.

¹⁵² И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 52-бет.

Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат теле-радио студияларининг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чоратадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш даркор.

Замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этиш, вилоят телеканаллари ва студиялари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларда ишлатган ходимларнинг касб маҳоратини ошириш зарур.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қиувлечи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораёттани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»¹⁵³.

IV. Навбатдаги ўта муҳим масала – ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақида.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўйшма мажлисидағи маърузада кўтарилиган ушбу масалани кўриб чиқишга киришишдан олдин давлатимиз бошлигининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги (2000 йил) маъруzasига мурожжат этайлик. Унда ташқи сиёсатимизга қўйидагича таъриф берилган: «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятининг асосини давлат миллий манфаатларининг устуворлиги, халқаро ҳукуқ мезонлари, тенглик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча баҳсли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш каби жаҳон

¹⁵³ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 56-бет.

миқёсида эътироф этилган тамойиллар ташкил қила-ди»¹⁵⁴.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти истиқололга эри-шилгач, ташқи сиёсатнинг дарҳол белгилаб олинган **асосий вазифалари** бундан буён ҳам ўзгармасдан қолишини таъкидлади. Айни чоғда қўйидагилар таш-қи сиёсатнинг **энг муҳим йўналишлари** сифатида бел-гиланди:

а) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш;

б) кўп йиллар чўзилиб келаётган, натижада гиёх-ванд моддалар, халқаро террорчилик, қуролларнинг ноқонуний тарқалиши хавфи сақланиб қолаётган аф-ғон муаммосини ҳал қилиш;

в) Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши¹⁵⁵.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи маъруzasида Президент Ислом Каримов: «Бугун ҳеч муболағасиз, фурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатими-з дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади», – деб қониқиш билан таъкидлади.

Бу обрў-эътибор нималарга боғлиқ? Давлатимиз раҳбарининг фикри қўйидагича:

а) юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ис-лоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга кири-тилаётган ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганига;

б) давлатимизнинг минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус-ларига;

в) мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чу-

¹⁵⁴ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 345-бет.

¹⁵⁵ Ўша жойда.

кур ўйланган ташқи сиёсатининг натижасига боғлиқ¹⁵⁶.

Маърузада ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб *2005 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари* белгилаб берилиди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари: «Биз ҳалқаро муносабатларни мафкуралаштиришга бўлган ҳар қандай уринишга қатъиян қаршимиз.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз»¹⁵⁷, – деб алоҳида қайд этди.

Марказий Осиё минтақасидаги интеграция ва бозор ўзгаришлари жараёнлари *алоҳига аҳамият касб этиаги*, деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Бу жараён улар хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб этишга ва минтақанинг равнақини таъминлашга қодирдир.

Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда, минтақада стратегик мавҳумлик, ҳалқаро террорчилик хавфи ва гиёхванд моддалар тарқалиши сақланиб қолаётганига *эътиборни қаратди*. Бироқ бу иллатга қарши фақат жазолаш чора-тадбирлари билан эмас, балки, биринчи навбатда, Афғонистон иқтисодиётини чукур таркибий ўзгартириш, аҳолини тинч ва бунёдкорлик мөҳнати билан банд этиш орқали курашиш зарур.

¹⁵⁶ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 57-бет.

¹⁵⁷ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 58-59-бетлар.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар тузилмалари билан ҳамкорлигимиз *хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти* ҳисобланади, дейди Ўзбекистон Президенти. Бироқ Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги *вазифаларини ҳал этишда* Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантирганига алоҳида аҳамият қаратилади. Зотан, унинг фикрича, жаҳон майдонидаги мутлақо янги ўзгаришлар БМТ тузилмаларини, биринчи навбатда – Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибий қайта кўриб чиқишини тезлаштиришни тақозо этади.

Биз Европа қитъасидаги *ЕХХТ, Европа Иттифоқи ва НАТО* каби тузилмалар билан *муносабатларни мустаҳкамлашдан* манфаатдормиз, деб таъкидлади у.

Шунингдек, Юрганбай Каримов мазкур ҳамкорликни ишлаб чиқардиганда қайд этади: «Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади»¹⁵⁸.

Айни пайтда Президент Ислом Каримов мазкур жиҳатларга ҳам диққатни жалб этади: «Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин туладиган давлатлар – АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради.

¹⁵⁸ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 63-бет.

Биз Жанубий Корея Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатганмиз»¹⁵⁹.

Ушбу маъruzанинг ташқи сиёсат борасида сўз кетган ўринларида мамлакатимиз Президенти **халқаро терроризмга** қарши кураш муаммосига алоҳида ўрин беради. Гап шунчаки, терроризм ҳақида эмас, балки айнан халқаро терроризм ҳақида бораётганига эътибор беринг. Нима учун бу муҳим? Бу саволга жавобни Юртбошимиз Россиянинг «Независимая газета»си саволларига берилган жавобдан топамиз. Ислом Каримов, жумладан, бундай деди: «Халқаро терроризм» тушунчаси 2001 йилнинг 11 сентябрiddан айниқса урф бўлди. Бироқ бундан анча аввал ҳам Италияда «қизил бригадалар» ва Германияда Баадер-Майнхоф гурӯҳи бор эди... Бу ҳақда бугун Европада эслашни ёқтиришмайди. Нима учундир фақат ҳозирги кунга келиб Афғонистоннинг наинки Европани наркотиклар билан таъминлайдиган асосий манба эканлигини, балки энг ашаддий террорчиларни тайёрлайдиган полигон ҳам эканлигини ҳамма бирданига англаб етди. Ҳолбуки, мен бу масала ҳақида анча илгари гапирганимда, менга лоқайдлик билан «Бу сизнинг муаммоингиз», деб жавоб беришган эди...»¹⁶⁰.

Худди шу фикр Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzada ҳам айтиб ўтилди: «Биз наркоаггрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм учун ҳеч қандай «транзит» мамлакат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблаймиз. Ишончим комил, бундай тажовузкор куч-

¹⁵⁹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 63-64-бетлар.

¹⁶⁰ И.А.Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 29-бет.

лар билан «ўйин» қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четта олишга ҳар қандай уриниш катта хатодир.

«Сен менга тегма — мен сенга тегмайман» деган ақидага асосланган тактика тобора хавфли тус олиб, авваламбор, шундай позицияда турган мамлакатларнинг ўзи учун ўтга хатарли бўлиб бормоқда»¹⁶¹.

Ўзбекистон Президенти терроризм, диний мутаасиблик муаммосига қайта-қайта мурожаат қилганини айтиб ўтиш даркор. Чунки у масаланинг муҳимлигини ва унга беписандлик оқибатида келиб чиқадиган фожиани яхши тушунади. Шу ўринда терроризм ҳақида бир оз батафсилоқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиласиз.

Биз оддий бўлмаган, шу билан бирга, нотинч дунёда яшамоқдамиз. Оммавий ахборот воситалари ер куррасининг турли жойларида даҳшатли портлашлар юз бергани, одамлар ўғирланиб, зўравонлик ва террорчилик содир этилгани ҳақида деярли ҳар куни хабар беришади. Бу воқеалар доимо бизда ҳамдардлик туйғусини ўйғотади. Бироқ 1999 йил 16 февралга қадар бу воқеалар бизда юз бермайдигандек туюларди. Мустақилликнинг етти ичида айнан бизнинг мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва бир-бини тушуниш ҳукмрон, деб ҳисоблаб, шунга қўнишиб кетгандик. Маълумки, одатланиш кўпинча ютуқлар қадрсизланишига, хотиржамликка, огоҳлик ва ҳушёрликни унутишга олиб келади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқларида воқелигимизни енгил-елпи идрок этмаслик лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эди. Шу ўринда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини эслашнинг ўзи етарли. Хавфсизликка таҳдид... Бу огоҳлантиришни биз лозим даражада жиддийлик билан қабул қила олдикми?!

¹⁶¹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 66-бет.

Ислом Каримов ўша машъум воқеа (16 февраль)дан бир неча кун олдин «Туркистон» газетаси мухбири-нинг саволларига жавоб берар экан, энг аввало, «...янги тизимга ўтиш кўпчилик йўлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан... Бугун, орадан етти йил ўтиб, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади», деб огоҳлантиришни зарур деб топди. Мамлакатимиз Президенти дин муаммосига, виждан эркинлиги ва динга эътиқод қилиш масаласига, диний мутаассиблик ва унинг энг даҳшатли кўриниши бўлган экстремизмга қарши курашиш зарурлигига алоҳида аҳамият беради.

Шу муносабат билан Президентимиз қуидагиларни мудом таъкидлаб келади: «Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиласиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири – бу Аллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чалғитиб, ўз ғаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш – дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қўлсин»¹⁶².

Айни пайтда Юртбошимиз Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам ушбу масалага яна бир бор тўхталиб

¹⁶² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 300-бет.

ўтди: «...яна бир бор таъкидламоқчиман: биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз – ислом дини билан боғлашдек ҳавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва иғвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда «Ал-қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади»¹⁶³.

Зеро, Ислом Каримов қайд этганидек, «буғун ислом динининг ичидаги кескин қарама-қаршилик мавжуд. Шу муносабат билан бор куч ва салоҳиятни сафарбар этган ҳолда, маърифатли бағрикенг ислом динига мусулмонликни ниқоб қилиб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган жангари, мутаассиб кучларга қарши курашишда ёрдам бериш даркор»¹⁶⁴.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш»¹⁶⁵. Президентнинг ушбу фикрлари мазкур мавзу бўйича ўз мулоҳазаларимизни баҳам кўришга ундади. Шу боис тарихга мурожаат қилиб, бу масала унча оддий эмаслигини ва кўп асрлар давомида инсониятни ҳаяжонга солиб келганини, лекин эркинлик ва демократия учун курашда виждан эркинлиги ҳамда давлатнинг дунёвийлиги муқаррар шарт бўлиб келганини кўрсатиб беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

¹⁶³ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 65-бет.

¹⁶⁴ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 65-66-бетлар.

¹⁶⁵ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 52-бет.

Турли мамлакатларда дин билан муносабат турли вақтларда турлича бўлган ва уларда диннинг роли ҳам ҳар хил бўлган. Шундай бўлса-да, ҳозирги тараққий топган дунёнинг деярли барча давлатлари ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги, руҳан эркин ривожланиш ҳуқуқи, дин борасида ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқи фикрловчи мавжудот бўлган ҳар қандай инсон учун ажралмас олий неъмат эканлигини сўзсиз тан оладилар. Чунки дин, ибодат, диний қарашлар эркинлиги маъносидаги виждан эркинлиги умуман фикр эркинлигига олиб келади. Ҳақиқатни англашга, уни эълон қилишга интилишни бўғиб, йўқотиб бўлмайди. Албатта, Галилейни йўқотиш мумкин, бироқ «Ер барибири айланаверади».

Бу ҳақиқатлар оддийга ўхшаб кўринади. Бироқ инсоният бунгэ етишиш учун қанчадан-қанча фожиаларга дучор бўлинган ва катта қурбонлар берилган олис йўлни босиб ўтишига тўғри келди. Айнан диний (ва фалсафий) қарашлар ҳамда эътиқодлар соҳаси инсон тафаккурининг, шахснинг ўз маънавий мустақиллиги учун асосий кураш майдонига айланганди.

Шу ўринда тарихга қисқача назар ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Антик дунё ҳозирги маънодаги дин эркинлигини билмаганди. Таъбир жоиз бўлса, унга нисбатан «тоқатлилик» сўзини, яъни давлат динига зиён етказмаган ҳолда, давлат тан олган худолардан бошқа худоларга сифинишга йўл қўйиш маъносини билдирувчи сўзни қўлласа бўлади. Диний тарғибот, давлат дини ақидаларини танқид қилиш ва улар учун оммавий курашишга Грецияда ҳам, Римда ҳам йўл қўйилмаган.

Ўрта асрлар христианлиги бу борада янада олдинлаб кетган. У бошқа динларга эътиқод қилишни ҳалокатли «даҳрийлик ва сохта таълимот» деб билиб, уларга нисбатан тоқатлилик принципидан воз кечган, бу таълимотга қарши барча воситалар билан, уларни

йўқ қилгунча ҳамда ҳақиқат ва ахлоқ асоси бўлган «ҳақиқий» черковнинг узил-кесил тантана қилиши-гача курашишга даъват этган. Бу нуқтаи назарга като-лик черкови ҳам, православ черкови ҳам қўшилган. Улар мутлақ ҳақиқатга, барча замонлар ва ҳалқлар учун яроқли, одамларни халос этиш учун, ҳатто зўрлаб бўлса ҳам киритилиши лозим бўлган динга эга эканликлариға ишонар эдилар. Ашаддий «муросасиз» таълимотларга ҳавас қўйганларнинг барчаси католиклар мисо-лида яхши билиши лозимки, уларнинг негизида мум-тозлик ва тоқатсизлик руҳи ётади.

Бу ўринда виждан эркинлиги учун кураш тарихига тўхтамоқчи эмасмиз, албатта. Чунки бу бизни мавзу-дан чалғитади. Ушбу кураш икки томондан ғоят қатъи-ят билан олиб борилиб, узил-кесил ғалабага бир қатор муросай мадорадан сўнггина эришилди. Диний эъти-қод эркинлиги (виждан эркинлиги) тўғрисидаги маса-ла Европада Реформация давридан бошлаб жиддий қўйилганди. Лекин у умуман барча динлар учун эмас, балки протестантлар учун ибодат эркинлиги маъноси-дагина ҳал этиб келинди. Дунёвий ҳукумат ҳам, диний ҳокимиётлар ҳам узоқ вақт дин эркинлиги тушунча-сини англай олмай, балки ҳукмрон бўлмаган динларга (тарғиб қилиш ҳуқуқисиз сифинишга) тоқат билан қараб келишди. Протестант мамлакатлар — Германия ва Ан-глияда XVII ва XVIII асрлар давомида шундай бўлганди. Католик мамлакатлар, шу жумладан Францияда эса од-дий тоқатлилик ҳам йўқ эди. Юз йил давомида (Буюк инқилобгача) протестантлар (гугенотлар ва бошқалар) шафқатсиз равищда қувғинга учраб келдилар.

Француз инқилоби, унинг чинакам буюк ҳужжати – 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари деклараци-ясини эсга олайлик. Унинг 10-моддасида **қонун билан ўрнатилган жамоат тартибини бузмаса, ҳеч ким ўз диний эътиқоди учун шаъқиб этилиши ёки бош-қача камситишларга дучор этилиши мумкин эмас**,

деб эълон қилинган. Бу принцип кейинчалик кўплаб Европа мамлакатларининг дин тўғрисидаги қонунлари негизини ташкил этди.

Франциянинг ўзида эса француз инқилобчиларининг фаолияти кўп ҳам камчиликсиз бўлмаганди. Фуқаролик қасамёди қилмаган ва республикага муҳаббатини ҳамда монархияга нафратини изҳор этмаган руҳонийларнинг шафқатсиз таъқиб этилиши *мутаассиблик фақат диний арбобларга эмас, балки динга қарши арбобларга ҳам хослигини кўрсатди*. *Мутаассиблик, кўр-кўронга эътиқод ва бирон-бир динга садоқат қилган ҳолда бошқасига зиён етказиш, – мутаассиблик дин негизида юзага келадими ёки уни инкор этиш негизида юзага келадими, – барибир, гайриинсоний ва гайриахлоқий сиёсатга баробар олиб келади*.

Дин ишига, умуман диний ҳаётга давлатнинг аралашувиadolatsiz ва мақсадсиз иш эканлигини инсоният аллақачон англаб етган ҳамда у мунтазам ривожланиб ва мустаҳкамланиб келган. Шу муносабат билан Захириддин Муҳаммад Бобурнинг валиаҳд шаҳзода ўғли Ҳумоюнга васиятномасини эслаш кифоя: Ўғлим, Ҳиндистон мамлакати бамисоли хилма-хил динлардан тўқилган мато эканлигини ёдингизда тутинг. Парвардигор ушбу мамлакатни сизга лойиқ кўрибди. Ўз қалбингизни бошқа динларга нисбатан ҳурматсизликдан асранг. Ҳар бир диний оқимга нисбатан адолат кўрсатинг!

Бу – XVI аср бошида билдирилган фикр, илгари сурилган фоя.

Бу айни пайтда *диний бағрикенглик (толерантлик)*нинг бир кўринишидир. Маълумки, «қадимдан диеўримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яхудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда

турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу – юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради»¹⁶⁶.

Умуман олганда, ҳозирги давлат ҳуқуқи динни давлатдан ажратишни, ақидаси қандай бўлишидан қатъи назар, алоҳида диний жамоалар аъзоларининг тўла тенг ҳуқуқлилигини эътироф этиш ва уларга ҳеч қандай имтиёз бермасликни сўзсиз маъқул кўрмоқда.

Ҳозирги замон ҳуқуқий давлати дин масалаларида ўзини бефарқ ҳисобламоқда: у ҳар қандай диний концепсия аъзоларига бир хилда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бермоқда. Давлат барча динларга бир хилда ҳомийлик қилмоқда ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқнинг барча масалалари бўйича диний тафовутларни пухталик билан бартараф этмоқда. Бунда уларнинг ҳар бирига берилган ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва уларни бузмаслик лозим, албатта. Виждан эркинлиги ҳукм сураётган жойда ҳеч қандай жамият, у диний ёки динга қарши бўладими, бундан қатъи назар, давлат томонидан мутлақо қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга эмас ва бошқа диний (ёки динга қарши) жамиятларнинг эркинлигини бирон-бир тарзда камсита олмайди.

Виждан эркинлиги принципи дин масаласида ҳеч қандай баҳона билан ҳеч қандай зўравонлик қилмасликдан, нафақат қўпол жисмоний зўрлик, балки, ҳатто ахлоқий зўрлик – бирорнинг устидан кулиш, адашув, янгилишув кабиларга нисбатан такаббурлик билан ачи-ниш изҳор этиш ҳам мумкин эмаслигидан иборат.

¹⁶⁶ Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Т., «Янги аср авлоди», 2002, 36-бет.

Хозирги замон ҳуқуқий давлати эътироф этган виждан эркинлигининг оқибати ҳар бир алоҳида шахс ўз эътиқодига кўра бир диний жамоани тарк этиб, бошқасига кириш ёки, ҳатто, бирон-бир таъқибдан ёки ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари чекланишидан чўчимай, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигини эълон этиш ҳуқуқига эга бўлганидир. Мисол тариқасида Конституциямизнинг 31-моддасига мурожаат этайлик. Унда: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – дейилади.

Бундан ташқари, виждан эркинлигида алоҳида шахс ёки гуруҳнинг ўз диний эътиқодларини бирон-бир тарзда намоён қилиш ҳамда у ёки бу издиҳомни бажо этишда уларга мувофиқ иш тутиш ҳуқуқи назарда тутилади. Шу муносабат билан инглиз жамоалар палатасидаги машхур Бэрдло ишини ёдга олайлик. У Худога ишонмайдиган киши сифатида қасамёд қилишдан бош тортганди. Унинг баёноти XIX аср охирида консерватив Англияда қандай шиддатли нафрат уйғотганини тасаввур этиш мумкин. Бироқ иш фикр ва виждан эркинлиги фойдасига якун топди. Парламент 1888 йилда парламент аъзолари қасамёди борасидаги 1866 йилги қонунни ўзгартиришга мажбур бўлди. Қасамёд қилишдан бош тортувчи ва бунинг асоси сифатида диний эътиқодга эга эмаслигини баён қиладиган ҳар қандай шахс қасамёд ўрнига тантанали ишонтириш сўзларини айтиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу ишонтириш ифодасидан қасамёд ва Худони шоҳидликка чақиравучи сўзлар чиқариб ташланди. Худога ишонмайдиган ва даҳрийлигини оммавий тарзда эътироф этадиган киши парламент аъзоси бўлиши мумкинлиги Англияда виждан эркинлигининг катта ғалабаси бўлди.

Хозир жаҳондаги деярли барча конституцияларда динга эътиқод қилиш эркинлиги кафолатланади. Диний эркинликнинг ривожланиш даражаси умуман мамлакат маданий ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Бунда ёт динларга нисбатан диний бағрикенглик, тоқатлилик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш сиёсий эркинлик ривожланишига мос келади, албатта. Умуман, барча – диний, сиёсий, фалсафий ва ҳоказо эркинликлар, тарих шоҳидлик берганидек ва истиқлодан кейинги Ўзбекистон мисолида ишонч ҳосил қилаётганимиздек, ўзаро чамбарчас боғлиқ ва биргалиқда ривожланмоқда.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимиз олдида дарҳол хилма-хил хусусиятга ва мазмунга эга мураккаб масалалар ҳамда муаммолар кўндаланг бўлганини ёдга олайлик. Ривожланишнинг устувор жиҳатларини аниқлаб олиш зарур эди. Шубҳасиз, улар жумласига иқтисодий ўсиш ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш муаммолари ҳам кираради. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти даставвал иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, сўнг маънавиятни тиклашга ўтиш керак, деб ҳисобловчилар янглишаётганлари аниқлигини таъкидлашни зарур деб топди.

Маънавиятни тиклашда ислом динига кенг ўрин берилиди. Зотан, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида Ислом Каримов ҳақли равишда қайд этганидек, ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлок, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик.

Агар «биз ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қиласдиган ва нодон даҳрийлик муҳитида дин қадриятларини билмай тарбияланган» лигимизни ҳисобга олсак, бу foят мураккаб ҳамда жиддий муаммо эканлиги аён бўлади. Аслида ислом демократик дин бўлиб, инсонга муносабатни, софликни тарғиб этади. Шу боис у инсонга муқаддас қадрият саналади, фақат уни бузиб талқин этишмаса, бас...

Бинобарин, уни бузиб талқин этишмаса, бўлгани. Бутун мураккаблик ва ундан келиб чиқадиган муаммолар ҳам ана шунда. Гап шундаки, инсоният ривожланиши давомида кўплаб мамлакатларда ғаразли мақсадлар йўлида, ҳокимиятни қўлга олиш учун дин қурол сифатида фойдаланилган. Бу муаммо бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айни чоғда шуни таъкидлаш зарурки, бу масала Президентимизнинг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. 1993 йилдаёқ, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида у мактаблар, болалар боғчалари, қасалхоналар ҳамда маданий-маиший объектларни куриш ва таъмирлаш билан боғлиқ ечилиши қийин муаммолар турганда, вилоятда бирин-кетин масжидлар қурилмоқда, шу йилнинг 1 марта гача 46 масжид рўйхатга олинган, яна 181 диний муассаса рўйхатга ўтиш арафасида, дея ачиниб гапирганди. Президент бундан «ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра, шуҳрат, сохта обрў кўпроқ керак шекилли»¹⁶⁷, деб ҳисоблашга ҳақли эди.

«Шаккоклик деб ўйламанг-у, баъзан иккиланиб қоласан киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобур, ҳазрати Навоий, Ҳусайн Бойқаролар, наҳотки, бизнинг ҳокимларимиздан «номусулмонроқ» бўлғанлар?! Масжидў мадраса ўз йўлига. Ахир, улар салтанат хазинасидан ажратилган маблағу табиат ато этган куч-ғайратлари, ақл-заковатларини йўллар, работлар, кутубхонаю муолажаоналар, ҳаммомлар, борингки, расадхоналар тиклашга сарфламаганларми!

Халқнинг кундалик хайри корига ярайдиган юмушларга қўл уриш қаҷондан бери савоб бўлмай қолди?»¹⁶⁸.

¹⁶⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 184-бет.

¹⁶⁸ Ўша жойда.

Ислом Каримов ўз асарларида ҳамда нутқларида кишиларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо юқори даражада нозиклигига кўп эътибор қаратади. Айни пайтда уларни диннинг маънавий қадрияти билан ислом уйғонишини ҳам шиор қилиб фойдаланаётган муайян кучлар интилаётган жиззаки, диндан олис сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўтарасидаги фарқни тушуниб олишга эришишга чақирди.

Тўғри, диннинг, шу жумладан ислом динининг минг ийллар давомида мавжуд бўлиб келаётган ҳолатининг ўзи у инсон табиатида теран томирларга зегалигидан ва боқий қадрият эканлигидан далолат беради. Дин кўпинча инсоннинг ишончли йўлдоши, унинг ҳаётининг бир қисми бўлиб, ахлоқийликнинг умуминсоний нормаларини акс эттиради, инсоннинг ажralиб, ёлғизланиб қолишини, унинг бошқа кишилардан бегоналашувини бартараф этишга кўмаклашади.

Бироқ, «диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан teng яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган»¹⁶⁹. Тўғри, улар орасидаги муносабат доим ҳам иноқ бўлмайди, ҳаётни идрок этишдаги зиддиятларни эса ҳеч ким инкор этмайди. Аммо бу қарама-қарши туриш учун баҳона ҳам бўлолмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳақда Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида теран ифодалаб берилган: «Инсоннинг, шахснинг қадр-қимматини ус-

¹⁶⁹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 53-бет.

тубор қадрият сифатида эътироф этувчи ҳозирги дунёда, мазкур зиддият инсоннинг эркин фикрлаш, хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган хуқуқини тан олишга айланди. Одам табиий омилларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунё-қарашини, ахлоқи, маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг тазиийисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши хурмат қилиниши шарт»¹⁷⁰.

Бироқ, афсуски, диндан бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч сифатида, фақат ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа динларга муросасиз муносабатда бўлиш хос бўлган фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар тарихда анчагина топилади.

«Фанатизм – жуда хавфли иллат!» – деб огоҳлантирган эди Президент Ислом Каримов. Фанатизм жамиятда беқарорликни юзага келтиради, диний экстремизм юзага келишига асос бўладики, у, аввало, зўравонлик руҳидаги чақириқлар (баъзан эса ишлар) билан ажралиб туради.

Бироқ фанатизм ҳам, диний экстремизм ҳам диний зиддиятлардан кўра кўпроқ сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги мураккабликлар ва қийинчиликлар туфайли юзага келади. Айни шу каби муаммолар фақат диний эмас, балки большевистик, миллатчилик фанатизми ва бошқаларни ҳам түғдиради. Шунинг учун шўролар тузумидан кейинги маконда, умуман, диний омил, хусусан, диний фанатизмнинг фаоллашгани кузатилди.

¹⁷⁰ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 53-54-бетлар.

Минтақамиздаги давлатларда мустақилликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш даврида ислом омили бутун рангбаранглиги билан фаоллашганининг сабаби нимада?

Фикримизча, даставвал аввалги мафкуравий тасаввурлар ҳамда қадриятларнинг барбод бўлишидан иборат сабабни кўрсатиш лозим. Табиат бўшлиқни ёқтираслиги маълум, ҳосил бўлган бўшлиқ тўлдирилиши даркор. Зотан, ўн минглаб ислом руҳонийлари қатағон қилинган, минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар вайрон қилинган Марказий Осиёдаги собиқ Иттифоқ республикаларида энг қаттиқ қувғин қилинган йилларда ҳам бўшашибмаган динга қизиқиш эндилиқда яна юзага келгани ажабланарли ҳам эмас, кутилмаган ҳол ҳам эмас.

Ислом фаоллашувини шарт қилиб қўйган иккинчи омил миллий ўзликни англашнинг ўсиши бўлиб, у муайян диний йўналиш билан боғлиқ.

Лекин бу ўринда ислом зиддиятли функцияни бажаришга қодирлигини ҳисобга олиш зарур. *Бир томондан*, ислом тарихий маданий қадриятлари мустақил давлатларнинг ҳозирги қиёфасини белгилашга ва уларга таъсир кўрсатишга, натижада уларнинг аввалти улуғворлиги, маданияти ва инсонпарварлик анъаналарини тиклашга қодир.

Иккинчи томондан эса, исломдан кўпинча сиёсий кураш қуроли (Тожикистон, Афғонистон), мутлақо ягона мақсадин — ҳокимият учун курашни кўзлайдиган кучларни бирлаштирадиган байроқ сифатида фойдаланилади.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, энг муҳими — ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги кескин ўзгаришлардир. Ислоҳотлар даврининг нафақат ижобий, балки салбий жиҳатлари ҳам борлигига кўз юмаслик даркор. Аҳоли табакалашуви, ишсизлик ортиб бориши, санъатнинг, соғлиқни сақлашнинг тижоратлашуви сингари объектив жараён содир бўлмоқда, тирикчилик ўтказиш ва фаровон яшаш учун кишилар-

нинг ўзлари имконият излаб топишлари зарурати юзага келмоқда. Бундай шароитда ҳамма учун давлат бош қотирган ва ҳал қилган текисчиликка қайтишғояси анча жозибали туюлади. Умуман, инсонга ўтмишни идеаллаштириш хослигини айтиб ўтиш лозим. Ислом Каримов ўз китобида қайд этганидек, бундай шароитда «ваҳҳобийлик каби ғояларнинг алдамчи жозибаси ўзини яққол намоён этмоқда. Турғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланиш йилларида ажнабий ваҳҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзаки тушуниб тарғиб қилишида, исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига қаттиқ риоя этишни талаб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпастлиқдан воз кешишни эълон қилишда намоён бўлмоқда»¹⁷¹.

Ўзбекистон ғоят мураккаб ва серқирра ислом оламининг бир қисми эканлигини, унда исломдан сиёсий мақсадларда фойдаланаётган кўплаб расмий ва норасмий ҳаракатлар мавжудлигини ҳам унутмаслик ва ҳисобга олиш зарур. Айни чорда кўпинча ислом динининг алоҳидалиги ҳамда бошқа динларга нисбатан муросасизлиги тарғиб қилинадики, бу ислом динига хос эмас. Юқорида тилга олинган бобокалонимиз Мирзо Бобур васиятида: ислом тажовуздан кўра кўпроқ эзгулик тифайли ривожланади. Суннийлар билан шиалар орасидаги низони кучайтирмасликка ҳаракат қилинг. Акс ҳолда бу ислом мавқеи заифлашувига олиб келиши мумкин, – дея татъкидланади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг 18-моддасида ҳар бир кишининг фикр ва виж-дон эркинлигига бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланибгина қолмайди, балки: «Дин ёки эътиқода сифиниш эркига фаяқат қонун билан белгиланган ва жамоат ҳавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини саклаш учун, шу-

¹⁷¹ И.А.Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 57-58-бетлар.

нингдек бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билан-гина дахл қилиниш мумкин»¹⁷², — дейилади.

Мамлакатимиз Президенти ўз китобида динга муносабатини қўйидагича аниқ таърифлаб беради: «Биз дин бундан бўён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»¹⁷³.

Ислом ақидапарастлигининг Ўзбекистонга нисбатан таҳди迪 нимада кўринади? Юртбошимиз фикрича, *биринчидан*, унинг ёйилиши билан диндор мусулмонларнинг ўз давлатига ҳамда ислоҳотларга бўлган ишончи путурдан кетиши, барқарорлик, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик бузилиши мумкин. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни ҳамда кўп динли жамиятни обрўсизлантиришди.

Иккинчидан, айниқса, ёшлар учун ёт кимсаларнинг хоҳиш-иродаси қулига айланиш, ўз ҳаёти ва тақдирига раҳна солиш, буткул қарам бўлиб қолиш хавфи мавжудки, кўпинча улардан қутулиб бўлмайди.

Учинчидан, диндорликни «ҳақиқий» ва «сохта»га бўлиш йўли билан аҳоли орасида қарама-қаршилик келтириб чиқариш жуда хавфли. Бундай ҳол Жазоирда ва Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тўртминчидан, ўзини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган ҳамда ўзининг даҳшатли

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. Т., «Адолат», 2002, 62-бет.

¹⁷³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 59-бет.

тасаввурларини халқимизга тиқиширмоқчи бўлаётган террорчилар ва жангарилар ҳукмрон бўлган чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий қарама-қаршилик, шубҳасиз, хавфлидир.

Бешинчидан, мусулмон ва номусулмон мамлакатлар ўртасидаги ялпи қарама-қаршилик шаклланиши бўлиб, бу жаҳон ҳамжамиятига қўшилишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Яна бир гап. Дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишга қодир, деган масалада адашиши ҳам хавфли¹⁷⁴.

Шунинг учун бу йўналишда улкан ва машаққатли вазифани уddaлаш лозим бўлади. Бу ўринда гап, мөхиятан, эркин фуқаро, содир бўлаётган воқеаларга нисбатан мустақил қарашга эга шахс маънавиятини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Бу жуда муҳим вазифа бўлиб, унинг моҳияти, Президент сўзлари билан айтганда, эркин фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, боқимандалик кайфиятини ҳеч қандай кўринишда ҳазм қила олмайдиган, ўз кучи ва имкониятларига ишониб яшайдиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Бироқ вазифани белгилаб олиш — бир масала, уни уddaлаш, бажариш — бошқа масала. Маънавиятга келганда, бутун бир муаммолар мажмуасини ҳал этиш зарурки, Ислом Каримов истиқлол мафкурасини, миллий ғояни шакллантиришни улар орасида энг муҳими, деб ҳисоблади (ва бунга қўшилмасдан бўлмайди). Президентимиз миллий ғоя — халқни халқ, миллатни — миллат қиласидиган, унинг мақсад сари йўлини ёри-

¹⁷⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 59-61-бетлар.

тадиган мафкура, деб айтгани ҳолда, бу масалага фав-
қулодда мұхим ақамият берди.

Бу масалани ҳал қилиш осон иш эмас, албатта. Би-
роқ, инсоният жамиятида мафкуравий бүшлиқ ҳеч
қаңон бўлмагани ҳисобга олинса, бу ҳаддан ташқари
муҳимлиги аён бўлади. Бу билан шуғулланмасак, бу
бўшиликни бизга ёт ғоялар ва мақсадлар, айниқса, мам-
лакатимиз ичидаги ҳам, ундан ташқарида ҳам таъсир
кўрсатишга қодир бўлган мафкуравий кучлар тўлди-
риши мумкин.

Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти бизга
таҳдид солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий хавф-
хатарларга эътиборни тортишни зарур, деб ҳисоблади.
Масалан, айрим ислом давлатларида ўрта асрларга хос
мусулмон халифалигини тиклашни ҳамда мусулмон дав-
латлар ҳудудида ягона мафкурани шакллантиришни
мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд.

Улар орасида «Ҳизбут-тахрир» ташкилоти ўзининг
алоҳида фаоллиги билан ажralиб туради. Унинг ва-
киллари мамлакатимизда яширин қўпорувчилик ҳара-
катини олиб боришга интилиб, тажрибасиз ёшларни
чалғитмоқда.

Энди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Се-
натининг қўшма мажлисидаги маърузага қайтайлик.
Бу маърузада давлатимизнинг ташқи сиёсати билан
боғлиқ яна бир жуда мұхим муаммо кўтарилди. Маъ-
лумки, мамлакатимизда ядро қуроли йўқ, шу муноса-
бат билан қўшни давлатлар шундай қуролга эга ёки
эга эмаслиги жуда мұхим. «Бизнинг шунга ишончи-
миз комилки, Марказий Осиё нафақат ядеровий, балки
ҳар қандай бошқа оммавий қирғин қуроллари, чунон-
чи, биологик ва кимёвий қуроллардан ҳам холи ҳудуд-
га айланиши лозим.

Айниқса, ҳалқаро терроризм бундай қуролларга эга
бўлишга интилаётган бугунги кунда бу масала янада
долзарб ақамият касб этмоқда.

Минтақамиз шароитида ҳар бир давлат оммавий қыргын қуролларини тарқатмаслик режимига сўзсиз амал қилиши, икки хил мақсадда ишлатилувчи материаллар сақланадиган ва фойдаланиладиган объектларнинг хавфсизлик тизимини такомиллаштиришни таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятни ўз зиммасига олиши даркор»¹⁷⁵.

V. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидағи маърузасининг бу қисми жуда муҳим муаммо – иқтисодий соҳага бағишлиланган. Унда мамлакат иқтисодий ривожланишининг якунлари ҳамда унинг бундан бўёнги ривожланишидаги жуда муҳим устувор жиҳатлар баён этилган.

Масалани моҳиятан кўриб чиқишидан олдин умуман иқтисодиёт нималиги ва ҳуқуқий давлатда қандай ҳусусиятларга эгалиги ҳақида тўхтабиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунда биз нималарни енгиб ўтганимизни, ҳозир нималарга эгалигимизни, нималарга эришишимиз лозимлигини, шунингдек, мақсадга эришиш йўли қандайлигини тушуниб олишимиз осонлашади. Шунчаки иқтисодиёт ҳақида эмас, балки ҳуқуқий давлатдаги иқтисодиёт ҳақида гап боргани учун ҳам ҳуқуқ билан иқтисодиётнинг ўзаро алоқаси, нисбати ҳақида фикр юритилиши тушунарли ҳол, деб ўйлаймиз.

Яқин ўтмишда – мустабид шўро тузуми даврида иқтисодиёт ва ҳуқуқ ўртасидаги нисбатнинг умумий мундарижаси кенг расм бўлганди. У собиқ Иттифоқ олий ўқув юртларининг ҳар бир талабасига маълум бўлиб, қуйидаги мазмунга эга эди: ҳуқуқ – сиёсатнинг, сиёсат эса – иқтисодиётнинг жамулжам, яхлит ифодаси ҳисобланарди. Албатта, ушбу мазмун-мун-

¹⁷⁵ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишлар. Т., «Ўзбекистон», 2005, 66-67-бетлар.

дарижанинг ғализ, хатолиги кундай равшан. Биринчидан, ҳуқуқда нафақат сиёсат, балки кўплаб бошқа жиҳатлар ҳам ўз ифодасини топади. Иккинчидан, давлат сиёсати, бизга маълум аянчли даврларда бўлганидек ва ҳамма томонидан маъқулланган бир сиёсий партиянинг сиёсатидан иборат бўлиб қолиши мумкин эмас. Учинчидан, ўша даврда сиёсат ҳалқнинг, иқтисодиётнинг талабини эмас, балки ҳукмрон доираларнинг манфаатларини ифода эттиради¹⁷⁶.

Шунинг учун ҳам ўша пайтда ҳукмрон бўлган мафкура ва ҳуқуқ, ижодкорлиги амалиётида, албатта, норматив ҳужжатларда ҳалқнинг иродаси ўрнига иқтисодий ислоҳотларни олиб боришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари мустаҳкамланарди. Лекин, ислоҳотлар партия-давлат директиваларида эълон қилиниб, мустаҳкамланарди-ю, бироқ жуда камдан-кам ҳолларда бажариларди. Бу, айниқса, сўнгги беш йилликларга хос эди. Маълумки, режага қонун сифатида қараларди. Гарчи шу «қонун» ёрдамида ҳеч кимга кераги йўқ нарсалар ишлаб чиқарилса-да, шунга қарамай, иқтисодиётни режали бошқариш тизими минглаб иш бошқарувчиларга қойилмақом яшаш имконини яратиб берарди. Улар учун иш манфаатидан кўра ўз шахсий манфаатлари устун эди. Шўро хўжалик тизими хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун ҳужжатлари маъмурий бўғинлар аралашувисиз, тўғридан-тўғри бажарилишини истисно этарди. Аникроғи, индивидуал хусусиятга эга тезкор ҳужжатлар ёрдамидаги тўғридан-тўғри бошқарувни сиқиб чиқариларди. Бу ҳолат уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик, шунингдек коррупция сингари салбий ҳалокатли ҳодисаларнинг вужудга келишига сабаб бўлганди.

Ислом Каримовнинг китобида бунга эътибор берилган. У қуйидагиларни ёзади: «СССРда уруғ-ай-

¹⁷⁶ Бу ҳақда батафсилоқ қаранг: Мальцев Г.В. Понимание права. Подходы и проблемы. М., 1999, 340-366-бетлар.

моқчилик ва маҳаллийчилик бошқача сифат касб этди. Марказдан туриб режалаштиришга асосланган иқтисодиётнинг кескинлиги, баъзан эса шафқатсизлиги, мулкнинг ижтимоий характери уларнинг кенг ёйилиши учун қулай замин яратди. Моддий ва бошқа бойликларни тақсимловчи ролини, аслини олганда, турли даража ва мақомдаги бошқарув ходимлари бажарар эдилар. Маҳаллий маъмурлар ва тармоқлар, корхоналар, савдо соҳасининг раҳбарлари айнан ана шу бошқарув ходимларининг илтифотига сазовор бўлишга ҳаракат қиласар эдилар»¹⁷⁷.

Иқтисодиётни бошқаришнинг поёнсизлиги, хилмакиллиги ва зиддиятлилиги – шўро воқелигига хос хусусиятлар эди.

Бироқ айни пайтда иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ягона илмий ёндашув сифатида марксчалиниң қарашларнинг афзаллиги доимо таъкидланиб келинарди. Аслида илм-фанга эмас, балки ушбу «иқтисодий» назарияларни исботсиз қабул қилиш лозимлиги ҳақидаги кўр-кўронга ишончга асосланиб иш кўрилади.

Ўз даврида Н.А.Бердяев томонидан берилган аниқ таърифга кўра, марксизмнинг жони «иқтисодий детерминизмда эмас, балки инсон иқтисодиётга қарам бўлмайдиган, балки у ҳам эътиқод, дин ҳисобланадиган келажақдаги мукаммал жамият ҳақидаги таълимомт эканлигидадир... Марксизм фақат фан ва сиёсатнинг ўзи эмас, балки у эътиқод ва дин ҳамdir».

Мулкнинг асосий обьектлари давлат қўлида тўпланаар экан, у сиёсий ташкилот сифатида, монопол равишда иш олиб борадиган субъектга айланди, унинг инсон ва жамиятдан устун туришига олиб келди. Бундай ғайритабиий ҳолат давлатнинг иқтисодиётга буйруқбозларча аралашуви, хўжалик ҳаётини тоталитар қайта тузиш билангина қўллаб-қувватланиши мумкин эди.

¹⁷⁷ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 100-бет.

Пировард натижада бозор ҳолатига кириш орқали инсон захираларидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлаш учун ҳуқуқ, ҳокимият, иқтисодиёт муносабатларидағи зиддиятни бартараф этишни талаб қиладиган кескин вазият юзага келди.

Бинобарин, шундай вазият пайдо бўлдики, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тоталитар тузумнинг бирёқлама бузуқ иқтисодиётидан мерос бўлиб қолган кескин муаммоларни ҳал қилиши зарур бўлди. Айни пайтда истиқдолга эришган мамлакатимиз иқтисодий муносабатларни маъмурӣ-режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига айлантириш механизми ва шаклини мустақил белгилашга, жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға киришнинг оқилона йўлларини излашга, давлатлараро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга киришди.

Бироқ ҳуқуқ, ҳокимият, уларнинг таркиби ва хусусияти, агар улар ўз давлатининг ҳуқуқий, иқтисодий ривожланиши хусусияти ҳамда тажрибасини ҳисобга олмай, ташқаридан олиб келинмасдан, ушбу мамлакатнинг илғор ривожланиши натижаси бўлса, анча самарали ҳисобланади. «Буларнинг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иктисодий тараққиётда ўз йўлимизни излашни талаб қилди. Биз танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, ҳалқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир»¹⁷⁸.

Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш негизига **машҳур беш асосий тамоийл** қўйилган бўлиб, ўтиш даври иқтисодиёти уларга асосланади. Булар: а) иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш; б) мураккаб ўтиш

¹⁷⁸ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 176-бет.

даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур; в) бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни ҳуқуқий асосга таяниши керак; г) бозор муносабатларига ўтиш кишиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли чора-тадбирларни амалга ошириш билан кечиши лозим; д) иқтисодий ислоҳотларни босиқлик билан, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга ошириш даркор¹⁷⁹.

Бундан ташқари, иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуққа нисбатан бирламчилиги фақат муайян шароитда амал қилиши фактини ҳам ҳисобга олмай бўлмайди. Давлат мулкининг таъсирини, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий давлатнинг ролини ҳисобга олган ҳолда, давлат иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари ҳамда воситаларини кўрсатиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Айни чорда ўтиш даври иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида давлат тузилмалири фаолиятини ҳамда бошқарувнинг ҳуқуқий майдонини ўзгартириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишининг ҳам аҳамияти катта. Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бозор иқтисодиётига ўтиш чофида иқтисодиётни ислоҳ этиш манфаатларига хизмат қилиши, бу жараён мумкин қадар самарали ва машаққатсиз ўтишига ёрдам бериши мумкин бўлган воситалардан воз кечиш кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди.

Бу гаплар, энг аввало, иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг ўрни ва ролини аниқлашга тегишлидир. Ўзини ўзи бошқариш вужудга келмаган, эркин рақобат бўлмаган, ташқи алоқалар чекланган бир шароитда талаб ва таклиф таъсирида давлатнинг иқтисодиётни бошқарищдан воз кечиши тангликтинг чуқуралишига, нарх-наво ўсишига ва пулнинг қадрсизланиши кучайишига туртки бўлади»¹⁸⁰.

¹⁷⁹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. З-том. Т.. «Ўзбекистон», 1996, 177-178-бетлар.

¹⁸⁰ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. З-том. Т.. «Ўзбекистон», 1996, 179-180-бетлар.

Шу ўринда ҳуқуқ ва иқтисодиётнинг нисбатини кўрсатиб бериш – тадқиқотнинг турли усулларидан, шу жумладан бозор муносабатлари ҳодисаларига ҳаддан ташқари аралашувни истисно этган ҳолда, иқтисодий муносабатларни чеклаган бўлса-да, ҳуқуқий тартибга солишга йўл қўядиган иқтисодиётдаги эркинлаштириш ва эркинлик моделидан фойдаланиш эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. «Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни барта-раф этишини англатади»¹⁸¹.

Иқтисодий эркинликнинг *Fарбга хос моделини*, унинг ҳуқуқий тартибга солиш билан нисбатини эътибордан соқит қиласлик даркор. Тўғри, ғарбча турмуш тарзи ҳуқуқ ва иқтисодиётнинг бирмунча бошқача моделига асосланган ва асосланмоқда. Буржуазия ҳокимиятга табиий ҳуқуқ байроби остида келганилиги ни эсга олайлик. Шунинг учун давлат ҳатто иқтисодиётга таъсир кўрсатган тақдирда ҳам, бундай таъсирни негизида хусусий мулк муқаддаслиги ва дахлсизлиги ғояси, ўзлаштиришнинг хусусий характеристи ётувчи табиий ҳуқуққа мувофиқ келадиган қонунлар ёрдамида амалга оширади. Шу туфайли ҳам давлатга хўжалик юритувчи субъект сифатида қаралмаган. Унга тегишли муносабатларни муҳофаза этишга даъват қилинган куч-қудрат сифатида қаралган. Кўп ҳолларда давлат «тунги қоровул», можароли вазиятларда мустақил ҳакам сифатида таассурот қолдириб келган.

Бу – қонуниятли ҳол. Буржуазия ҳокимият сари бораркан, унинг асосий талаби иқтисодиётга аралашувдан воз кечилишидан иборат бўлган. Иқтисодий ҳаётнинг *Fарбга хос моделини* мулк эркинлиги ва меҳ-

¹⁸¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровои ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 337-бет.

нат эркинлиги ташкил қиласи. Буржуа иқтисодий фани асосчиси Адам Смит нуқтаи назарига кўра, ҳар бир инсонга, агар у адолат қонунларини, яъни табиий қонунларни бузмаса, ўз манфаатлари йўлида интилиш ҳамда ўз меҳнати ва маблағи билан бошқа ҳар қандай кишининг меҳнати ва маблағи орқали рақобатлашишда тўлиқ эркинлик берилади. Дарвоҷе, ўша давр кўпчилик буржуа ҳуқуқшуносларининг нуқтаи назарлари худди шундай эди.

Шунга қарамай, энг йирик монополиялар таркиб топа бошлаган пайтларда буржуазия давлати ўз иқтисодий фаолиятини авж олдиради. Лекин бу фаоллик, бир вақтлар бизга уқтириб келганларидек, монополиялар манфаатларига мутлақо хизмат қилмайди. Аслида монополияга қарши қонунчилик, буржуазия ҳукуматларининг кўпчилик ижтимоий дастурлари бутунлай бунинг акси бўлганлигидан далолат беради. Қолаверса, режалаштиришга уринишлар, давлат инвестициялари, ҳукуматнинг назорат чора-тадбирлари ҳам хусусий тадбиркорликка ҳеч қандай тўғаноқ бўлмаганигини кўрсатади.

Бу ўринда шундай савол туғилиши табиий: агар Фарбга хос модель иқтисодий муносабатларнинг давлат томонидан фаол тартибга солиниши билан чиқиша олмас экан, унда ҳуқуқнинг ўрни қандай бўлади, бундай ҳолатда қонуннинг ва юридик таъсир кўрсатишнинг бошқа воситалари роли қанчалик муҳим аҳамият касб этади?

Очиқ айтиш мумкинки, уларнинг роли жуда катта бўлади. Бунда гап фақат суд ва ҳакамлар суди қарорлари ҳақидагина кетмайди. Зоро, ҳар қандай ҳуқуқий тизимда иқтисодий ҳаёт шу қарорлар орқали амалда бошқарилади. Буржуазия иқтисодий эркинлик моделида қонунчилик ҳужжатларининг роли бошқа нарсада ифодаланади. Яъни, бу қонунчилик ҳужжатлари ички зиддиятларни, тизим низоларини ҳал қилолма-

ган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаганда, уларни юмшатишга даъват этилган бўлади. Лекин бу зиддиятлар бизнинг қулоқларимизга ўрнашиб қолган синфий зиддиятлар ва низолардан тубдан фарқ қиласди.

Мулкка эгалик ҳуқуқи ва фирмаларни бошқариш фуқароларнинг даромадларида, бойликлари, мақомлари, малакалари, ахборотга эга бўлиш, сиёсий раҳбарларга яқинлашиш ва умуман, давлатни бошқаришда тенг иштирок этишлари тенгсизликни келтириб чиқариши табиий ҳол эди. Бу масалага ўз даврида Фарб сиёсатдонлари эътибор қаратганди. Ваҳоланки, хўжалик корхоналарини ички бошқаришда ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий тенгсизликнинг бўлиши ўз-ўзидан аён.

Бироқ Фарбда иқтисодий эркинлик ҳам худди сиёсий эркинлик каби қонуний ҳисобланади. У хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини, шунингдек, мулқдорларнинг ўз фирмаларини бошқариш ҳуқуқини ёки улар устидан назоратни менежерга топшириш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Умуман, шуни қайд этиш жоизки, бошқарувнинг демократик шакли қандайдир маҳсус иқтисодий таълимотни ўз ичига олмайди. Демократик ҳукуматлар таркибига ашаддий социалистлар ҳам, эркин бозор тарафдорлари ҳам киришган ва кирадилар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай замонавий демократик жамиятда аксарият баҳс-мунозаралар ҳукуматнинг айнан иқтисодиётдаги ролига багишлиниши бежиз эмас. Шунга қарамай, демократия тарафдорлари одатда иқтисодий эркинликни ҳар қандай демократик жамиятнинг муҳим жиҳати деб ҳисоблайдилар.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Ҳеч бир демократик давлатда ё фақат ва фақат давлат мулқидан иборат бўлган, ёки ҳукумат тартибга солишидан мутлақо холи иқтисодий тизимнинг ўзи йўқ. Уларнинг барчаси – хусусий тадбиркорлик билан ҳукумат назорати қоришмасидан иборатдир. Ҳаммаси нархлар ҳукумат томони-

дан эмас, балки мустақил ва ўзаро бир-бирига таъсир этувчи минглаб истеъмолчилар ҳамда ишлаб чиқарув-чиларнинг кундалик қарорлари билан белгиланувчи эркин бозорнинг фаолиятига сезиларли даражада боғлиқ бўлади.

Сўнгги йилларда дунёning кўп қисмида марказлашган режалаштиришга асосланган иқтисодий тизимларнинг ҳалокатга учраши эркин бозорнинг фоят муҳим ролига яна эътиборни тортди. Бунда худди сиёсатда-гидек иқтисодиётда ҳам бир жиҳат – **эркинлик** муқаррар бўлиб қолмоқда. АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Кўумитаси элчиси бўлган Моррис Эбрэм таъкидлаганидек, «эркинликнинг бир ўзи иқтисодий муваффақиятни кафолатлай олмайди. Бироқ қатағонлар иқтисодий мағлубиятни кафолатласа, эҳтимолдан холи эмас». Авторитар режимлар, ҳатто жиҳдий иқтисодий силжишларга эришган камдан-кам учрайдиган ҳолларда ҳам, сиёсий соҳадан тортиб олинган эркинликларни ўз фуқароларига иқтисодий соҳада бериб қўйганликлари туфайли қўлга киритган. Боз устига, бу муваффақият режимнинг узоқ вақт мустаҳкамланиб қолишига ёрдам берган эмас. Аксинча, Чили ва Тайванда бўлганидек, бу ҳол ҳалқ иқтисодиётдаги эркинлигига мутаносиб равишда сиёсий эркинликни ҳам талаб қилиб чиқишига олиб келди.

Демократик жамиятлар иқтисодий муаммоларни ўтмишда қандай эҳтирос билан муҳокама қилиб келган бўлса, бундан кейин ҳам худди шундай руҳда давом эттиришини тахмин қилиш мумкин. Бироқ бундай мунозаралар тобора кўпроқ обрўсини тўкиб берраётган давлат томонидан бошқариладиган иқтисодиёт муқобили атрофида эмас, балки тобора қарамлик кучайиб бораётган дунёда яшаётган барча одамларни эркин бозор афзалликларидан баҳраманд этиш атрофига боради.

Шу ўринда иқтисодчи ва сиёсатшунос Ф.А.Хайек-нинг 1974 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган «Қуллик сари йўл»¹⁸² асарида ҳар томонлама ва далиллар билан таърифлаб берилган иқтисодий эркинлик-нинг Farbga хос моделини кўриб чиқамиз. Қуйида Хайек назариясининг энг аҳамиятли қоидаларини келтириб ўтамиз.

1. Жамоа ақл-идроки ҳали ўз-ўзидан тартибга солинувчи жараёнларни онгли равища да амалга оширадиган раҳбарлик билан алмаштириш даражасидаги поғонага кўтарилганича йўқ. Миллионлаб алоҳида шахсларнинг якка ҳолдаги интилишлари инсон фаолиятининг шундай таркибини яратадики, унда бу фаолият имкониятлари онгли равища ўйлаб топилган лойиҳалардан устун бўлади.

2. Қачонлардир умумевропа цивилизациясининг турли қисмларида икки авлод хотирасида ўтказилган рақобат қилувчи тажрибаларнинг қарама-қарши натижалари *хусусий мулк институтига асосланувчи шахс эркинлиги олий қадрият ҳисобланган тизимнинг устунлигини намойиш этди*.

3. Ўтмишда иқтисодий ишлардаги эркинликсиз ҳеч қачон шахсий ва сиёсий эркинлик бўлмаган; иқтисодий эркинлик фойдасига далилларнинг изчил тизимини ишлаб чиқиш сиёсий эркинликнинг олдиндан мўлжалланмаган ва кўзда тутилмаган қўшимча маҳсулоти сифатида иқтисодий фаолият эркин ривожининг натижаси ҳисобланган.

4. Либерализмнинг бош принципи жамиятнинг табиий кучларидан имкон қадар мажбурловсиз фойдаланишдан иборатdir.

5. «Режали иқтисодиёт» тизими тарафдорлари учун одамлар ўз шахсий режалари асосида ҳар қандай фа-

¹⁸² Хайек Ф.А. Дорога к рабству // Вопросы философии, 1990, 10-11-сонлар.

олият билан шугуллана оладиган оқилона ва барқарор ҳуқуқий тузилмани ишлаб чиқишнинг ўзи кифоя қилмайди. Улар ягона режа асосида бутун иқтисодий фолиятга марказлашган раҳбарликни амалга оширишни талаб қиласидар.

6. Конун турли тармоқларга тенг асосларда ҳеч қандай тўсиқсиз кириб бориш эркинлигини чеклашга ҳар қандай уринишларни таъқиб этиши керак. Шу билан бирга, давлат шунчаки фолиятсиз қолиб кетадиган ижтимоий тузумнинг оқилона моделини ўйлаб топишнинг ўзи мумкин эмас.

Таъсирчан рақобатли тизим бошқалардан кам бўлмаган ҳолда оқилона ташкил этилган ва доимий тузатиш киритиб бориладиган юридик доирага муҳтождир. *Режалашириш ва рақобатни фақат бир шарт билангина қўшиб олиб бориш мумкин: бунда режалашириш рақобатга қарши бормай, унга ёргам берини керак бўлади.*

7. Давлат хилма-хил вазиятларда қўлланиладиган умумий қоидаларни белгилаш билан чекланиши ҳамда маҳаллий вазият билан боғлиқ ҳамма ҳолларда инди-видуумга эркинлик бериши даркор¹⁸³.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган қоидалар алоҳида шарҳу изоҳларни талаб қиласидар. Фақат бошқа омиллар қатори улар ҳам мамлакатимизнинг янги бозор муносабатларига ўтишида ҳисобга олиниши мухим аҳамиятга эга. Матъумки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки қунларидан бирдан-бир йўлни – бозор иқтисодиёти сари ҳаракат қилиш йўлини қатъий танлади. Бундай йўлни танлаш зарурияти ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги аниқ, албатта. Худди шунингдек, бизнинг мамлакатимиз ҳуқуқий давлатни шаклантириш йўлидан бораётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

¹⁸³ Проблемы общей теории государства и права. М., 1999, 721-732-бетлар.

Шу муносабат билан ўз-ўзимизга савол бериб күрай-лик: «Бозор сари қилаётган ҳаракатимиз билан бизнинг ҳуқуққа, ҳуқуқий давлатга бўлган интилишларимиз муштаракми?»

Бундай саволлар фақат одатий онгимиз даражасида туғилиб қолмай, баъзи олимларимиз қарашларида ҳам бозор билан ҳуқуқни, тижорат билан адолатни қай йўсинда мужассамлаштириш мумкинлиги бора-сида шубҳа-гумонлар пайдо бўлаётганлигини алоҳида таъкидаш лозим. Аслида, бозор деганда, қандайдир даҳшатли маҳлукни, ким кучли бўлса, ўша енгиг чи-қадиган машшатхонани, порахўрлик, ёлғон, алдов, тов-ламачилик ва ҳоказолар ҳукм сурадиган ёвузлик ис-канжасини тасаввур этганимиз учун ҳам қалбимизда ана шундай иштибоҳ уйғонади. Шу муносабат билан Америка ёзувчиси Марк Твеннинг, қандай уddyаласанг – шунақасига уddaala, агар бошқачасига иложини қиломасанг, ҳатто тўғри йўл билан бўлса-да, пул ишла, деган сўзларини эслайлик.

Бозор шароитидаги ҳуқуққа нигилистик муносабат мутлақо бошқариб бўлмайдиган табиий ҳодиса сифа-тида бозор тўғрисидаги хато тасаввур билан боғлиқ. Албатта, бозорни бундай тасаввур этиш нотўғри. Бо-зор стихияси, бозор курашлари, бозор алғов-далғовла-ри муқаррар равишда қонунлар билан тийиб турилиши, ҳуқуқий қонун доирасига келтирилиши лозим.

Тараққий топган жамиятда ҳуқуқ ва тижорат бир-бирига зид эмаслигидан ташқари, боз устига, ягона демократик жараённинг икки таркибий қисмидир. Бироқ эркин тадбиркорлик, товарлар ва хизматларни эркин айирбошлаш, ўз илмий салоҳиятини ва ишчи кучини эркин савдога қўйиш тартибга солишини, тар-тибга солганда ҳам фоят эҳтиёткорона, босик, мўъта-дил тартибга солишини талаб қиласди.

Шундай қилиб, маъмурий йўл билан бу ўринда тар-тибга солинадиган бозор эмас, балки маълум чегара-

гача муайян доирада ва ғоят синчковлик билан танланган шаклларда тартибга солинадиган бозор назарда тутилмоқда. Шу боис бозор муносабатлари йўлини танлаган қонун чиқарувчи учун энг муҳим муаммо – ҳуқуқий тартибга солишининг чегаралари ва йўсинларини аниқлаб олишдан иборатdir.

Энди ҳуқуқий нормалар ва иқтисодий қонунларнинг ўзаро қандай таъсир этишини кўриб чиқалик. Ҳуқуқ нормалари давлат, жамиятнинг ҳаёт фоалиятини ташкил этиш шакли бўлиб, ижтимоий муносабатларга муайянлик ва барқарорлик баҳш этади, иқтисодий тизимнинг зарур даражада муқим ва уюшган бўлишини таъминлайди.

Бироқ, бозор шароитида, асосан, моддий неъматлар ишлаб чиқаришни, уларни тақсимлашни, айирбошлаш ва истеъмол қилишни тартибга соладиган *иқтисодий қонунлар ва нормаларнинг ҳам роли кам эмас*. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитида ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа норма-қоидалар бир вақтнинг ўзида амал қиласи ва инсон хулқ-атворига умумий таъсир кўрсатади. Чунончи, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик муносабатлари, масалан, олди-сотди битими иқтисодий қиймат қонуни ва ушбу битим шаклини мустаҳкамловчи юридик ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ёки, пировард натижада барча-бошқа муносабатларни, шу жумладан юридик, сиёсий муносабатларни ҳам белгилаб берадиган ишлаб чиқариш муносабатларини олиб кўрайлик. Шундай экан, кишилар ҳар куни ҳам юридик, ҳам иқтисодий қонулар амал қиласиган соҳаларда ҳаракат қиласилар.

Бунда фақат иқтисодий эмас, балки ҳуқуқий муносабатлар ҳам давлат иродасининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Умуман, улар жамият амрига зид бўлмаган давлат иродаси бўлгани учун ҳам бош ролни ўйнайди. Ҳуқуқнинг бу нормалари давлат томонидан муайян шаклларда (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва

ҳоказоларда) ўрнатилади ҳамда уларда мавжуд қоидаларга расман эътироф этилган аҳамият бахш этади. Ҳуқуқий нормаларнинг бажарилиши, шу жумладан уларнинг иқтисодиётда ҳам бажарилиши давлат томонидан мажбурлаш орқали таъминланади.

Юридик ва иқтисодий қонунлар бир-биридан фарқ қиласди, албатта¹⁸⁴. Юридик қонунлар инсон иродаси ва онгига боғлиқ бўлмагани учун объектив хусусиятга эга бўлади, иқтисодий қонунлар эса кишилар томонидан белгиланган тартибда ўзгартирилади ҳамда бекор қилинади.

Юридик қонунлар, гарчи қонунни билмасдан бузганлик учун жавобгарлиқдан озод қилмаса-да, қонунни билган ҳолда унинг талабларига мувофиқ ҳаракат қиладиган кишилар иродаси ва онгига қаратилган бўлади.

Иқтисодий қонунлар етарлича аниқ бўлмагани учун кишилар уларни камроқ билишади. Бу қонунлар иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланишининг умумий йўналишини аниқлайди, холос. Лекин бозор шароитида хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи кишилар уларни билсалар, улар ўз бизнесларининг янада рентабелли бўлишига кўмаклашадиган ишни танлаш имкониятига эга бўладилар.

Шундай қилиб, *иқтисодий қонунлар* – иқтисодий ҳодисаларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнидаги сабабий шарт қилиб қўйилган, барқарор, такрорланувчи алоқалари ҳамда ўзаро таъсир омиллариdir. Улар объектив хусусиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш фаолияти орқали, шунингдек, ишлаб чиқариш бозор муносабатлари қатнашчилари бир-биридан мустақил ҳисобланган ҳамда ўз мулки бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий

¹⁸⁴ А. Васильев. Правовое регулирование экономических отношений // Теория и опыт Российской Федерации. М., 1995, 122-123-бетлар.

бойликлар ўз ихтиёрича эркин тасарруф этиладиган шароитдагина амал қилиди ва намоён бўлади¹⁸⁵.

Бунда шуни эътиборга олиш зарурки, бозор шароитида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи иқтисодий қонунларнинг амал қилиши давлат иқтисодиёти шароитида *давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш* билан алмашади.

Энди бозор иқтисодиётининг муҳим шарти бўлган тадбиркорлик ҳақида, яъни тадбиркорлик ҳуқуқи ҳақида фикр юритайлик. Бу қандай ҳуқуқ?

Тадбиркорлик – жисмоний ва юридик шахслар доимий асосда амалга оширадиган эркин ишлаб чиқариш ёки тижорий фаолият тури¹⁸⁶.

Тадбиркорлик ҳуқуқи инновация, ишлаб чиқариш-сотиш, савдо-воситачилик, маслаҳат, лицензия ва бошқа хилма-хил иш турларини ўз ичига олевучи фаолиятни тартибга солади. У бозор муносабатларининг иқтисодий мустақил субъектлари мавжуд бўлишини тақозо этади. Тадбиркорлик ривожланишига айнан бозор ўз мавҳумлиги билан кўмаклашади.

Тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш учун бозор муносабатлари субъектларининг таснифини билиш лозим. Улар *тўрт тоифа* бўлади: 1) фирматар; 2) банклар; 3) суғурта ва траст компаниялари; 4) инновация (сармоялаш) тузилмалари. Буларнинг барчаси ички бозорда ҳам, ташки бозорда ҳам амал қиласди.

Бозор муносабатларига давлат-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш воситаларини танлашда *тадбиркорлик муҳити* (ички ва ташки муҳити)ни белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик муҳити — тадбиркорлик субъекти амал қилишига, унинг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган шарт-шароит ва омиллардир.

¹⁸⁵ Теория государства и права. М., 2001, 593-бет.

¹⁸⁶ Юридическая энциклопедия. М., 1997, 349-бет; Экономика и право: Энциклопедический словарь Габлера. М., 1998, 87, 144-бетлар.

Давлат-хуқуқий тартибга солиш воситалари га кўпроқ **ташқи** тадбиркорлик омиллари дуч келади.

Давлатнинг иқтисодий соҳадаги назорати **бевосиста** ва **бильвосиста** назоратга бўлинади. Улардан бирига афзаллик беришнинг имкони йўқ. Чунончи, **бильвосиста назорат** анча самарали восита сифатида намоён бўлади. Бунда имтиёзлар ва солиқлар тизими, нарҳ сиёсати, аҳоли бандлигининг тартибга солиниши, маълака тайёргарлиги, ахборот билан таъминланганлик ва бошқалар киради.

Бевосиста давлат назоратига: молиявий назорат, экологик назорат, санитария назорати, ёнгин назорати, тарози ўлчови ва пул бирлиги назорати, маҳсулот сифати назорати киради.

Иқтисодиёт нафақат хуқуққа, балки давлатга, ҳокимият ва бошқарувни ташкил қилишга ҳам объектив таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон Фарб мамлакатлари олимлари иқтисодиётни, тадбиркорлик фаолиятини кўриб чиқар эканлар, унга, энг аввало, давлат билан эмас, хуқуқ билан ҳуқуқий тартибга солиш билан нисбатда қарайдилар. Давлат фаолияти фуқароларнинг индивидуал қобилиятларини, ташаббускорлиги ва эркинлигини максимал даражада ривожлантиришга, уларнинг фаолиятини башорат қилиш ва режалаштиришга кўмаклашувчи шароит яратишга қаратилиши лозим бўлған орган сифатида қаралади.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқшунос олимлари бозор хўжалигига давлатнинг, унинг ҳокимият органларининг роли ва ўрнини, унинг иқтисодиёт борасидаги асосий вазифалари ҳамда функцияларини кўпроқ бу масалага катта ўрин берадиган ва фавқулодда аҳамият билан қарайдиган Президент Ислом Каримов асарлари ёрдамида етарлича аниқ белгилаб беришди. Юртбошимиз: «Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун ҳалқнинг манфа-

атларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббус-кори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак»¹⁸⁷, – деб асосли равишда ҳисоблайди. Зотан, «Ўзбекистон аҳолиси ўзининг ислоҳотчи давлатига зўр ишонч билан қарамоқда. Бизда ислоҳотларнинг ҳар бир янги қадами, ҳар бир янги қонун лойиҳаси ва ҳукумат қарори инсонийлик, одамларга фойдалилик нуқтаи назаридан идрок этилмоқда»¹⁸⁸.

Шундай қилиб, давлат инновация-ҳуқуқ сиёсатига яқинлашдик.

Инновация-ҳуқуқ сиёсати – давлат ҳуқуқий сиёсатининг мухим таркибий қисми. У инновация соҳасидаги стратегия ва устувор инновация дастурлари ҳамда лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг юридик механизmlарини белгилаб беради¹⁸⁹.

Унинг шаклланиши ва амалга оширилиши мамлакатнинг интеллектуал, илмий-техник ва ахборот-ҳуқуқий салоҳиятидан ишлаб чиқаришда энг кам муддатда ва юқори самара билан фойдаланиш имконини беради, бу эса иқтисодиётдаги таназзулни бартараф этиш, уни тузилмавий қайта қуришни таъминлаш ва бозорни рақобатбардош ранг-баранг маҳсулот билан тўлдиришга шароит яратади.

Иқтисодиёт соҳасидаги инновация-ҳуқуқ фаолияти – ҳуқуққа асосланган, тугалланган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ҳамда илмий-техник ютуқларни бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирил-

¹⁸⁷ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасdir. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 178-бет.

¹⁸⁸ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасdir. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 279-бет.

¹⁸⁹ Теория государства и права. М., 2001, 603-бет.

ган маҳсулотда, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёхуд такомиллаштирилган технологик жараёнда рўёбга чиқаришга йўналтирилган жараёнdir.

Дарҳақиқат, давлатнинг иқтисодиётнинг барча соҳаларини, уларнинг инновация фаолияти хусусиятини ҳисобга олмай, қўллаб-қувватлашга ҳамда устувор жиҳатларини ажратишга уриниши бозор муносабатларини, айниқса, ўтиш даврида, муваффақият билан ривожлантиришга имкон бермайди.

Чунончи, мамлакатимизда «иктисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичига олган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўринда туриши зарур.

Бу жараёнда маҳаллий хом ашё ва табиий имкониятлар асосида ишлайдиган, илфор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, айни вақтда ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга асосий эътибор қаратилиши керак»¹⁹⁰.

Инновация фаолиятини меъёрий-хукуқий таъминлашни, уни рафбатлантириш механизmlарини, институционал ўзгаришлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни давлат инновация сиёсатининг асосий йўналишларига киритиш лозим. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида шуни эътиборда тутиши керакки, у устувор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рафбатлантириши, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаши (нефть – нефть мустақиллиги, энергетика – энергетика мустақиллиги, дон – ғалла мустақиллиги, пахта-

¹⁹⁰ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 341-бет.

ни қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқти-
садиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича из-
чил сиёсат ўтказиши керак»¹⁹¹, – деб ҳисоблади.

Инновация сиёсатини амалга оширишнинг асосий методлари, биринчи навбатда, институционал ва қонун-
чилик шартларини шаклантиришдир. Шу мақсадда ин-
новация фаолияти ва инновация жараёни тўғрисида,
инновация ечимлари тизимини яратиш, шу жумладан
интеллектуал мулк бозорини ривожлантириш ва ин-
теллектуал фаолият натижаларини хўжалик юритиши-
да фойдаланишга жалб этиш, илм-фан кучи сарфла-
надиган, юқори технологик ишлаб чиқаришга маблағ
қўядиган инвесторларни ва турли мулқдорларни дав-
лат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун-
лар ишлаб чиқилиши лозим.

Хорижий ҳамкорлар билан илм-фан кучини сарф-
лашни талаб қиласидиган ўз маҳсулотларимизни ишлаб
чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш бўйича қўшма
корхоналар очиш учун шарт-шароит яратишга, ин-
новация лойиҳалари бўйича ахборот алмашиш учун
халқаро ахборот тизимига киришга қаратилган қарор-
лар ҳам муҳим ҳисобланади.

Албатта, бу йўналишда институционал ўзгаришлар
(инновация соҳасида хусусийлаштириш, монополия-
дан чиқариш, кичик тадбиркорлик ва бошқалар)нинг
роли ғоят катта.

Шу боис, мустақилликка эришилгач, бозор иқти-
садиётини барпо этиш мақсади қўйилганда, дарҳол
ҳуқуқий асос яратиш зарурати юзага келди.

Бизда бозор муносбатларига ўтиш босқичма-босқич
амалга оширилаёттани ва бу жараён икки босқичга бўли-
ниши яхши маълум. Биринчи босқич иқтисодий исло-
ҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратишни ўз ичига олади.

¹⁹¹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Т.,
«Ўзбекистон», 1996, 319-бет.

Янги қонунларнинг бутун бир пакетини ишлаб чиқиб, қабул қилиш бир қанча сабабларга кўра тақозо этилди.

Биринчи сабаб шундан иборатки, «илгари амал қилиб келган қонунлар аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилиш манфаатларига хизмат қиласди. Бошқариш ва хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини ёқладиган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулки бўлишини тан оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни батамом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қоидалар расман мустаҳкамлаб қўйилган эди»¹⁹².

Иккинчи сабаб илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатлари собиқ Иттифоқ нормаларга қаратилган бўлиб, республикамизнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олмасди.

Учинчи сабаб шу билан боғлиқки, «биз янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлимизни, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. Шу сабабли бошқа мамлакатларнинг қонун меъёрлари ва ҳужжатларидан фойдаланиш, ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам, биз учун номақбул эди»¹⁹³.

Ислом Каримов асаларининг 3-томига киритилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида қайд этилганидек: «**Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида** биз ҳуқуқий асосларни яратишида ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтиридик.

Биз ўзимиз учун жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олишимиз кераклиги тўғрисида му-

¹⁹² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасdir. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 192-бет.

¹⁹³ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасdir. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 194-бет.

хим хулоса чиқариб олдик. Қонун ижтимоий ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолиши керак. Бунинг учун биз чуқур ўйлаб ишланган, ҳар томонлама асосланган, узоқ муддат амал қиласиган қонунларга эга бўлишимиз керак»¹⁹⁴.

Ушбу қоидалар қўйидагича бажарилиши лозим эди: фундаментал, барқарор ва узоқ амал қиласиган нормалар ва қоидалар қонунларда ўз аксини топади. Қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган талаблар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши шарт. Ислоҳотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий негизи сайқалланиб ва такомиллаштириб борилади, қабул қилинган қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритилади. Бу ҳол қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг амалда таркиб топаётган ижтимоий-иктисодий шароитлар билан бевосита алоқасини кучайтириш имконини беради.

Фармонларда қабул қилинадиган ечимлар ҳукумат қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ, чора-тадбирлар ҳамда ҳукумат қарорлари билан мустаҳкамланади. Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иктисодий ислоҳотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан жадал тартибга солиш, иктисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади.

Шундай қилиб, биринчи босқич якунланиши билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг яхлит, илғор тизими таркиб топди, деб ишонч билан айтиш мумкин бўлади.

Зотан, ҳуқуқий асос бир қанча муҳим йўналишларда амалга оширилди:

¹⁹⁴ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 194-бет.

1) давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини яратиш — «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонулар қабул қилинди;

2) тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга ва, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмuinи яратиш. Мамлакатда мулкдорлар ҳуқуқи тан олинади ва қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон шўро тузумидан кейинги маконда мулкчилик ҳуқуқини биринчилардан бўлиб эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитлар яратди;

3) хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор муносабатларига мос келадиган янги механизмини яратиш. Бу йўналиш корхоналар тўғрисидаги қонун, кооперация тўғрисидаги, дехқон хўжалиги тўғрисидаги ва бошқа қонунларни қамраб олади. Уларда янги хўжалик механизмининг асосий қоидалари илк бор баён қилиб берилган. Бу қоидалар иқтисодий манфаатдорликка, фойдага ва ўз фаолияти натижалари учун моддий жавобгарликка таянади;

4) Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормаларни яратиш. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисидаги, валютани тартибга солиш тўғрисидаги, халқаро пактларни имзолаш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди;

5) инсоннинг ишончли конституциявий ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашни таъминлайдиган қонуларни ишлаб чиқищдан иборатdir.

Давлат ва жамият ҳаётининг Асосий қонуни – Ўзбекистон Республикасининг илк Конституцияси қабул қилиниши биринчи босқичда бутун қонун ижодкорлиги фаолиятининг гултожиси бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичига қадам қўйди. Бу босқичда бозор тузилмаларини шакллантириш поёнига етказилиши, солиқ, молия, пул-кредит сиёсатини, иқтисодий соҳадаги эркинлаштиришни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгиланган:

Биринчи – давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича ишни охирига етказиш.

Иккинчи – ишлаб чиқариш таназзулини бартараф этиш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналар, тармоқлар, шунингдек, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш.

Учинчи – миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш.

Тўртингчи – иқтисодиётимиз тузилмасини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатга бардошлилигини жаҳон бозори талаблари дараҷасига етказиш.

Шу ўринда: бозор тизими амал қилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда давлатнинг ролини қандай белгилаш мумкин ва умуман белгилаш мумкинми? – деган саволга бевосита яқинлашдик.

Давлат ва бозор тизимининг ўзаро муносабатлари муаммоси кўплаб мураккаб масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлиб, улардан бири, сўзсиз, *рақобат масаласидир*. Шу муносабат билан савол туғилади: рақобат деганда аслида нима назарда тутилади? Ҳўжалик юритувчи барча субъектлар учун ҳалол рақобат учун зарур шарт-шароит яратишда давлатнинг роли қандай бўлади?

Бозор тизими самарали амал қилишида унинг қоидаларининг тўсиқсиз амалга оширилишини ҳуқуқий таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда: а) бозор тизими: иқтисодий эркинлик ва нарх-наво рақобати амал қилишининг асосий шартларини қўллаб-қувватлаш учун тегишли ҳуқуқий асос яратиш; б) бозор муносабатлари субъектлари орасидаги «ўйин қоидалари»ни белгилаш ҳамда таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг энг муҳим функциялари сифатида намоён бўлади.

Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш – давлатнинг асосий функцияларидан биридир. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам иқтисодий эркинлиги хусусий мулк институти билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «хусусий мулк» бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги илк бор эълон қилинган (53-модда).

Шартномалар шартларига давлат томонидан кафолатланган тарзда риоя этиш мулк ҳуқуқи мустаҳкамлигининг мантиқий давоми сифатида намоён бўлади. Бу функция фавқулодда аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг заифлиги эмас, балки ҳўжалик даъволари бўйича ҳакамлик судлари қарорларини бажаришнинг таъсирчан механизми йўқлиги муайян даражада мамлакатимизда бизнес унчалик яхши ривожланмаётганлигининг сабаби ҳисобланади. Худди шунинг учун ҳам иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси кун тартибига «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилганди. Бундай қонунни қабул қилишнинг долзарблиги 2000 йилнинг ўзида судлар томонидан берилган 3000 дан зиёд ижро варақасининг учдан биригина ундирилгани билан асосланади. Суд ижро чиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда, улар ҳозирги пайтда суд ти-

зимиға киради, айни чоғда улар суд қарорлари бажа-рилишини кузатишади. Шу боис уларни ижро этувчи органларга киритиш лозим.

Бозор муносабатлари субъектлари орасидаги «ўйин қоидалари»ни аниқлашда давлатнинг ҳам ўрни ва роли жуда муҳим.

Хўжалик фаолиятида турли иқтисодий манфаатларга эга кўплаб субъектлар иштирок этади. Шунинг учун давлат аниқ ва очиқ-ойдин таърифлаб берилган қонунлар қабул қилиши ва ҳам ишлаб чиқарувчилар ўтасидаги, ҳам умуман улар билан истеъмолчилар ўтасидаги муносабатларни тартибга солувчи зарур шароитларни яратиши муҳим.

Давлат ушбу функцияни бажара бориб, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар муносабатларида амал қилиши лозим бўлган хулқ-атвор (хатти-ҳаракат) қоидаларини жорий этади. У сифат стандартларини, вазн ўлчовини аниқлади, уларга риоя этилишини назорат қиласи, қалбаки озиқ-овқат маҳсулотларини ва дори-дармонни сотишни тақиқлади, маҳсулот албатта маркировка қилинишига, ўровида соғ вазни ва маҳсулот таркиби кўрсатилишига эришади ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш бўйича бир қатор бошқа ишларини амалга оширади.

Шу маънода давлатнинг атроф муҳитга салбий таъсирни бартараф этиш ёки камайтиришга қаратилган фаолияти ҳамда қонунчилик чоралари муҳим аҳамият касб этади.

Ўтиш даврининг бошланғич палласида давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги тадбирларнинг кўпчилигидан бозор тизимини ва унинг амал қилиш шарт-шароитини ташкил этиш мақсади кўзда тутилади. Одатда, бу лицензиялаш механизмлари ва тартиб қоидаларини, монополияга қарши чораларни жорий этиш, корпорацияларни ва молиявий ҳисобнинг муйаян параметрларини рўйхатга олишда намоён бўла-

ди. Бироқ бунда мөъёр бўлиши лозим. Ҳозир, айниқса, келажакда асосий вазифа иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат бўлади, бу эса, «*энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат*.

Айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегишили ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишмиз керак»¹⁹⁵.

Шунингдек, давлат хусусий рақобатни таъминлаш учун монополияга қарши қонунларни яратиб, рақобатли мухитни таъминлаш кафолати сифатида ҳам намоён бўлади.

Бозор муносабатларини қарор топтириш ва ривожлантириш учун рақобатнинг зарурлиги шубҳасиз. «Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар учун қонун йўли билан вужудга келтириладиган тенг иқтисодий шароитлар доирасида ишлаб чиқаришнинг у ёки бу шаклларининг афзалликларини холисона баҳолаш имкониятлари пайдо бўлади. Мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-харажат қилган ҳолда янада юқори сифатли ва энг арzon нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундаиди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-

¹⁹⁵ И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 337-бет.

техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қиласди»¹⁹⁶.

Иқтисодиёт амал қилишининг бозорга хос моделини ҳозирги шароитда айнан рақобат анча афзал қиласди.

Бироқ рақобат табиатида жиддий камчилик мавжуд. Рақобатга асосланган бозор муносабатлари **монополиялар** пайдо бўлиши учун шароит яратади. Рақобат кураши ҳар бир иштирокчисининг орзу қилган мақсади рақобатни бартараф этиш бўлиб, у охироқибатда иқтисодиётни монополиялашибдиришга олиб келадики, бу ҳол истеъмолчи эркинлиги ва кўламини торайтиради. Эркин рақобатни инкор этишга асосланган монополия бозордаги вазиятни анча ёмонлаштиради. Истеъмолчининг эмас, балки ишлаб чиқарувчининг устунлиги аниқ-равшан бўлиб қолади. Натижада нарх-наво ва фойда муттасил ортиб боради.

Шунинг учун ҳозирги бозор иқтисодиётида эркин рақобатни таъминлаш – давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Кўпчилик мамлакатларда шу мақсадда ноҳалол рақобат тўғрисида қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар амал қилмоқда. Мазкур қонунлар ушбу қоиданинг лаёқатлилигини кафолатлаши, ноҳалол рақобатнинг салбий оқибатларини бартараф этиши даркор.

Кўпчилик мамлакатларда рақобат қоидаларини ҳимоя қилиш учун рақобатлашувчи сотувчилар ўртасида монопол нархларни сақлаб туриш ва бозорда таъсир кўрсатиш соҳаларини тақсимлаб олиш тўғрисида бирон-бир битим тузишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинган.

Монополияга қарши қонунлар даставвал АҚШда шакллантирила бошланганди, бу ерда 1887 йилдаёқ темир йўл тарифларини тартибга солувчи Штатлараро

¹⁹⁶ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 306-бет.

савдо комиссияси тузилганди. 1890 йилда эса қўшма Штатлар Конгресси трестларга қарши Шерман қонуни деб аталувчи ҳужжатни қабул қилганди. Қонуннинг асосий маъноси айрим штатлар ўртасидаги савдони чеклашга ва ушбу савдонинг қандайдир қисми-ни монополиялаштиришга йўналтирилган ҳар қандай контрактлар, уюшмалар ва маҳфий битимларни та-қиқлашдан иборат эди. Кейинчалик Шерман қонунинг асосий қоидаларини тўлдирувчи, аниқловчи ва янада ривожлантирувчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Клейтон қонуни ва Федерал савдо комиссияси қонуни шулар жумласидандир. Клейтон қонунида рақобатни заифлаштиришга олиб келувчи рақобатчиларнинг ҳар қандай қўшилишини тақиқловчи маҳсус банд мавжуд эди.

Яна бир мисол – ГФР Бундестаги томонидан 1957 йилда қабул қилинган рақобатни чеклаш тўғрисидаги қонундир. Уни баъзан «ижтимоий бозор хўжалигининг асосий қонуни» ҳам дейишади. Шу соҳадаги қонунларга мувофиқ, ГФРда мижозни алдаш ва ёлғон ахборот, бошқаларнинг товар белгиларидан қалбакилаштириб фойдаланиш, рақобатчи шаънига танқидий рекламалар уюштириш, шубҳали маълумотларни тасдиқлаш, тарқа-тиш ва бошқалар ноҳалол рақобат ҳисобланади.

Ўзбекистонда бу масалага катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунлари ва 2001 йилнинг устувор вазифала-рига бағишланган мажлисдаги маърузасида истиқболда-ги устувор вазифалар сифатида қўйидагиларни таъ-кидлади: «Товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида ра-қобат муҳитини яратиш ва монополиядан чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини якунига етказиш зарур. Биз учун бу масала кун сайин янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда, чунки уларни ҳал этмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақил-лигини, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини таъмин-

лаб бўлмайди. Бу бугунги кунда бозор ислоҳотлари йўлидан ривожланишнинг муҳим таркибий шартига айланиб бормоқда»¹⁹⁷.

Шу ўринда: Давлат ва бозор тузилмалари манфаатларининг нисбати қандай? – деган саволга жавоб излайлик.

Иқтисодий-ҳуқуқий адабиётларда ҳали ҳам бозор иқтисодиёти ва давлат, бозор ва давлат кўпинча қарама-қарши қўйилади. Тўғри, бозор — бу, энг аввало, хусусий сектор, давлат эса бутун жамият манфаатларига хизмат қилувчи оммавий сектордир. Шундай бўлсада, бу қарама-қарши қўйиш учун асос бўла олмайди.

Зеро, яхлит ҳолда олинган иқтисодий тизим бутун жамият манфаатлари ҳамда эҳтиёжларига хизмат қиласди.

Давлат жамоавий тадбиркор сифатида ўзи бозор ва бозор муносабатлари қатнашчиси эканлиги фактини ҳам унутмаслик керак.

Бундан ташқари, капиталнинг ўзини ўзи қоплаши муддати узоқ бўлган ишлаб чиқариш турлари ҳам бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд, жамиятни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Натижаларини моддий қоплаш атамаси билан бевосита ўлчаб бўлмайдиган соҳалар ва институтлар ҳам бор. Бу, масалан, таълим ва соғлиқни сақлаш, меҳнатта яроқсиз аҳолига моддий ёрдам, фундаментал фанлар, мудофаа қобилияти, ҳуқуқ-тартибот мухофазаси ва бошқалар.

Бозор захиралардан самарали фойдаланиш ва қайта тақсимлашни таъминлаши лозим, албатта. Бозор механизмлари иқтисодиётнинг автоматик тарзда ўзини ўзи тартибга солишини таъминлай олади деб ҳисобловчи иқтисодчилар ҳам оз эмас. Айни пайтда давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви эса ортиқча ва ҳатто зарарли деб қаралди.

¹⁹⁷ И.А.Каримов. Ватан равиақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т., «Ўзбекистон», 2001, 261-бет.

Зотан, бозор иқтисодиёти «соф кўринишда», жамиятдан ҳамда давлатдан ташқарида мавжуд бўлмаган ва бўлолмайди ҳам. Таъкидлаганимиздек, бу тезис, ўтиш даври иқтисодиёти тўғрисида гап кетганда, айниқса, мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам бозорга ўтишни давлатни иқтисодий ҳаётдан тўлиқ четлаштириш сифатида тушунмаслик лозим. Давлат томонидан фаол иш олиб борилмаса, нормал бозор иқтисодиёти амал қила олмаслигини ҳаёт кўрсатди, амалиёт эса тасдиқлади.

Боз устига, бозор аҳоли бандлигини зарур даражада таъминлаш ва сақлаб туриш учун чекланган имкониятларга эга. У такрор ишлаб чиқарилмайдиган заҳираларни сақлаб туришга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам бермайди. Бозор доимо пулдорлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлади.

Бинобарин, «Давлатнинг бошқарув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан иқтисодиётнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлаш қийин кечади.

Ўз-ўзидан равшанки, бозор муносабати меъёрлари мустаҳкамланиб, ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги таъминланиб борган сари давлатнинг таъсири ҳам шунга мувофиқ равишда изчиллик билан камайиб бораверади»¹⁹⁸.

Давлат якка тартибдаги тадбиркорларнинг иқтисодий мақсадларини амалга ошириш учун ишончли ижтимоий-хуқуқий шарт-шароит яратиши даркор. Бу шарт-шароитнинг хуқуқий негизи, бир томондан, фуқаролик ва хўжалик хуқуқидан, босхана томондан эса, рақобатли муҳитни қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар тизимидан таркиб топади. Давлатнинг яна бир жуда муҳим вазифаси – иқтисодий самараదорлик билан ижтимоий адолат ўргасидаги мувозанатни таъминлашдир.

¹⁹⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 163-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Ка-
римов Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма маж-
лисидаги маърузасида иқтисодиётимизга, айниқса,
унинг ривожланишининг устувор йўналишларига му-
ҳим ўрин ажратди. Бироқ иқтисодий соҳадаги усту-
вор йўналишларни баён этишга киришишдан олдин,
**давлатимиз бошлиғи мамлакат иқтисодиётининг 2004 йилдаги ривожланишининг асосий натижала-
рини баён этди.**

Ушбу маърузада мамлакатимиз раҳбари 2004 йил
осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчани
қувонтиришини алоҳида қайд этди.

Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъ-
минланди, макроиктисодий ва молиявий барқарорлик
мустаҳкамланди, иқтисодиётнинг мутаносиблиги ку-
чайди. Бу рақамларда ўз ифодасини қўйидагича топа-
ди: а) ялпи ички маҳсулот 7,7 % га ўсди; б) саноат
маҳсулоти ҳажми 9,4 % га; в) истеъмол моллари чиқа-
риш – 13,4 % га, жумладан, ноозиқ-овқат моллар –
18,6 % га ўсди.

Иккинчидан, инфляциянинг энг паст даражасига –
3,7 % га эришилди, аҳоли даромадлари эса 15 % га ортди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми
10,1 % га ўсди. Бошоқли экинлар ҳосили 4,8 миллион
тонна донни ташкил қилди; пахта ҳосили 3,5 миллион
тонна бўлди.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари етакчи
ўринни эгаллай бошлади, уларнинг сони 85,5 мингга
етди ва айнан улар энг муҳим қишлоқ хўжалик экин-
ларининг асосий етишитирувчилари бўлиб қолишмоқда.

Тўртинчидан, маҳсулот экспорти ҳажми 30 % га,
тайёр маҳсулот ҳажми 52 % га ўсди. Ташқи савдо мұ-
носабатларида 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд
ҳажмда ижобий сальдога эришилди.

Бешинчидан, 2004 йилда иқтисодиётда кичик биз-
нес ва хусусий сектор кўлами ва ҳажми ўсди. Корхо-

налар сони 14 % га кўпайди, натижада 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш имкони яратилди, бу 2003 йилдагига нисбатан 14 % кўп демакдир. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ҳиссаси 35,6 % ни ташкил қилди.

Давлатимиз бошлиғи бу ютуқларни мутлақ ютуқ деб ҳисобламайди. Масалан, мажлисдан олдинроқ, 2005 йил 20 январда Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюсида Ислом Каримов бундай деди: «Масалан, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 36 % ини бераётган кичик бизнес билан бөвлиқ айрим муаммолар бор. Албатта, бу натижка ҳам ёмон эмас, лекин мен масалани бошқача, яъни бу кўрсаткични 50-60 % даражасига кўтариш тарзida қўймоқчиман. Чунки, кичик бизнес ишсизликни қисқартириш, янги шароитга тезкорлик билан мослашиш, ўз фаолиятини қайта ташкил этиш имконини беради. Ва табиийки, шунда иқтисодиётимиз соғлом, жаҳон конъюнктураси ва рақобати қонунларига осон мослаша оладиган бўлади»¹⁹⁹.

Олтинчидан, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 5,2 % га ошиб, ялпи ички маҳсулотнинг 20 % дан зиёдини ташкил қилди. Бунда иқтисодиётимизга, айниқса, нефть, газ, тўқимачилик саноати каби тармоқларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кескин, яъни 1,5 баробар кўпайди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Айниқса, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш тўғрисида алоҳида тўхталиш жоиз. Узунлиги 681 метрлик автомобиль-темирийўл кўприги барпо этилди. Янги Тошгузар – Бойсун – Қумқўргон темир йўл магистрали қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда.

¹⁹⁹ И.А. Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 17-18-бетлар.

Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Ангрен йўналиши бўйича электр поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Еттингчидан, маъмурий ислоҳотлар ўз ижобий на-тижаларини бермоқда, бу жараёнда 20 га яқин давлат бошқаруви органлари қайта қурилди ва 40 мингдан зиёд штат бирлиги тутатилди ёки бошқарув ходимла-ри сони 22 % га қисқарди.

Моддий ресурсларни тақсимлашнинг марказлашти-рилган тизимиға барҳам берилди, товар-хом ашё бир-жалари фаолияти тубдан ўзгартирилди.

Юқори ликвиди ва харидоргир товарлар: пахта то-ласи, линт, бензин ва дизель ёқилғи, минерал ўйтитлар, ўсимлик мойи, ун биржа савдоларида сотилади.

2004 йилда кўлга киритилган натижаларимизга Халқаро валюта фонди миссияси юқори баҳо бериб, иқтисодиётдаги бурилиш даври, деб атади. Бунда «бюд-жет кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилгани, жумладан, кенг кўламли хусусийлаштириш ишлари амалга оширилгани, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалик ширкатлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилгани, маъмурий ислоҳотлар ўтказилганига эъти-бор қаратилди»²⁰⁰.

Бундан ташқари, «Наследие» фонди ва «Уолл стрит журнэл» томонидан тайёрланган ва «Вашингтон тай-ме»да чоп этилган Иқтисодий эркинлик индекси бўйи-ча Ўзбекистон жаҳондаги сезиларли тараққиётга эриш-ган ўнта давлат қаторига киритилган²⁰¹.

Маърузага Ислом Каримов 2004 йил якунлари-дан сўнг, 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни амал-

²⁰⁰ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демо-кратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 75-бет.

²⁰¹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демо-кратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 75-76-бетлар.

га оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топди.

Асосий устувор вазифа, аввалгидек, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни яна-да эркинлаштиришдан иборат.

Иқтисодиётдаги эркинлаштиришни амалга ошириш учун зарур бўлган устувор жиҳатларга тўхталишдан олдин, Ислом Каримов нималарни эркинлаштиришнинг бош вазифаси, деб ҳисоблашини ёдга олайлик. Булар – давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш, бунинг учун ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит яратиш кабиладир.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида Ислом Каримов бу йўналишда кўп иш қилинганини, бироқ яқин орада қилинадиган иш ҳали ҳам кўплигини қайд этди. Ҳал этилмаган шундай масалалардан бири *аҳоли иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришдир*. Бу масала мамлакат Президентини мудом ташвишга солиб келаёттанини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида (1999 йил) ҳам Президент бу масалани кўтарганди. Жумладан, у шундай деганди: «Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, биз, энг аввало, ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақлимиз. Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8–2,0 баравар оширишга имкон беради»²⁰².

²⁰² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 397-бет.

«Ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ўсиши унинг харид қобилиятини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажми-ни кенгайтириш ва мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди»²⁰³.

Айни пайтда аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларда кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини кескин ошириш ва рўйхатини кенгайтириш даркор.

Молиявий маблағ оқимини йўналтириш мумкин бўлган уй-жой қурилишини рағбатлантириш ҳамда уй-жой бозорини шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, тижорат банклари аҳолининг пул маблағларини депозитларда, айниқса, узоқ муддатли депозитларда сақлашдан манфаатдорлигини кучайтиришлари даркор.

Иккинчи устувор вазифа — хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш.

Ҳозир хусусий бизнес амал қиладиган муҳит анча кенгайди, бироқ унда барча масалалар ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Уларни ҳал этиш учун:

Биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

Иккинчидан, хўжалик субъектларига нисбатан қўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиши, қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ёки тадбиркорлар етказилган зарарни қоплаган ҳолларда ундан воз кечиш.

Шу мақсадда Адлия, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари шундай кафолатлар яратишга қаратилган таклифларни киритишиди.

²⁰³ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 78-бет.

Учинчидан, хусусий тадбиркорларнинг ресурслар бозоридан ва сотув бозоридан баҳраманд бўлишини кенгайтириш.

Тўртингичидан, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, шу жумладан ҳалқаро молия институтлари (Ҳалқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки) ёрдамида бериш.

Учинчи муҳим устувор вазифа – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш.

2007 йилга келиб ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ҳиссасини камида 45 % га етказиш вазифаси қўйилмоқда.

Шу мақсадда барча манфаатдор тузилмалар қўшимча кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини тайёрлаши керак, бу лойиҳа қуидагиларни ўз ичига олиши даркор:

1. Солиқقا тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг аниқ усусларини ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғуланиш учун рухсат бериш тартибини қисқартириш ва соддлаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Ҳар хил турдаги ва йўналишдаги кичик корхоналарни очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналар ва фуқароларнинг моддий-техник таъминоти ҳамда маҳсулотини, айниқса, қишлоқ жойларда сотиш бўйича таъминот тузилмаларини яратиш.

Зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли ширкатлар ҳамда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш дастурини назорат остига олиш зарур, бу дастурда 2005—2007 йилларда 1100 та, шу жумладан 2005 йилда 406 ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш назарда тутилган.

Тўртинчи устувор вазифа — банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш. Гап молия ва банк тузилмаларининг қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасининг барқарорлигини, миллий валютанинг мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш ҳақида бормоқда. Шунингдек, гап банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ҳамда маблағларни инвестиция мақсадларига йўналтириш чораларини кўриш ҳақида бормоқда.

Навбатдаги (бешинчи) устувор вазифа — уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратишдан иборат.

Ислом Каримов асосли равишда қайд этганидек: «Коммунал хизматлар, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу эса ана шу ресурсларнинг кўплаб исроф бўлишига, тарифларнинг асоссиз ўсишига, ахоли қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда»²⁰⁴.

Президентнинг фикрича, бизда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, ахолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмаганлиги туфайли булар содир бўлмоқда.

Кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган уй-жой мулқдорлари ширкатлари турар-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман бехабар бўлган, тасодифий кишиларга топшириб қўйилган. Уй-жой-коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасида ҳам бозор механиз-

²⁰⁴ И.А.Каримов. Бизниснинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 86-87-бетлар.

ми амалда шакллантирилмаган, буларнинг барчаси ҳақли равищда аҳолининг жиiddий эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолат учун, биринчи навбатда, ҳукумат, вилоят ва шаҳар ҳоқимликлари, Тошкент шаҳар ҳоқимлиги жавобгардир. Қисқа муддатда уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган кенг кўламли Дастур тайёrlаш, унинг ижроси бўйича барча қатъий чораларни кўриш даркор.

Навбатдаги принципиал муҳим устувор вазифа – солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришdir.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Юқорида зикр этилган устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди. 1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермайди. ...Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илфор таж-рибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга»²⁰⁵, – дея алоҳида таъкидлайди. Айни пайтда «Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин»²⁰⁶.

Солиқлар аниқ йўналтирилган (адресли) бўлиши лозим. Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор.

²⁰⁵ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 88-89-бетлар.

²⁰⁶ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 89-бет.

Солиқ органларини ташкил этишнинг бутун тизимида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Уларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб борищдан иборатdir.

«Шу муносабат билан Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Савдо-санаот палатасини жалб қилган ҳолда, амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ, бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлашлари ва тасдиқлаш учун киритишлари зарур»²⁰⁷.

Президент томонидан айтиб ўтилган, амалга оширилган тақдирда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилашни таъминлаши мумкин бўлган асосий йўналишлар ва устувор жиҳатлар шулардан иборат.

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи ўтган даврга якун ясаган ва истиқбол вазифалари белгилаб берган Дастурий ҳужжат ҳисобланади. Унда, шунингдек, бош мақсад – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш ҳам таърифлаб берилди.

Давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов маъруза хулосасида икки палатали парламент тузилиши ҳодиса-

²⁰⁷ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 90-бет.

сига яна бир бор мурожаат қилиб, ушбу воқеанинг мамлакатимиз учун аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Жумладан, у бундай деди: «Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида икки палатали парламентнинг фаолият юритиши барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўяди, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Депутатларнинг Қонунчилик палатасида доимий ва профессионал асосда ишлаши, биз учун мутлақо янги, тажрибамизда синалмаган фаолият шаклидир. Шу маънода, қонунчилик ҳокимиятини бундай шаклда, бундай асосда ташкил қилиш барчамиздан нечоғли сафарбарликни талаб этишини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Айни пайтда бу юқори палата – Сенатда ҳам мутлақо янги бўлган ишни ҳар тарафлама ўзлаштириб олишимизни талаб қилади.

Энг муҳими, парламентимизнинг қуи ва юқори палаталарининг бир-бирини тушуниб, баҳамжиҳат, самарали ишлашини таъминлаш учун икки томондан ҳам ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат кўрсатиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деб ўйлайман»²⁰⁸.

²⁰⁸ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 91-92-бетлар.

ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида маъруза қилди. Шу куни, мамлакат Конституциясига мувофик, Бош вазир ва ҳукумат янги сайланган парламент олдида ўз ваколатини зиммасидан соқит қилди. Сўнг Олий Мажлис қўйи ва юқори палаталари Бош вазир номзодини тасдиқлади, ҳукумат аъзолари таркиби мамлакатимиз Президентининг 4 февралдаги Фармони билан тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов шу йилнинг 7 февралида Оқсанор қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан йиғилиш ўтказиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил ва келгуси даврдаги асосий вазифалари ҳақида атрофлича фикр юритди. Шунда у қуйидаги-ларни таъкидлади: «Авваламбёр, муҳим бир масалани аниқлаб олишимиз керак. Янги ҳукумат, унинг таркибида иш бошлайтган ҳар қайси вазир, Вазирлар Маҳкамасининг комплексларини бошқарадиган Бош вазир ўринбосарлари ва уларнинг барчасига раҳбарлик қилиб, бошини қовуштириб турадиган Бош вазирнинг ўзи ана шу вазифа ва йўналишларни, уларнинг устувор жиҳатларини қандай тушунади ва уларни қандай бажармоқчи, ишни нимадан бошламоқчи?»²⁰⁹

²⁰⁹ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 65-бет.

Айни пайтда бу саволлар Ислом Каримов томонидан ҳукуматнинг 2004 йилдаги иши якунларига бағишланган кенгашда берилгани ҳам бежиз эмас. Шу боис Президентимиз ўз нутқини ислоҳотларни амалга ошириш ва эркинлаштириш жараёнларига ғов бўлиб турган масалаларнинг ечимини топишга бағишлишни зарур, деб топди.

Шундай ғов-тўсиқлар мавжудми? Шубҳасиз, мавжуд улар. Тўғри, мамлакатимиз истиқдолнинг 14 йили мобайнида кўп нарсаларга эришди. «Бу борада биз танлаган модель, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўзини оқлаганини кўп-кўп мисолларда кўришимиз қийин эмас. Бу – ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатдир»²¹⁰. Айнан шу ҳолат мамлакатнинг 2004 йилдаги ривожланишининг муваффақиятли якунларининг негизи ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш томон тутилган йўл – ривожланишининг истиқболдаги устувор вазифалари ҳамда йўналишларини ҳал қилишнинг асосидир. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтганди.

Бироқ Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мажлисидаёқ таъкидлаганидек, *босиб ўтган ўйлимизни танқидий баҳолаш, олумиз да турган энг муҳим ва етакчи вазифаларни белгилашда мана шу ерга ўтирган ҳукумат аъзоларининг ҳиссаси ва улуши қандай бўлди, деган саволга, афусски, ижобий жавоб бериб бўлмайди.*

Айни маҳалда ривожланишимизнинг, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва ян-

²¹⁰ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон». 2005, 66-бет.

гилаш бўйича фаолиятимизнинг устувор вазифаларига мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш билан қаралмоқда, алоҳида эътибор берилмоқда. «Нега деганда, биз мамлакатимизни модернизация қилиш, барча соҳаларда ислоҳотларни чукурлаштириш, эркинлаштириш жараёнларини изчил давом эттирмас эканмиз, бир жойда депсиниб, тақа-тақ тўхтаб қолишимиз, ҳаттоки, кечаги кунга қайтишимиз ҳам ҳеч гап эмас»²¹¹.

Шу билан бирга, давлатимиз бошлиғи таассуф билан таъқидлаганидек: «Умуман, хукумат ва унинг аъзолари зиммасига юклангандар қайси масалаларни олмайлик – бу иқтисодиётимизга ва хўжалик субъектларига ҳар томонлама эркинлик бериш бўладими, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш бўладими, хусусийлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни монополиядан холи қилиш ва соғлом рақобатни ташкил этиш бўладими, қўшни давлатлар ва хорижий ҳамкорларимиз билан иқтисодий муносабатлар, савдо-сотик масалалари бўладими, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш ёки бандлик ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўладими – уларнинг барчасида мавжуд муаммоларни ечиш учун, очиқ тан олиш керак, кўпчилик раҳбарларда масъулият, қатъият ва азму шижаот этиш-маслигини кўрин қийин эмас»²¹².

Бу – аччик, бироқ адолатли ва зарур танқид эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Маълумки, «Давлат бошқаруви турли мамлакатларда турли шаклларда бўлиши мумкин. Умуман бошқарувнинг қайси тури танланганидан қатъи назар ижроия ҳокимияти кимнинг қўлида бўлса, ўша одам давлат марказида бўлади. Президент

²¹¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005. 67-бет.

²¹² И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005. 68-бет.

бошқарувида Президент, парламентар-республика бошқарувида эса ҳукумат...»²¹³. Тўғри, бизда президентлик-республика бошқаруви, шу сабабли ижро этувчи ҳокимиятни Президент бошқаради, лекин бу ушбу йўналишда ёлғиз унинг ўзи ишлаши керак, дегани эмас.

Шу боис мамлакатимиз Президенти янги ҳукумат мамлакат олдида турган мазкур вазифаларни амалга ошириш учун қўйидаги талабларни бажариши зарур, деб ҳисоблайди.

Биринчи талаб – ҳар бир мансабдор раҳбар ўз ишига муносабатини тубдан ўзгартириши, унинг жавобгарлигини ошириш. Аввалги: «сен менга тегма – мен сенга тегмайман», – деган қоидани барҳам топтириш.

Иккинчи талаб. Ҳукумат аъзоларига катта ишонч билдирилган, улар шу ишончга муносиб бўлишлари даркор. «Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт... Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш – бу замон талаби»²¹⁴.

Янги парламентга сайловлар чоғида кўплаб ваъдадар берилди, шиорлар билан чиқилди, халқ уларга ишонч билдириди ва янги парламент, ҳукумат халқ яхшироқ яшаши учун бутун куч-файратини сарфлайди, деган ишонч билан яшамоқда.

Бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифа эл-юртимизнинг ана шу ишончига муносиб бўлиш, одамларнинг ҳаётини амалий ишлар билан яхшилашдан иборат, деб ҳисоблайди Президент. «Биз раҳбарлар бир нарсани қулоғимизга қўроғшиндай қўйиб олишимиз керак. Агарки, бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оиласиий аҳволида, рўзгор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижо-

²¹³ А.Азизхўжаев. Давлатчилик ва маънавият. Т., «Шарқ», 1997, 22-бет.

²¹⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 69-бет.

бий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол.

Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимизнинг самараси ва маҳсулли охир-оқибатда ана шундай мезон билан ўлчанади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз»²¹⁵.

Лекин, Президентимиз ҳақли равишда таъкидлага-нидек, «Бутун замон шиддат билан ўзгаряпти, аммо бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз жуда секинлик билан ўзгаряпти. Мени ташвишга соладиган, керак бўлса, қийнайдиган оғир муаммо ана шу»²¹⁶.

Ислом Каримов ҳозирги кунда биз турли қийинчиликларни бошимиздан кечираётганимизни, ҳали ечилимаган муаммолар ҳам кўплигини яширмайди. Айни маҳалда Юртбошимиз қуйидагиларни ишонч билан қайд этади: «Бу масалаларнинг асосий ечими, ҳеч шубҳасиз, юртимизда бошланган ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказищдан иборат. Содда қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дегани — бу қўл-оёғимизни кишан каби боғлаб турган ҳар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлиш дегани. Аслида иқтисодиётга нисбатан ишлатилган бу сўз бугунги кунда суд-ҳуқуқ масаласи бўладими, давлат ва жамият қурилиши ёки фуқаролик идораларини шакллантириш бўладими, оммавий ахборот воситалари ёки инсон ҳуқуқлари бўладими, жамиятимизнинг барча соҳасига даҳлдор бўлган роят муҳим масалага айланмоқда»²¹⁷.

Эркинлаштириш жараёнлари бугунги кунда, энг аввало, иқтисодиётда, хусусан, кичик бизнес ва тад-

²¹⁵ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 70-бет.

²¹⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 70-бет.

²¹⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 71-бет.

биркорлиқда ижобий ўзгаришлар қилишга күмаклаша-ёттанини таъкидлар экан, Ислом Каримов ўзига ўзи: «Бугун бу жараённи янада чуқурлаштириш учун нималар тұсиқ бўлмоқда?» деган савони беради. «Очиқ айтишм керак, — деб жавоб беради Юртбошимиз, — бунга авваламбор бюрократик аппарат тўсқинлик қилмоқда»²¹⁸.

Давлатимиз раҳбари мисол тариқасида истаган бир ҳокимнинг фаолиятини таҳлил қиласиди. Айтайлик, қишлоқ туманларидан бирида фаолият кўрсатаётган ҳокимнинг иши юзасидан мулоҳаза юритар экан, Юртбошимиз қуидагича фикр билдиради: ҳоким ягона самарадор бўлган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашиши лозим, чунки ширкат хўжаликлари, бир пайтлардаги колхоз ва совхозлар сингари, умрини яшаб бўлди.

Айни пайтда, бунинг учун бу ҳаракатта кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, ерни уларга 50—100 йиллик муддатта ижарага бериш лозим. Фермер хўжаликларини ёш боладек асраб-авайлаб тарбиялашимиз зарур, деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Тўғри, уларнинг орасида шартнома мажбуриятларини бузиб, ердан ўз ихтиёрича фойдаланадиган, номига фермерлик қиласидиганлари ҳам бор, улар кўпчиликни ташкил этмаса-да, бундай ҳаракатта чек қўйиш даркор.

«Бугунги кунда ҳокимлар бу ўта муҳим масалага айнан мана шундай кўз билан қараси даркор. Лекин амалда нима бўляпти? Кўпчилик жойларда фермерлик ниқоби остида ерни биринчи навбатда ўз қариндошуруғларига бериш ҳаракатлари учрамоқда... Албаттa, шундан кейин адолат бузилади, шундан кейин фермерлар нафақат ҳокимга, балки давлатга ҳам ишонмай қўяди»²¹⁹.

²¹⁸ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 72-бет.

²¹⁹ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 73-бет.

Сўнгги пайтларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган айрим собиқ амалдорлар минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари учун олдиндан ҳисоб-китоб қилмасдан, хўжаликларга бериб юбораверганлар. Ҳосил топшириш пайти келганда эса, турли баҳоналар рўкач қилинаверган, натижада минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқарганлар ойлик ололмай юраверишган.

Юқори ҳукумат мансабида ўтирган айрим шахслар бу масалада етарли даражада масъулият кўрсатмайди ва бунинг натижасида давлатга жуда катта зарар етади.

Иш бундай аҳволда давом этиши мумкин эмас. Бундай салбий ҳодисаларни тўлиқ бартараф этиш учун *самарали ишлайдиган бошқарув тизимини шаклантириш* лозим. «Ва бу тизим шундай ишлаши керакки, бордию бирғәр-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, ҳалқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур»²²⁰.

Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, Президент ўз нутқида ғоят муҳим бир фикрни айтиб ўтди: «Жамиятда ана шундай қараш, ана шундай тушунча шакланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади». Фикримизча, шубҳасиз, бу ўринда гап шунчаки қонун тўғрисида эмас, балки чинакам ҳуқуқий қонун ёки ҳуқуқ ҳақида бормоқда. Аслида ҳуқуқ ҳозирча бизнинг ҳаётимиздан тўлиқ ўрин ол-

²²⁰ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босчицида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 75-76-бетлар.

маганлиги, лекин тўлик ўрин олиши лозимлиги ҳақида гап кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, олимларга мурожаат қилиб: Бундай тизимни қандай қилиб яратиш мумкин, қонунга итоат қилмайдиганлар муқаррар жазоланишлари учун нима қилиш керак, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини қандай қилиб ошириш мумкин? – деган саволга жавоб беришни сўради²²¹.

Муаммо нимадан иборат? Назаримизда, ушбу вазиятга машҳур ҳуқуқшунос С.С.Алексеевнинг қуидаги сўзлари мос келади. У: «...ҳар қандай муаммо ҳокимиятта келиб тақалади, пировард натижада эса ҳокимият учун курашга айланиб кетади», – деб ҳисоблади. Биз, ҳозирги шароитда мамлакатимиздаги бутунги вазиятда бу шунчаки ҳокимият учун кураш эмас, балки *айнан ҳуқуқий ҳокимият учун курашдир*, деб қўшимча қилгимиз келади.

Ушбу муаммонинг хусусияти шу билан ҳам шарт қилиб қўйиладики, давлат ҳокимияти механизми са-марадорлиги даражаси кўпроқ фуқаролик жамиятиянинг етуклигига боғлиқ бўлади. Чунки чеклаш ва мувозанат тизимига конституциявий нормаларгина эмас, балки жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий анъаналари, унинг аҳвол-руҳиясига хос хусусиятлари ва, албатта, фуқаролик жамиятининг етуклиги ҳамда автономлиги ҳам киради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси умуминсоний қадрияtlар, демократик фуқаролик жамияти қоида ва тамойилларига таянади. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган, шу билан бирга уларни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари бизда таркиб

²²¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005. 76-бет.

топган. Қолаверса, фуқаролик жамиятининг умумэътироф этилган қоида ва тамойиллари бизнинг шароитимизда изчил, босқичма-босқич амалга оширилаётганилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Чунки анъ-аналарга таяниш, улардан оқилона фойдаланиш янги ташаббуслар ҳамда демократик ўзгаришлар даврида жамият барқарорлигига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон ва фуқаро тушунчасини фарқлаш фуқаролик жамияти ва давлатни бир-биридан фарқлашдан келиб чиқади ҳамда инсонни фақат давлат билан ўзаро боғлаб, унинг бир ёқлама қарашига барҳам беради, ижтимоий доирасини кенгайтиради.

Президент Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин — барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиласидиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини сунистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волонтиристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чоратадбир, деб тан олинади»²²².

Ўрганилаётган масаланинг хусусияти яна шундан иборатки, Конституция ҳокимиятнинг барча тармоқлари — Олий Мажлис, Ҳукумат, Президент, суд ҳокимияти ва умуман жамият ўртасидаги доимий ўзаро муносабат учун шароит яратади. Бу нима учун керак?

²²² И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т., «Ўзбекистон», 2002, 325-326-бетлар.

Гап шундаки, ҳокимият ҳаддан ташқари жамлангани учун муайян сифатлар касб этганда у янада чекланмаган тарзда, тобора жадал ўсишга, ўз мақомига мутлақлик, муқаддаслик, дахлсизлик хусусиятларини баҳш этишга интиувчи кучга айланади.

Энг кучли инсоний ҳис-ҳаяжонлар: ҳокимиятдан завқданиш, ҳокимиятга чанқоқлик, ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, ҳокимиятни эгаллашга интилиш ёки уни нима қилиб бўлса ҳам тутиб қолиш, янада кучайтириш шу аснода авж олади.

Ҳокимият ўз эгаларига зулукдай ёпишиб, уларни гаровга олади, кўпинча эса итоаткор қулларга айлантиради. «Ҳозир: «Ҳокимият бузади, мутлақ ҳокимият эса мутлақо бузади», – деган иборани қўллаш расм бўлган. Чиндан ҳам бузади у. Мутлақо бузади. Қани энди, фақат шунинг ўзи бўлса! Ҳокимият инсонни, унинг қадриятлар тизимини, маънавий дунёсини шикастлайди. Киши «ҳокимият тасарруфига» тушдими, унинг соҳибига айландими, бас, гёё уни алмаштириб қўйилгандек бўлади: қадам босиши ҳам сипо, ҳаракатлари ҳам равон, нутқи ҳам викорли бўлиб қолади. Зоҳиран қараганды шундай. Ботинда эса кўпинча янада даҳшатлироқ ўзгаришлар рўй беради, булар – ҳокимият сари кучли интилиш, оғир синовларга дош беришга ҳозирлик, ҳокимиятни қўлдан бой бериш мумкинлигининг ўзидан даҳшатга тушиш, қўлдан бой берганда эса, бой берилган ҳокимиятни ҳар қандай шиорлар билан бўлса-да, қайта қўлга киритиш учун бор кучини ишга солиш кабиладир»²²³.

Ҳокимиятнинг ўзини ўзи узлуксиз кучайтиришнинг бундай тамойиллари, айниқса, муайян жамиятда ички ёки ташқи қийинчиликлар, муаммолар бўлганда ёхуд ҳокимиятни эгаллаган кишиларнинг маълум гурӯхлари уни гуруҳий, этник, маҳаллий ёки уруғ-ай-

²²³ С.С.Алексеев. Тяжкий путь России к праву. М., 1997, 173-бет

моқчилик манфаатларига бўйсундирганда, баъзан «маънавий» жиҳатдан оқланади.

Ўзбекистон Президенти ўз асарларида ҳамда нутқларида ушбу муаммони кўп бор таъкидлаган. Жумладан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида қуидагиларни алоҳида қайд этиб ўтганди: «Маълум бир даражада қариндош-уругчилик билан боғланган одамларнинг бир-бирларига мадад беришлари ҳам мутлақо табиий бўлиб кўринади. Лекин қариндош-уругчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилас экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади...

...Уруғ-аймоқчиликнинг мақсади – ўз аъзоларини давлат ҳокимияти пиллапояларидан мумкин қадар юқори кўтаришдан иборат. Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белгি – унинг аъзоларининг бир жойда туғилганлигидир. Шуни назарда тутиш керакки, машфулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир»²²⁴.

Бу сатрларни Президентимиз саккиз йилдан зиёд вақт аввал ёзган бўлса-да, бу ҳодиса жуда яшовчан

²²⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 98-99-бетлар.

бўлиб чиқди. Шу боис Ислом Каримов Вазирлар Маҳ-камасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқида бу масалага яна қайтиб, қуйидагиларни уқтириди: «Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу – давлат ҳодимларини лавозимга танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ.

Бу ҳақда гапиргандা, кўп учрайдиган нохуш бир ҳолатни таассуф билан айтишга мажбурман. Масалан, бир номзодга ишонч билдириб, уни вазирлик лавозимига қўямиз. Ярим йил-бир йил ўтгач, ҳани ишларингизни бир кўрайлик, деб, у бошқараётган соҳанинг аҳволи билан қизиқсангиз, ҳар қайси бўлим ёки тармоқса, бошқарув ишига ўзининг таниш-билишлири, қариндошларини, бир пайлар Фаллаоролдами ёки бошқа жойдами, бирга ишлаган оғайнисини қўйган бўлиб чиқади. Яъни, маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик касалига дучор бўлади»²²⁵.

Шу ўринда қуйидагиларни нафақат шунчаки айтиб ўтиш, балки алоҳида таъкидлаш зарур: «Ҳокимиятнинг бу ўзини ўзи кучайтириши ва шиддатли тус олдириши йўлида ҳокимиятга яқин ижтимоий институт, маълум маънода ҳокимиятнинг ўз фарзанди – ҳукуқ, юксак ахлоқ ва ривожланган маънавият билан бир қаторда, ҳокимиятдаги салбий тамойиллар йўлига юв қўядиган асосий тўсик, омил, қайсиdir даражада усул бўлиб қолишидир»²²⁶.

Шундай қилиб, олдимиизда ҳал этилиши ушбу жамиятда мавжуд бўлган тузумнинг табиати, ўзига хос хусусиятига ва, айниқса, ҳокимиятнинг «катталиги» ҳамда унинг давлат институтлари ва муассасаларида жамланган ҳажмига, шунингдек, ундан кам бўлмаган даражада, унинг демократик ва маънавий-ахлоқий бар-камоллигига боғлиқ бўлади.

²²⁵ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 77-бет.

²²⁶ С.С.Алексеев. Восхождение к праву. Поиски и решения. М., 2001, 199-бет.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида янги XXI асрнинг илк йилларида жамиятимиздаги ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг моҳияти нималардан иборат бўлиши ҳақида гапира туриб, жамиятимизнинг маънавий янгиланишини энг муҳим устувор йўналишлар қаторида бежиз санаб ўтмади.

«Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимиизда турган энг дол зарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз қути ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиш керак.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаёти-мизнинг бошқа соҳаларидағи аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир»²²⁷.

Оқилона йўлга қўйилган, тараққиёт сари йўналтирилган ижтимоий тузумда, ривожланган демократия ва ҳуқуқий маданият шароитида, айниқса, ривожланган фуқаролик жамияти шароитида ҳокимият демократик ва маънавий қадриятларга садоқати туфайли, ўз маъмурӣ-буйруқбозлик интилишларини бир меъёрда тутиб туради, ҳукмронлик шиддатини чеклади ва жамият фойдаси йўлида амр-фармони давлат фаолиятини белгилangan қатъий чегарада ушлаб туради, ҳаддан ошишларга йўл қўймайди.

²²⁷ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 381-бет.

Бу – қонуниятли ҳол, албатта. Ахир, «Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидағи ўз масъулиятларини ҳис қиласидилар»²²⁸.

Президент Ислом Каримов, шунингдек, бизда айнан давлат бош ислоҳотчи эканлигини, бинобарин, бутунги кунда давлат хизматчиси бош ислоҳотчи эканлигини эслатиб ўтди. Шунинг учун Юртбошимиз ҳукумат аъзоларини раҳбарлик лавозимларига тайинланишлари билан қутлар экан, қўйидагиларни уқтириб ўтди: «Бу ишончни оқдай олмасдан, қандайдир лоқайд, бепарво бўлиб юриш, сезигрликни, ташаббускорликни йўқотиш сизларга ярашмаслигини, энг муҳими, мендан кетгунча – эгасига етгунча, деган касалмиқдан бутунлай жудо бўлиш вақти келганини эсингиздан чиқарманг»²²⁹.

Шундай қилиб, Ислом Каримов янги ҳукуматни янгича ишлашга даъват этди. Зоро, янги ҳаётни, обод ва озод жамиятни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузада Конституцияга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Президентнинг айрим ваколатлари нафақат Сенатга,

²²⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 151-152-бетлар.

²²⁹ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 78-бет.

балки Ҳукуматга ҳам ўтказилгани қайд этиб ўтилғанди. Бу ўз вақтида амалга оширилган иш бўлди. Чунки парламентни, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятни кучайтириш ижро этувчи ҳокимиятни, яъни ҳукуматни кучайтириш билан баробар кечиши даркор.

Бинобарин, ҳокимиятнинг мўътадиллиги уни лозим дараҷада ташкил этишни талаб қиласиди. Бундай ташкил этишнинг ҳал қилувчи воситаси инсоният томонидан тарихий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқилган. Бу – **ҳокимиятнинг бўлиниши принципи** бўлиб, у давлат ҳокимиятининг уч тармоқقا – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига – аниқ бўлинишидагина эмас, балки уларни мувозанатлаштириш, уларнинг ўзаро бир-бирини чеклаши тизимида ҳам ўз ифодасини топди. Бундай чеклов ва мувозанатлаш ҳокимиятлардан биронтаси ҳам устун бўлмаслигига хизмат қиласиди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳокимият бўлиниши таълимотининг асосчиси Ж.Локкнинг сиёсий-хуқуқий ва фалсафий қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Локкнинг фалсафий ва сиёсий қарашларига кўра, зўравонлик ва қонунсизликка асосланган мутлақ монархия инсон табиати ва ижтимоий шартнома билан кескин зиддиятда бўлса, ҳокимият бўлиниши қоидасига асосланган оммавий сиёсий ҳокимият кишилар табиатига азалдан мувофиқдир. Кейинчалик ҳокимият бўлиниши тўғрисидаги унинг ғоялари Ш.Монтескье асарларида ривожлантирилиб, тўлдирилди. Монтескьенинг янгича ёндашуви шундан иборат эдик, у, авваламбор, эркинликнинг либерал тушунчасини ҳокимият бўлиниши механизмини конституциявий тарзда мустаҳкамлаш ғояси билан уйғулаштиради, эркинлик фаят қонунлар билан ва ҳатто асосий қонунлар билан ўрнатилади, деб ҳисоблади, қолаверса, бўлинувчи ҳокимиятлар таркибига суд органларини ҳам киритиш лозимлигини аниқ ёқлаб чиқади. Монтескье ҳоки-

мият бўлиниши принципи асосида қурилган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи давлат тизимини судларнинг мустақиллиги принципи билан тўлдиради. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятидан иборат ушбу учлик конституционализм (яъни, ижтимоий осойишталик йўлида давлат ҳокимиятини чеклаш²³⁰) назариясининг классик формуласи бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, ушбу формула мазкур тизим бирон-бир ҳокимият органининг мутлақ устун мавқеига эга бўлишига, ҳуқуқ ва конституцияни поймол этишига йўл қўймаслигини англатади. Чунки барча мамлакатларда мўътадил вазиятда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мавжуд. Ҳокимиятнинг бўлиниши эса давлат ўз функциясини тўла ва са-марали олиб бора олишини турли вазифалар юкланган давлат органлари бир-бирининг ўрнини босмаслиги, эгалламаслиги, бир-бирини тийиб туришини таъминлашга хизмат қиласиди. Бунда, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро ҳаракати усули турлича бўлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимларига бўлиниши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз Президенти демократик андозалар ва принципларни давлат бошқарувига янада чуқурроқ жорий этишни бош вазифа сифатида белгилар экан, қуидагиларни таъкидлаганди: «ҳокимият, яъни, қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш...

²³⁰ А. Шайо. Самоограничение власти (Краткий курс конституционализма). М., «Юрист», 1999, 20-бет.

...Бу масалаларнинг моҳияти ҳақида гапирар экан-миз, шуни чуқур англаб олишимиз керакки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларни тўлиқ ва холисона бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу руҳдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади»²³¹.

Айни пайтда Юртбошимиз қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият тармоқларининг ҳар бирiga Конституцияда белгилаб берилган ўз хуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун шартшароит ва кафолатлар яратилиши ҳақида ҳам алоҳида қайд этиб ўтди²³².

Жумладан, Президентимиз томонидан тегишли ҳужжат имзоланиб, унда Президентнинг (ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги) ҳамда ушбу ҳокимият вакили бўлган ҳукуматнинг ваколатлари аниқ чегаралаб қўйилди.

Масалан, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа ишлари вазирлиги, ҳавфсизлик органлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг фаолиятига оид қарорлар қабул қилиш Президент ваколатига киради, бу уларга нисбатан ҳукуматнинг муносабатини истисно этмайди. Бироқ ушбу масалалар бўйича асосий жавобгарлик давлатимиз раҳбари сифатида Президент зиммасида бўлади.

Бундан ташқари, иқтисодиётда ҳам Президент раҳбарлик қилишини талаб этадиган соҳалар бор. Бу

²³¹ И.А. Каримов. Ҳавфсизлик ва тинчлик йўлида курашмоқ кепрак. 10-том. Т., «Ўзбекистон», 2002, 322-323-бетлар.

²³² И.А. Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003, 220-бет.

— истиқбол режаларни, мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқбол прогнозларини, баланс масалаларини, жумладан, олтин-валюта баланси ва унинг захираси ҳажмини белгилашдир.

Лекин бунда ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир вазир ўз тармоғи учун масъул бўлиб, Президент олдида жавоб беради, зарур бўлган ҳолларда парламент олдида ҳисобот беради.

Гап ҳокимият барча тармоқларининг ўзаро муносабати тўғрисида бораётганига шубҳа қилмаслик учун, уларнинг биронтаси ўз ваколатларини ошириб юбор-маслиги ҳамда нима ҳақда гап бораётганига шубҳа бўлмаслиги учун Ислом Каримов: «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида бугун жорий этилаётган янги ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад нима?» — деб савол беради. Сўнг ўзи: «Мақсад — ҳокимият барча тармоқлари, жумладан, ижро ҳокимияти бўлмиш ҳукумат фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш», — деб жавоб беради. Бу Президент ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти билан боғлиқ асосий масалалардан ҳеч қачон четда турмаслигини англатади. Нима учун деганда, барча масалалар бўйича Президент жавоб беради.

Бу — табиий ҳол. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мамлакатимиизда президентлик бошқаруви ўрнатилган. Ўзбекистон — президентлик республикаси. Бинобарин, «Ҳозирги замон давлатчилиги тажрибасига таяниб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бошқарувнинг президентлик-республика шакли давлат бошқарувининг энг мақбул шаклидир»²³³.

Бугунги вазиятда сиёсий ўзликни англаш даражаси тўғрисидаги масала ҳам муҳим бўлиб, ҳокимият

²³³ А.Азизхўжаев. Давлатчилик ва маънавият. Т., «Шарқ», 1997, 24-бет.

тармоқлари ўртасида ваколатлар қай даражада мұваффақиятли ва мутаносиб тақсимланиши маълум маънода шу билан боғлиқ. Масалан, Юртбошимиз: «Одамларимизнинг сиёсий онги ва савияси қанчалик юксалса, биз демократия йўлида қанча кўп ижобий ўзгаришларга эришсак, эркинлаштириш жараёнлари ҳам шунча тезлашади ва шу асосда Президент 90-йиллардаги мураккаб бир шароитда ўз зиммасига олишга мажбур бўлган ваколатларни тегишли тузилмаларга бериши учун имконият туғилади»²³⁴, – деб ҳисоблади.

Айни пайтда Президент Ислом Каримов ҳукуматимизнинг ҳамма иши ҳалқ фаровонынг юксалтириш тўғрисида кўпроқ ўйлашга қаратилиши кераклигини алоҳида таъкидлadi.

Бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи таълим эҳтиёжларига сарфланаётганига қарамай, «...бу соҳада баъзи бир хунук ишлар кўзга ташланмоқда. Мана, шунча замонавий колледжлар қурилди, лекин уларда кимлар ишлайти?..

Биз катта-катта минбарлардан туриб таълим ислоҳоти ҳақида кўп гапирамиз, жойларда эса, афсуски, аҳвол бошқача»²³⁵.

Ўз нутқида Президентимиз Тошкент техника университетида колледжлар ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича қўшимча факультет очиш кераклиги, очганда ҳам, шошилинч, янги ўқув йилини кутмай очиш кераклиги ҳақида алоҳида уқтириб ўтди.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ривожланишимизнинг янги босқичида давлат ва жамият қурилишига, биринчи навбатда, ҳукуматга тааллуқли вазифаларни

²³⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 83-бет.

²³⁵ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 86-87-бетлар.

таърифлаб берди ва уларни қуийдагича белгилади: «Энг муҳим масала — ижтимоий-иктисодий ривожланиш борасида ўзимиз танлаган моделга асосланган ҳолда, ҳалқ ҳаётини яқиндан билиб, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳар томонлама юрагимиздан ўтказиб, олдимизда турган мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш, замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб ва-зифаларни вижданан ва масъулият билан бажаришдан иборат»²³⁶.

²³⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги бос-қичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 88-бет.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БҮЛМАЙДИ

Бу сўзлар замирида нақадар улуғ ва чин ҳақиқат ўз мужассамини топган. Зотан, «Биз ўзбеклар ҳам, куррайи заминдаги бошқа халқлар каби, қадимий халқмиз, кўп асрлик тарихга эгамиз. Хоразм ва Сурхон воҳасидан, Самарқанд билан Бухородан, Шош ва Илоқ воҳасидан, Фарғона, Қува ва Сирдарёнинг ўрта ва қуий оқимидан кейинги 30 йил ичидаги топилган археологик ва антропологик ашёлар (мехнат ва уруш қуроллари, уй-рўзгор ва зеб-зийнат буюмлари), улкан ва ҳашаматли қасрлар, қўргонлар, масжиду мадрасалар, сув иншоотларининг қолдиқлари ва, ниҳоят, ота-боболаримизнинг ақлу заковати билан яратилган минг йилдан ортиқ тарихимизни ўз ичига олган қўлёзма китоблар бунга далил-исботдир»²³⁷.

Аммо бахтга қарши, биз кўхна юртимиз устидан қарийб бир ярим аср мобайнида ҳукм юргизиб келган мустамлакачилар зуғуми остида юртимиз ва аждодларимиз тарихини яхши билмай, яхши ўргана олмай келдик. Яратганга шукурлар бўлсинки, мустақиллик боис эндиликда биз ҳам қадимий ўлкага, миллий давлатчилик тарихига, сўнмас миллий қадриятларга, бой маънавий-маданий меросга эга эканлигимизни баралла гапириш имкониятига ва ёзиш ҳуқуқига муяссар бўлдик.

²³⁷ Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Т., «Ўқитувчи», 1994, 3-бет.

Бинобарин, Ўзбекистон давлати истиқдолнинг ўтган ўн тўрт йили мобайнида адолат устуворлигига асосланган эркин, демократик, хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш сари дадил одимламоқда. Бу даврда ўзбек моделига асос солинди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ва ўзига мос йўлдан событқадамлик билан илгарилаб бормоқда ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси эндилиқда бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Бироқ мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий юксалишига, хавфсизлиги ва барқарорлигига бир неча йилдирки, дин никоби остидаги экстремистик кучлар, фундаменталистлар, сепаратчилар ва ҳалқаро террорчилар – ўта хавфли жиноятчилар очиқдан-очиқ таҳдид солиб келмоқда. Айниқса, уларнинг энг ашаддийлари сўнгги олти-етти йил мобайнида қўшни Тожикистон ва Афғонистонда уя қуриб, дунёнинг турли бурчакларида террорчи ҳамтовоқларининг моддий ва мафқуравий мададига таянган ҳолда, юртимиз сарҳадларини бузиб ўтишга уринмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов истиқдолнинг дастлабки кунларидан бошлаб **мустақилликни мустаҳкамлаш, асраб-авайлаш, ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, терроризм, экстремизм ва диний фанатизм** йўлига тўсик қўйиш чораларини белгилаб, огоҳликка даъват этиб келади.

Дарҳақиқат, терроризм, экстремизм ва диний фанатизм таҳдиди ҳозирги кунда бутун жаҳонга ёйилгани ҳаммага яхши маълум. Бир неча йил аввал кўплаб қудратли мамлакатлар бепарво, беписанд муносабатда бўлган бу ҳодисалар ҳозирги кунда ҳалқаро терроризм номини олиб, эндилиқда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия сингари қудратли давлатларни ҳам ларзага солмоқда.

Аслида, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу оғатлар ҳақида истиқолонинг илк кунларидаёқ жаҳон жамоатчилигини огоҳлантирганди. Президент 1993 йил кузида бу ҳақда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб бонг урганди ва: «Ўзбекистон экстремизмни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъяян қоралайди»²³⁸, – деб бу борадаги позициясини эълон қилганди. Шундан буён Ўзбекистон ўз принципларига ғоят содик эканлигини намойиш қилди. Бинобарин, Ўзбекистон ҳам бошқа кўплаб мамлакатлар каби, терроризм, экстремизм ва диний фанатизмга нишон бўлди. Ва бу уч ҳодиса ягона қиёфада мамлакатимизга ҳали ҳам таҳдид солмоқда.

1999 йилнинг 16 февралида пойтахтимиз Тошкентда юз берган мудҳиш ҳодиса халқимиз хотирасидан асло кўтарилимайди. Шу куни мамлакатимиз терроризм хуржига илк бор дучор бўлди. Бу воқеа Президент бежиз бунчалар куюнмаётганлигини исботлади. Шундан сўнг 2000 йил августдаги хурожлар, 2004 йил март ойида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида, июль ойида Тошкент шаҳрида машъум ҳодисалар рўй берди, 2005 йил май ойида эса Андижон шаҳрида терроризм, экстремизм ва диний фанатизм бир қиёфада намоён бўлди. Албатта, давлатимиз томонидан бу мудҳиш ҳодисаларга нисбатан жиiddий амалий чоралар кўриш талаб қилинди. Бироқ бундай чора-тадбирлар орасида энг долзарби ва энг муҳими – *кучли давлат, мустаҳкам ҳукуқ-тартибот органлари ва қудратли ҳарбий қисмлар барпо этиши* масаласи бўлиб қолаверади. Ана ўшанда Ўзбекистон ҳар қандай душманни мамлакатимиз сарҳадларидаёқ яксон қилиш, даф этиш қувватига эга бўлади. Албатта, бу – яқин истиқболдаги муҳим вазифа.

²³⁸ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 52-бет.

Агар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўса-
фасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари
ва тараққиёт кафолатлари» асари терроризм масала-
сини алоҳида эътибор билан ёритган, мисоли бир огох-
лантирувчи ҳайқириқ сифатида дунё юзини кўрган
бўлса, «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китоби
Тошкент шаҳрида 16 февраль воқеаларидан кейин пайдо
бўлганлиги билан ажralиб туради. Шундан сўнг дав-
латимиз раҳбари бу масалага такрор ва такрор қай-
тишга мажбур бўлди... Нима учун шундай бўлди? Чун-
ки шу давр ичida нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон-
даги кўпгина мамлакатлар террорга нишон бўлганди.
Минг-минглаб бегуноҳ одамлар террорчилар томони-
дан қурбон қилинганди... Яқинда эса Ислом Каримов-
нинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмай-
ди» номли китоби дунё юзини кўрди. Бу – Андижон
воқеаларидан кейин чоп этилган, шу воқеалар билан
боғлиқ масалалар ёритилган китоб.

Ундан учта материал ўрин олган. Биринчиси –
Президентимизнинг 2005 йил 12-13 май кунлари Ан-
дижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати би-
лан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситала-
ри учун ўtkазилган матбуот анжуманидаги баёноти
ва мухбирларнинг саволларига жавоблари бўлиб, «Биз-
ни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди»
деб номланади. Иккинчиси – «Ҳақиқат – журналис-
тиканинг доимий, ўзгармас қоидаси ва унга амал
қилиш шарт» деб номланиб, унда мамлакатимиз раҳ-
барининг 2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республи-
каси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл
журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари
учун ўtkазилган матбуот анжуманидаги баёноти ва
мухбирларнинг саволларига жавоблари берилган.
Учинчиси – «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам
бўлмайди» деб юритилади ҳамда ундан Юртбошимиз-
нинг 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикаси-

га давлат ташрифи билан жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берган интервьююси ўрин олган.

Маълумки, Андижон воқеаларига жаҳондаги муносабат ҳар хил бўлди. Бу – бир масалага икки хил стандарт билан ёндашувнинг айни ўзиdir. АҚШ, Буюк Британиядек демократия тимсоли эканлигини даъво қилаётган давлатлар бу ҳодисаларга ўз нуқтаи назаридан ва ҳатто, айтиш мумкинки, ўз манфаатлари нуқтаси назаридан ёндашди. Бизнинг мамлакатимизга дўстлик изҳор қилиб турган бу мамлакатлар, кези келганда, Уильям Черчиллнинг: «Англияning доимий дўстлари йўқ. Унинг доимий манфаатларигина бор», – деган гаплари ҳақлигини ўз хатти-ҳаракати ва муносабати билан яна бир бор тасдиқлади. Бу билан Farb мамлакатларининг аксарияти шу принципга амал қилишини намойиш этди ва Ўзбекистонга нисбатан ўз муносабатини яққол ошкор қилиб қўйди.

Хўш, Андижон шаҳрида аслида қандай ҳодиса содир бўлганди? Буни биз учун энг ишончли манба бўлган Президент Ислом Каримовнинг **12-13 май кунлари** Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан **маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнотидан** аниқ билиб олиш мумкин. Чунки давлатимиз раҳбари воқеалар содир бўлиши биланоқ Андижон шаҳрига етиб борган ва воқеалар ривожланишини шахсан ўзи кузатган. Бу билан у катта фожиаларнинг олдини олиб қолди, десак, асло янгишмаган бўламиз. Бинобарин, Андижонда содир этилган мудҳиш ҳодисалардан тегишли сабоқ ва хulosалар чиқариш учун ҳам ушбу баёнот тафсилотларига кенгроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Президент бу воқеалар хусусидаги баёнотда, жумладан, шундай деди: «12 майдан 13 майга ўтар кечаси соат 00.30 да бир гурух, қуролланган жиноятчилар... ша-

ҳарда жамоат тартибини сақлайдиган милиция батальони – соқчи-патруль хизмати ҳудудига ҳужум қилган. Ярим тун бўлгани учун, қолаверса, навбатчилар томонидан зарур даражада ҳушёрик кўрсатилмагани сабабли жангарилар батальон ҳудудига бостириб кирган, навбатчилик қилаётган тўртта милиция ҳодими ни отиб ташлаб, қурол-яроғ омборини бузиб, ўнлаб автоматлар, тўппончалар, граната ва бошқа қуролларни эгаллаб олган»²³⁹.

Президент кичкина чекиниши қилиб, шу куни Россия телевидениеси орқали Андижонда жиноий ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан «**қўзғолон кўтарганилар**» деган ибора ишлатилганини эшишиб қолганини айтади ҳамда журналистларни бирон-бир иборани қўллашда журналистик одоб доирасидан чиқмасликка, ҳар қайси сўзни билиб, вазминлик билан ишлатишга даъват қиласи ва улар айнан қуролланган **жиноятчилар, жангарилар** эканлиги-ни таъкидлайди.

Шундан кейин жангарилар Мудофаа вазирлигига қарашли 34-ҳарбий қисм жойлашган ҳудудга йўл олган. Жангарилар бу ерда ҳам аввал навбатчилик қилаётган тўрт-беш кишини отиб ташлаб, жуда кўп автомат ва бошқа қурол-яроғларни эгаллаб олган.

Кейин улар ҳарбий қисмдан олиб чиқилган «ЗИЛ-130» оғир юқ машинасида тергов изолятори ҳудуди томон кетишган. Шу машина билан қамоқхона ичкарисига киришиб, деярли барча маҳбусларни – чамаси 600 кишини у ердан бўшатишган. Улар орасида босқинчиларга қўшиладиганлар ҳам топилган.

Жангарилар машиналарга ўтириб, кўчада учраган кишини гаровга ушлаб, ҳоҳлаган одамнинг машинасини тортиб ола бошлаган. Бузғунчилик авжига минган:

²³⁹ И.А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 4-5-бетлар.

улар күчадаги одамлардан тортиб олинган автомобилларда бақир-чақир билан, осмонга ўқ отиб, шаҳар күчалари бўйлаб шовқин-сурон кўтариб ўтган ва учта обьектга яқинлашиб келган, биринчи обьект – **вилоят ички ишлар бошқармаси биноси**, иккинчи обьект – **вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси биноси** (террорчилар бу биноларни қўлга ололмаган, бу икки бинода ўз бурчини бажараётган хизматчилар томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келган), учинчи обьект эса – **вилоят ҳокимияти биноси** бўлган. Жангарилар ҳокимият биносига яқинлашиб келиб, уни бутунлай ишроғ қилган. Шу билан бирга унга туташ биноларни, темир панжара билан ўралган бутун мажмуани эгаллаб олишган ва кўнгилларига келган бузғунчилик ва номаъқулчиликни бошлашган.

Президент жангарилар ҳокимият биносидан туриб Қирғизистоннинг Жалолобод ва Ўш вилоятларига, ҳатто Афғонистон ҳудудига ҳам қўнғироқ қилишгани, яъни ўзларининг жиноий қилмишларини ташкил қилишга ёрдам ва кўмак берган ҳомий ва хўжайнларига телефон қилиб, «Мана шундай воқеалар бўлди, биз ғалаба қозондик», деган мазмунда ахборот берганликларини тасдиқловчи аниқ маълумотлар борлигини баён қилди. Бу қўнғироқларни маҳсус хизмат вакиллари эшитган, уларни ёзиб олган.

Юртбошимиз яна бир муҳим детални таъкидлаб ўтди: жиноятчилар йўл-йўлакай ўзлари учун зарур деб ҳисоблаган одамларни, яъни **давлат хизматчиларини** ушлаб, уларни гаровга олган. Дастраси ҳисобкитобларга кўра, гаровга олинганларнинг сони 20 кишидан кам бўлмаган. Жангарилар гаровга олинганларни ҳокимият биносига олиб кирган, уларни арқон билан боғлаб ташлаган ва деярли бир сутка давомида таҳқирлаган. Айни пайтда вилоят ҳокимияти биносими эгаллаши биланоқ, улар ўзларининг барча қариндош-уруглари, хотинлари ва оила аъзоларига телефон

қилишни бошлаган. Ва улар ҳали бинони деярли эгал-лаб бўлмасидан туриб, уларнинг оила аъзолари – аёллар, кексалар, ёш болалар бу ерга тўплана бошлаган.

Шу ўринда Президент хорижий журналистларни воқеалар қанчалик ваҳшийлик, инсонпарварлик меъёрларига қанчалик зид эканига эътибор беришга даъват этди. Аёлларнинг, болалар ва кексаларнинг нима айби бор?

Шундай қилиб, жангарилар кечаси соат 00.30 да ўз ҳаракатларини бошлаган ва эрталаб соат олтиларга бориб ўз мақсадларига эришган – жиноятчиларни қамоқҳоналардан бўшатишган, вилоят маъмурияти биносини эгallab олишган ва ички ишлар ҳамда миллий хавфсизлик хизмати бошқармалари биноларини қуршаб олишган. Президент Андиконга этиб келганда вазият шундай бўлган.

Шундан сўнг биринчи навбатда штаб тузилди. Штаб олдига вужудга келган вазиятни бартараф этиш ва гаровга олингандарни қутқариш, узоқни кўзлаган бу жиноятчи тўдалардан маҳаллий маъмурият биносини озод қилиш, шаҳар аҳолисининг тинчлиги ва осоишишталигини сақлаш, хавфсизлигини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш вазифаси қўйилди. Шу тариқа Президент маслаҳатлашиб иш қилиш, маҳаллий аҳолининг кайфиятини, ниятини билиш учун шаҳар ва вилоят жамоатчилиги вакилларини тўплаб, улар билан гаплашиш истагини билдиради. Мақсад – улар билан мавжуд вазият бўйича фикр алмасиб, ундан кейин тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишга киришиш эди.

Шундай қилиб, вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан гаплашиб, уларнинг фикри билингач, штаб аъзоларини тўплаб, аввало ҳокимият биносига ўрнашиб олган жангариларнинг раҳбарларини қидириш бошланди. Уларнинг ҳаммасида қўл телефонлари бор эди.

Жангариларга қүйидагича талаб ва таклиф қўйилди: хоҳласангиз, қуролни топширинглар, хоҳламасангиз, қуролни топширмасдан – мана сизларга 3-4 автобус – уларга ўтириб истаган жойингизга боринглар, бошингиздан бир тола ҳам сочингиз тушмайди, ҳеч ким сизларга тегмайди. Содир бўлган воқеалар бўйича тегишли тергов-суриштирув ишлари олиб борилиши, агар ҳақ бўлишса – ҳақлиги тасдиқланиши, айбдорларга эса қонуний чора кўрилиши айтилди, шартга кўнмай иложлари йўқлиги, чунки *давлат билан кураш олиб бориб бўлмаслиги, унинг қўлида катта куч борлиги* эслатилди. Қурол ишлатиладиган бўлса, ҳарбий ҳаракатлар бошланадиган бўлса, кейин уни тўхтатиб бўлмаслиги таъкидланди.

Қисқаси, жангарилар турган жойга ҳарбийларни яқинлаштиргмаган ҳолда музокаралар бошланди. Тинч музокаралар олиб бориш, ҳокимият биносига ўрнашиб олганларни қўрқитмаслик, уларнинг ишончини қозониш учун шундай қилинди.

Жангарилар ўз талабларини қўйишиди. Олдинига қўлга олинган олти одамни уларга топшириш талаби қўйилди. Бу одамлар олиб келинганда, жангарилар бошқа бир талабни – Акром Йўлдошев деган шахс («акромийлик» оқими етакчиси)ни ва яна бошқа икки уч кишини келтириш талабини қўйишиди. Ҳуллас, улар талабининг охири кўринмас, бу талаблар бажарилгани билан жангарилар томонидан ижобий қадам қўйилиши гумонлиги маълум бўлди. «Биз жангариларнинг талабларини бажариб, самолётда Навоийдан, Тошкентдан ва бошқа жойлардан улар сўраган одамларни олиб келиб қўлига топширсак, – дейди Юртбошимиз куюнчаклик билан, – эртага улар яна бошқа, бундан каттароқ талаб қўймайдими? Бундай муроса эртага қандай оқибатларга олиб келади? Авваламбор, булар ҳаммаси, биз ғалаба қозондик, деб дунёга жар солади-ку!

Бу ишимиз бошқалар учун қандай ўрнак, ибрат бўллади? Эртага Ўзбекистоннинг қайси қишлоқ, туман ёки шаҳрида қайси болалар боғчаси, қайси мактаб ёки касалхона улар томонидан ишғол қилинади? Агар 1995 йил 13-14 июнда Ставрополь ўлкасининг Будёновск шаҳрида чечен жангарилари томонидан амалга оширилган воқеаларни оладиган бўлсак, бундай воқеалар юз бермаслигини ким инкор эта олади? Бу жангарилар ҳам эртага қайси аёл ёки чақалоқни ўз олдига жонли девор қилиб, яна қандай талаблар қўяди? Уларнинг талаби сиёсий талабга айланиб кетмоқда-ку! Кўйиб берса, улар Ўзбекистонни ислом республикаси деб эълон қилиш, конституциявий тузум қоидаларидан воз кечиш талабарини қўйишишча ҳам боради. Буни мутлақо истисно қилиб бўлмайди. Агар бу жангариларнинг жони ўзига азиз бўлса, бошқаларнинг жони ҳам ўзи учун, яқинлари учун азиз.

Бундай ён беришларга дунёдаги ҳеч қайси давлат йўл қўймайди... Жиноятчилар томонидан қўйилган сиёсий шарт ва талаблар биз томонимиздан ҳеч қачон қабул қилинмаган ва қабул қилинмайди ҳам»²⁴⁰.

Жангариларнинг телефонда гаплашган барча гапларидан уларнинг ёвуз ниятлари янада кўпроқ ошкор бўла бошлади.

Жангарилар ҳеч қандай таклифга кўнмагач, ҳарбийлар ҳокимият биноси атрофини ўраб олишни бошлайди. Президент И.Каримов воқеа тафсилотларини қўйидагича изоҳлайди: «Ҳарбий кучлар бу ишни олти яримларда тугаллади, шу вақт давомида битта вертолёт тепада айланиб юрди. Бино томига ўрнашиб олган уларнинг снайперлари шу тариқа огоҳлантирилди: мабодо ўқ узадиган бўлсанг, билиб қўйгинки, сени ҳам тепадан туриб бир зумда йўқ қилиш мумкин.

²⁴⁰ И.А.Каримов. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 22-24-бетлар.

Лекин воқеалар ривожи шундай бўлдики, улар соат етти ярим-саккизларда ҳарбийларнинг келишини се-заб, олдинроқ ҳаракат бошлаб, бинонинг асосий эшиклиаридан уч гурух, бўлиб чиқсан ҳолда, шаҳар ташқарисини кўзлаб уч томонга қочишни бошлишди. Албатта, шу заҳотиёқ уларнинг орқасидан қувиш бошланди. Улар балки ўзининг олдиндан тайёрлаб қўйган жойига, узоқ-яқин паноҳларини кўзлаб, аввалимбор, Қирғизистон томонга қоча бошлиди...

...Кечаси жиноятчиларни охиригача тутишнинг имкони бўлмади. Уларни таъқиб қилиш тунги соат ўн бирларда тўхтатиљди. Эрталаб бу жараён яна давом этди.

Улар тун бўйи Андижон вилояти ҳудудининг ўзида ёки чегарадан ўтиб, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳудудида тарқалиб кетган бўлиши керак»²⁴¹.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ўз **холосалари**ни баён қилди:

Биринчидан, ақидапараст ва жангариларнинг асл мақсадлари, аввалимбор, қулай вазиятдан фойдаланиш бўлган. Андижонда содир этилган фожиали воқеаларда кейинги йилларда ва айниқса сўнгги пайтда Қирғизистонда бўлиб ўтган воқеаларнинг барчасини айнан такрорлашга бўлган уринишни кўриш қийин эмас.

Иккинчидан, бу қора гуруҳлар, Қирғизистонда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлигини кўрсатади, деб хом ўйлашган ва онги заҳарланган ёшларни эргаштириб, ёвуз ҳаракатларни бошлишган.

Учинчидан, Андижондаги жангариларнинг орасида қўшни давлатлардан келганлар ҳам бор эди. Четдан ёрдам бўлмаса, ҳомийлари моддий кўмак кўрсатмаса, улар ҳеч қачон бундай чуқур тайёргарлик кўролмасди, умуман, бундай жиноятни қила олмасди. Бу – табиий ҳол. Бундай дейишга барча асослар бор.

²⁴¹ И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 28-30-бетлар.

Тўртингидан, жангарилар Андижон халқи, аҳолиси ўзларини қўллаб-қувватлайди, деб ўйлашган. Уларнинг режаси оддий эди — маъмуриятни эгаллаш ва одамларни, халқни қўзғатишга чақириш.

Юқорида айтилганидек, жиноятчилар ҳокимият биносига ўрнашиб олиб, телефон орқали ташқаридаги — Андижон шаҳри ва яқин атрофдаги туманлардаги одамларни қўзғатишга тун бўйи уринишиди. Ўз яқинлари ва тарафдорларини Андижондаги майдонга тўпланишга чақиришиди. Аёллар ва болалар ортига беркиниб олиб, аскарларни аёллар ва болаларга қаратса ўқ узишга мажбурлаш учун ҳийла-найранг ишлатишга уриниб кўришиди. Уларнинг аввалдан ишлаб чиқилган режаси бор эди ва бу режа Жалолобод ҳамда Ўшда худди шундай ҳаракатларни амалга оширганлар томонидан қўллаб-қувватлаб турилди.

Бу жиноий тўда Ўзбекистондаги вазият мутлақо бошқача эканлигини, Қирғизистондаги вазиятдан мутлақо ўзгача эканини ҳисобга олмаган. Одамларнинг кайфияти, халқнинг хоҳиш-иродаси Қирғизистондагидан мутлақо бошқача эканини ҳам улар эътибордан четда қолдирган. Шу маънода ушбу машъум режани тузганлар қаттиқ адашли.

Бешингидан, жангарилар томонидан ўйланган асосий ният — шундай вазиятлардан фойдаланиб, вилоятда халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ақдариш, халифалик деган фирт хомхаёлдан иборат афсонавий давлатнинг бир қисмини Андижонда ташкил этиб, ҳокимиятни қўлга олишдан иборат бўлган.

«Биз бу фожиадан чукур хулоса чиқаришимиз кепрак, — дейди мамлакатимиз раҳбари. — Мен, биз устун келдик, биз ғалаба қилдик, деган фикрдан йироқман. Бу воқеаларда ҳеч қандай ғалаба йўқ»²⁴².

²⁴² И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 52-бет.

Бу – Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиғининг расмий баёноти. Унда Андижонда бўлиб ўтган машъум ҳодисалар бутун тафсилоти билан баён қилиб берилган. Хўш, бунга жаҳон жамоатчилик инг, оммавий ахборот воситаларининг, Шарқ ва Фарб мамлакатлари давлат арбобларининг муносабати қандай?

Президент бу ҳақда 2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнотида батафсил тўхтали. Зоро, бу баёнот бежиз «Ҳақиқат – журналистика инг доими, ўзгармас қоидаси ва унга амал қилиш шарт» деб номланмаган. Чунки унда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг Андижон воқеалари борасидаги позицияси ва уни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида мамлакатимиз Президенти ўзининг холис фикрини билдириди. «Вазият шундай тус олмоқдаки, — дейди Юртбошимиз ўз баёнотида, — айрим ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари... ҳатто дастлабки тергов натижаларини кутмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч қандай асосга эга бўлмаган уйдирма ва бўхтонларни тарқатиш билан машғул»²⁴³. Буни Президент улар буюртма асосида ишлаётгани билан боғлади ва бундай журналистларни уларнинг буюртмачиларини инсофга чакириди, улар тарқататётган ахборотни «маҳорат билан тўқиб чиқарилаётган ифво ва уйдирмалар, сохта талқинлар», деб атади ҳамда журналист ҳар қандай вазиятда ҳам аниқ далилларга таяниши лозимлигини эслатиб ўтди.

Айни пайтда ушбу баёнотда Рейтр агентлиги, Биби-си, Си-эн-эн, «Немис тўлқини» ва умуман Германия оммавий ахборот воситалари, Синъхуа агентлиги, Жанубий Корея ва араб мамлакатлари оммавий ахбо-

²⁴³ И.А.Каримов. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 89-бет.

пот воситалари аниқ даиллар ва жиiddий фикрларга асосланишаётганини, Ўзбекистонда бўлаётган барча воқеалар Қоҳира газеталари саҳифаларида ўта холис баҳоланишини, Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вазиятни диққат билан кузатиб, воқеаларга тӯғри баҳо берадиганини қайд этиб ўтилди. Япония ва Туркия оммавий ахборот воситалари бизга алоҳида меҳр билан қарамаса-да, Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларни вазминлик ва холислик билан ёритаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, Россиянинг НТВ, РенТВ, сингари телеканаллари воқеаларни ўта сурбетлик билан, билиб туриб, атайлаб бузиб талқин қилаётгани таас-суф билан айтиб ўтилди.

Андижон воқеаси шу қадар ларзалики, бирон-бир сиёсий воқеада у тилга олинмай қолмаяпти. Жумладан, Президент Ислом Каримов 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида **оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюсида ҳам Андижон воқеалари билан боғлиқ савол** берилди. Саволнинг мөҳияти — Андижонда рўй берган воқеалар муносабати билан айрим мамлакатларнинг «халқаро текширув» ўтказиш ҳақидаги уринишларини изоҳлаш.

Мамлакатимиз раҳбари бу масалани шарҳлар экан, аввало, Ўзбекистон мустақил, суверен давлатлигини, унинг дарвозаси ва остонаси, ўзига хос давлат тизими, сайланган ҳукумати ва Президенти борлигини айтиб, бу ишларнинг ташаббускорлари «биз ўзимизни гўёки айбдордек, бечорадек, ҳис қилиб, энди билмаймиз, бизларни кечиринг, деб уларнинг олдида муте бўлиб туришимизни истайди»²⁴⁴, — деди. Чиндан ҳам, мамлакатимиз ички ишига ўзгалар аралашишига йўл қўймайди, чунки бирорнинг мамлакатига бостириб

²⁴⁴ И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарар бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 145-бет.

киргани йўқ, бомба ҳам ташлагани йўқ, нима учун бизни четдан келиб тафтиш қилиш керак?

Қон тўкишлар айборларини топиш, воқеаларни текшириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлардан иборат таркибда маҳсус комиссия иш бошлади. *Бу – бизнинг суверен ҳуқуқамиз.*

Президент шуларни изоҳлар экан, қўйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Мен олдин ҳам айтган ва ҳозир қалбимда ҳис қилаётган туйғуларни халқимизнинг олдида, юртдошларимизнинг юзига қараб, очиқ айтишим мумкин: мен халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди»²⁴⁵.

Энди жаҳон жамоатчилигининг **Андижон воқеала-ри** хусусидаги айрим фикрларига мурожаат этайлик.²⁴⁶

Россия Мудофаа вазирлигининг «Красная звезда» газетаси (2005 йил 24 май) «Халифалик таҳдид солмоқда» мақоласида таъкидланишича: «*Март ойига Қирғизистонга бўлиб ўтган, мамлакатнинг жанубида, Ўш шаҳрига бошланган «лола инқилоби» давридаёқ бу ерда муҳолифат кучлардан ташқари, радикал экстремистлар ҳам фаол ҳаракат қилаётгани маълум бўлганди. Ўшанда «Ислом Халифалиги» деб аталмиш ягона мусулмон давлатини тузиш тўғрисидаги унум бўлаёзган шиорлар қайтадан эшишила бошлади. Асосий зарба (2005 йил май ойи назарда тутилмоқда) қўшни Ўзбекистонга қаратилди. Бу республикага бўлиб ўтган ҳодисани «бахмал инқилоби» деб ҳам, демократик митинг деб ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш деб ҳам бўлмайди. Бу қуролли тўнтариши*

²⁴⁵ И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 157-бет.

²⁴⁶ Кўчирмалар қўйидаги манбалардан олинди: Россиянинг «Красная звезда» газетаси, Германиянинг «Шпигель» журнали, Интернет материаллари ва бошқалар.

қилишга, Фарғона водийсида, кейинчалик эса бутун Марказий Осиёда вазиятни бекарорлаширишга қаратилган кенг кўламли иғвогарликларни амалга оширишга интилиш эди».

Шу мақоланинг ўзида Ўзбекистон билан чегарадаги давлатлар етакчиларининг фикрлари ҳам берилган бўлиб, уларда Андижонда бўлиб ўтган воқеалар аҳоли эҳтиросларининг ўз-ўзидан жунбушга келиши эмаслиги қайд этилган. Жумладан, 2005 йил май ойида Қирғизистон сиёсий етакчиси ҳисобланган **Қурманбек Бакиевнинг** фикрича, Андижон воқеаларида «*сийи экстремизм таъсири сезилиб турибди*».

Афғонистон Ташқи ишлар вазири **Абдулло Абдулло** қўйидагиларни қайд этади: «*Аввалини АҚШга қарши жанг қилишни истаган ислом радикаллари бутун дунёдан келиб Афғонистонда тўпланишарди, ҳозир бу жараён тескари шакида рўй бермоқда. Марказий Осиёда соидир бўлаётган барча ҳодисалар, шу жумладан Ўзбекистонда соидир бўлган воқеа қайсиридан шаклда Афғонистон билан боғланган. Ўзбекистондаги тартибсизликларнинг айрим қатнашчилари толиблар билан боғлиқ эканлигини истисно этмайман*». Дарвоҷе, Россия расмий доиралари берган маълумотларга кўра, Андижон воқеалари арафасида Афғонистоннинг шимолида экстремистик гурӯҳлар фаолияти жонланиб қолган. Бу ҳам Абдулло Абдуллонинг таҳминларини тасдиқлади.

Россия Давлат Думасининг МДҲ ишлари бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари **А. Билалов** Ўзбекистон расмий ҳукуматининг Андижон воқеалари муносабати билан кўллаган тадбирлари тўғрисида шошилинч хulosса чиқармасликка чақириб: «*Ўзбекистон Президенти мумкин бўлган ягона усулни қўллади. Шарқда ожизлик кечирилмайди*», – деди А. Билалов. Ўзбекистонда кучли давлат ҳокимияти мавжудлигини таъкидлаб, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг босқичма-босқич йўлини танлаган Президент И.Каримов-

нинг сиёсати муайян мақсадни кўзлаб, пухта ўйланган сиёсат эканлигини қайд этди.

Қоҳира университетининг Осиё тадқиқотлари маркази директори **Х. Миткис** хоним Ўзбекистон давлат раҳбари қўллаган тадбирга қўшилди. Унинг фикрича, юз берган бу ҳодиса Ўзбекистон раҳбариятининг диний экстремизм ва ҳалқаро терроризм муаммосига нисбатан сиёсати муросасиз эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Индонезия парламенти депутати **Ж. Сиддиқ** тандычиларнинг Андижондаги воқеалар сабаби ҳалқ омасининг норозилиги эканлиги ҳақидаги фикрлари мақбул эмас деб ҳисоблайди. У айrim Farb эксперталари томонидан берилаётган баҳоларга қўшилмаслигини изҳор этиб, ҳар қандай террорчилик фаолиятини, у қандай важ-корсон билан амалга оширилмасин, Индонезия жамоатчилиги номидан қоралади.

АСЕАН юристлар уюшмаси Фахрий котиби **Радҳакришнан** фикрича, жангарилар ҳаракатининг уюшганилиги ва фаоллиги бу ҳаракатларнинг ижро чилари террорчи унсурлар эканлигидан далолат беради. Бундай вазиятда «жиноятчилар қўйган шартларни бажариб муросага келишга ўйл қўйиб бўлмайди ва ҳеч ким бундай қўлмайди ҳам», деб таъкидлади у.

Эрон ташқи ишлар вазирлиги МДҲ давлатлари Бош департаментининг бошлиғи **М. Сафарий** Андижондаги осуда ҳаётни бузган қуролланган каллакесарлар гурӯҳининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини қоралади. У Эрон Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб қолиш ва ушбу минтақа давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини тасдиқлади.

Россия Ҳалқаро молия-иқтисодий ривожланиш маркази директори **М. Межанский** Андижон воқеалари ташқаридан туриб уюштирилганига ишончи комиллигини билдиради. «Бироқ кучли ҳокимият тузилмаси, —

деди у. – Ўзбекистон ҳудудига шариат қонунлари бўйича ҳаёт кечираған мамлакат барпо этишини истовчиларнинг жинояткорона режалари амалга ошишига ўўл қўймаги ва ҳеч қачон ўўл қўймайди. Ўзбекистон – замонавий, мустақил ва дунёвий давлат, унинг халқи ўз Президентини, шубҳасиз, қўллаб-қувватлаиди».

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси шайхулислом **А. Пошозода** бу ғалаёнларни бошлиганилар халқнинг эмас, балки экстремистлар ва жиноятчиларнинг вакиллари эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, агар ташаббус халқдан чиққанида, қурол-яроғ воситасида босиб олиш ҳодисаси рўй бермасди. А.Пошозода, шунингдек, биринчи ўқни отганлар ҳукумат вакиллари эмас, балки бошқа томон эканлигига, дастлабки қурбонлар жангариларнинг иши эканлигига ҳам эътибор қаратди.

Тожикистон Хавфсизлик кенгаши котиби **А. Азимов** фикрича, «бир оз хотиржамликка ўўл қўйилганида зўравонлик учқуни алнга олиб, бутун Ўзбекистонга ёйилиши, бутун минтақага ўтиши мумкин эди». У, агар Тожикистон ҳокимият вакиллари 1992 йилда «қатъият кўрсатиб, Душанбела бир гурӯҳ экстремистларнинг чиқшишларига тўусиқ қўйиб, қатъий чоралар кўрганида, кейинчалик беш йиллик қонли фуқаролар уруши соғир бўлмасди», деб уқтирди.

Немисларнинг «Шпигель» журналида Марказий Осиё бўйича эксперт, Германия Социал-демократик партиясининг Бундестагдаги фракцияси аъзоси **Й. Пфлюг** билан сұхбат эълон қилди. Унда, жумладан, Й. Пфлюг шундай деди: «Ўзбекистонга беқарорлашув ёки фуқаролар уруши хавф солмайди. Давлат бошқаруви масалаларига ёндашувда муайян тафовутлар бўлишига қарамай, Фарғона водийси этник, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг мураккаб йиғиндингисидан иборат эканлигини тушунамиз. Водийда радикал ислом гурӯҳлари ҳаракат қилмоқда, улар шу муаммолар туфаили яшаб турибди. Биз Ўзбекистон ҳукуматини тер-

поризмга қарши курашда қўлмаб-қувватлашга тайёр туришимиз керак».

Умуман олганда, «Демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамоиллари ҳамма учун тушунарли: бу – демократиянинг ажралмас қисми бўлган ҳалқ ҳокимияти, ҳалқнинг хоҳиш-иродаси ва очик, эркин сайловлардир. Бу – охир-оқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир»²⁴⁷.

Бироқ ҳозир маълум тарихий сабаб ва шароитларга кўра демократик андозалардан ҳали узоқ бўлган мамлакатларда демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, демократия ғояларини зўрма-зўраки қарор топтириш учун уринишлар тескари натижка бериши мумкин. Бу ҳол ундан учинчи бир куч фойдаланиб қолиши муқаррар бўлган вазиятни келтириб чиқариши табиий. Бу учинчи куч радикал ислом бўлиши мумкинлиги тобора ойдинлашиб бормоқда.

Тўғри, биз Шарқ фарзандларимиз, ўзимизнинг урфодатларимиздан фаҳранамиз. Миллий қадриятларимизни асраш ва ҳеч қачон унутмаслик ҳақида отабоболаримиздан тарбия олганмиз, эндиликда буни фарзандларимизга ҳам ўргатмоқдамиз.

Айниқса, мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда диний қадриятлардан, чунончи, ахлоқ-одоб борасида ислом дини таълимотидан оқилона, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки ислом динида нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ҳозирги пайтда ҳам ўз қадр-қимматини тўла сақлаб келаётган муҳим ахлоқий қоидалар, маърифий фикр-мулоҳазалар чексиздир.

Бироқ, юқорида кўриб ўтганимиздек, экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинояткорона мақ-

²⁴⁷ И.А.Каримов. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 54-55-бетлар.

садларини турли исломий мафкуравий ғоялар билан ниқоблашга ҳаракат қилади, ана шундай сохта ғояларни тарқатиб, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни йўлдан оздиришга интилади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигига «ваҳ-ҳобийлик», «ҳизбут-таҳрир», «акромийлик», «адолат уюшмаси», «ислом лашкарлари», «тавба» каби турли зарарли ғояларга асосланган куч ва ҳаракатлар таҳдид солиб келмоқда²⁴⁸.

Тарихдан яхши маълумки, қайси миллат ўзлигини англаб, миллий қадриятларига таянган ҳолда ривожланган бўлса, охир-оқибатда улкан тараққиёт, буюк давлатчилик соҳиби бўлган. Зотан, «Миллий бирлик, қадрият ва анъаналар ҳақидаги гаплар илгари коммунистларни қанчалик чўчитган бўлса, бугунги кунда диний экстремист ва террорчиларга ҳам шунчалик ёқмайди. Бугун қадрият ва миллий анъаналаримизни тиклаш, асраб-авайлаш ва янада бойитишида уч муҳим масалани назардан қочирмаслигимиз зарур. **Биринчидан, шўро даврида миллий қадрият ва анъаналаримизнинг шаклини ҳам, моҳиятини ҳам бузиш, соҳталаштиришга уринишлар бўлди. Шу боис бугун уларни асл ҳолига тиклаб, ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда.** Иккинчидан, бугун миллий қадрият ва анъаналаримизга қарши янги бир ҳавф – диний экстремизм мафкураси таҳдиди пайдо бўлди. Учинчидан, «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» ниқобидаги айрим гурухлар ҳам бизнинг ўзлигимизга ҳавф солмоқда»²⁴⁹.

²⁴⁸ Бу ҳақда батафсилоқ қаранг: Ўзбекистоннинг мустақил таракқиёти ва мафкуравий жараёнлар. Т., «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002, 8-9-бетлар.

²⁴⁹ А.Азизхўжаев. Фоявий курашда бўш келмайлик! / «Тафаккур», 2004, 3-сон, 14-бет.

ХУЛОСА



Юқоридагиларга хулоса сифатида қўйидагиларни таъкидлашни истардик. **Авваламбор**, «Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақлзаковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормоқдамиз»²⁵⁰.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон сезиларли ижобий ўзгаришлар бўсағасида турибди. Мана, яқинда икки палатали парламент сайланди. Эндиликда у доимий асосда иш олиб бормоқда. Дарҳақиқат, яқиндагина мамлакатимизда парламент сайланиши ва иш олиб бориши шонли воқеа сифатида нишонланганди.

Учинчидан, биз Президентимизнинг қўйидаги нуқтаи назарига тўлиқ қўшиламиз: «Доимий равишда фолият юритадиган профессионал парламентнинг шакллантирилиши шуни кўрсатадики, давлатни ислоҳ қилишда биз етилиб келаётган ва давр илгари суроётган ўзгаришлар жараёнининг қонунчилик асосига принципиал аҳамият беряпмиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент тимсолида шундай бир восита яратилмоқдаки, биз унинг ёрда-

²⁵⁰ И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. Т. «Ўзбекистон», 2004, 87-бет.

мида ҳалқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлай олишимизга ишончим комил.

Бу жараёнларнинг пировард натижаси демократик давлатни барпо этишдан иборатdir. Умуман демократик давлат деган ибора ўринли-ўринсиз тарзда шунчалик кўп такрорланадики, мен буни бошқача ифодалашни жоиз деб биламан: биз қураётган давлат ХХI аср талабларига жавоб берадиган, диктатурага йўл қўймайдиган давлат бўлади... Шу сабабли парламент ҳам, суд ҳокимияти ҳам, ҳукумат ҳам қанчалик кучли ва мустақил бўлса — биз янги аср талабларига шунчалик кўпроқ жавоб бера оламиз»²⁵¹.

²⁵¹ И.А.Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 14-15-бетлар.

МУНДАРИЖА



СҮЗ БОШИ	3
I. БУГУН ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАН ВА ЭРТАГА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МУАММОЛАР	6
II. ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА	80
III. ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА ЭРКИН ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА	111
IV. ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ	221
V. ЎЗБЕК ҲАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ	241
ХУЛОСА	261

З. М. ИСЛОМОВ

ЎЗБЕКИСТОН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Тошкент — «Ўзбекистон» НМИУ — 2005

Муҳаррир *A.C. Magraхimov*

Бадий мұхаррир *M. Kudryashova*

Техник мұхаррир *T.Харитонова*

Мусаҳҳихлар *M. Раҳимбекова, N. Умарова*

Компьютерда тайёrlаган *N. Бегматова*

Босишга рухсат этилди 24.10.05 Офсет босма усулида босилди.

Қофоз формати $84 \times 108^{1/2}$, Шартли босма табоқ 13,86

Нашр табоғи 11,98 нұсха 3000 Буюртма № К-209

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» пашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129, Тошкент, Навоий күчаси, 30.